

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**МАТМУРОДОВ Ф.М., ЛЕШЕНКО Б.А., БЕКБАСОВА А.А.,
ИСАМУХАМЕДОВА Ш.А.**

ТАРМОҚЛАР МИКРОИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**МАТМУРОДОВ Ф.М., ЛЕШЕНКО Б.А., БЕКБАСОВА А.А.,
ИСАМУХАМЕДОВА Ш.А.**

ТАРМОҚЛАР МИКРОИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ

Тармоқлар микроиқтисодиёти. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, 2004 й. 97 бет.
Матмуродов Ф.М.— 1,3; 3; 4 боб, Лешенко Б.А.—1; 2 боб, Бекбасова А.А.—5
боб, Исамухамедова Ш.А.— 6 боб.

Ушбу ўқув қўлланмада республика микроиқтисодиётидаги турли
мулкчиликни шакллантириш ва ривожланиши динамикаси, турли
тармоқлар микроиқтисодиёти аҳволи, товар-хомашё ва фонд бозорини
тараққий қилдириш, корхоналар корпоратив бошқарувини
такомиллаштириш ва мақбул сармоявий муҳит яратиш саволлари таҳлил
қилинган. Республика иқтисодиёти институционал ўзгаришлари муҳим
диаграммалар ва жадваллар ёрдамида ёритилган.

Китобдан тармоқ иқтисодиёти мутахассислигига эга олий ўқув
юртлари магистр ва бакалаврлари, ҳамда иқтисодчи мутахассислар
фойдалинишлари мумкин.

- Такризчилар: 1. ТАҚИ «Қурилишда иқтисодиёт» кафедраси доценти
Финаева Т.М.
2. ТКХМИИИ «Менежмент ва маркетинг» факултети
декани, и.ф.н., доценти Даулатов Е.Ж.
3. Тошкент Молия институти «Микроиқтисодиёт»
кафедраси мудири, и.ф.н., доц. Эгамбердиев Э.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
иқтисодиёт мутахассисликларига эга олий ва ўрта махсус ўқув
юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.

Мундарижа

	бет
Сўзбоши	4
1 боб Жаҳон ва мамлакат микроиқтисодиётида мулкчилик муносабатлари	
1.1 Мулкчилик шакллари	5
1.2 Жаҳон микроиқтисодиётида мулкчилик муносабатларининг ривожланиши	5
1.3 Ўзбекистонда корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш динамикаси	8
2 боб Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти	
2.1 Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	20
2.2 Ишлаб чиқариш асослари - технология, ишлаб чиқариш функциялари ва корхона мувозанати	28
2.3 Корхоналарнинг молиявий фаолияти: корхона ишлаб чиқариш фаолиятидаги фойда ва дивидендлар	30
2.4 Даромад самараси ва алмаштириш самараси	34
3 боб Бозор инфратузилмаси: товар-хомашё ва фонд биржалари	
3.1 Биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш механизми	36
3.2 Биржа савдоларини ривожлантириш истиқболлари	40
3.3 Сармоя бозори ва фойза – тармоқда қимматли қоғозлар бозорининг аҳволи ва истиқболлари	42
4 боб Корпоратив бошқарув асослари	
4.1 Ривожланган хориж мамлакатлари ва республика тармоқ иқтисодиёти менежментининг таҳлили	47
4.2 Корхона менежменти - корпоратив бошқарув: акционерлик жамиятларининг ички бошқаруви	52
4.3 Акциялар давлат пакетини бошқаришнинг амалдаги схемаси	54
4.4 Корхоналарни бошқаришнинг республика ва минтақавий органлари фаолиятининг қиёсий натижалари	61
5 боб Корхоналарнинг инвестицион фаолияти	
5.1 Халқаро бизнесда қўшма тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари	65
5.2 Мамлакатимиз ва хорижий инвестицияларни жалб этиш: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг таҳлили ва уларнинг ривожланиш истиқболлари	73
6 боб Қурилиш, электроэнергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат тармоқлар корхоналарини иқтисодий фаолиятининг таҳлили	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
Илова.	
Ўзбекистонда ОАЖ, ЁАЖ, МЧЖ ва ҚМЖ ўртасидаги асосий фарқлар	95

Сўзбоши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мулкчиликни ислох қилиш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама кенгайтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат якка ҳукумрон бўлган иқтисодиётдан эркин бозорга ўтиш даврида тўла қонлик рақобатчилик муҳитини яратишнинг аҳамияти катта бўлиб, бусиз ишлаб чиқариш самарадорлигининг замонавий даражасига эришиш қийин. Бу муаммони ҳал этишда мавжуд бизнесни такомиллаштириб ва янги бизнес - кичик ва ўрта корхоналарини ривожлантириб, улар орасида ҳақиқий рақобатни юзага келтириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатда умумий иқтисодиётни тараққий топтириш учун қонуний асос бўлиб «Хиссадорлик жамиятлари», «Тадбиркорлик», «Банк ва банк фаолияти», «Якка ҳокимликка барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш», «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси», «Товар биржалари», «Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш», «Чет эл инвестициялари», «Гаров» тўғрисидаги қонунлар, ҳамда ер, солиқ ва фуқаролик кодекслари хизмат қилади. Бу қонуний-меъёрий ҳужжатлар иқтисодиётда турли хил тузилмалар, жумладан турли мулкчиликни шакллантириш ва ривожланиши, товар-хомашё ва фонд бозорини тараққий қилдириш, корхоналар корпоратив бошқарувини такомиллаштириш ва мақбул сармоявий муҳит яратишга хизмат қилади.

Ўтиш даврида микроиқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ниятида турли хил ахборот маслаҳати, илмий – тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузилди, улар иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бирга республикада ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам мавжуд, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: корхона айланма маблағларнинг камлиги ёки йўқлиги, кредитлаш ва инвестициялаш тизимининг етарлича ривожланмаганлиги, айрим қоғозбозчиликлар мавжудлиги, моддий-хомашё таъминотининг паст даражаси, корпоратив бошқарув ғоясини талаб даражасида жорий этилмаганлиги ва ҳ.к.

Ўқув қўлланма республика тармоқ микроиқтисодиётидаги ислохот жараёнларини ва жорий қилинган бозор инфратузилмасини ишлаш ҳолатини таҳлили ва муаммоларини очиқ беради. Ушбу саволлар ўқув қўлланмани қуйидаги бандлари орқали ёритилган: -жаҳон ва мамлакат микроиқтисодиётида мулкчилик муносабатлари; -бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти; -бозор инфратузилмаси: товар-хомашё ва фонд биржалари; - акционерлик корхоналарини бошқаруви - корпоратив бошқарув асослари; - корхоналарнинг инвестицион фаолияти; -қурилиш, электроэнергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат тармоқлари корхоналарини иқтисодий фаолиятининг таҳлили.

1-боб. Жаҳон ва мамлакат микроиқтисодиётида мулкчилик муносабатлари

1.1 Мулкчилик шакллари

Ўзбекистон фуқоролик кодексида *мулкчилик* шакллари икки турга ажратилган: хусусий ва оммавий, шунингдек, уларнинг умумлаштирилган шакли умумий ва интеллектуал мулк. Фуқоролар, юридик шахс ёки давлат *мулкчилик* ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланишади. Мол-мулк *мулкчилик* ҳуқуқида бир ёки икки ва ундан ортиқ шахсга тегишли бўлиши мумкин. Мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва ушбу ҳуқуқнинг тугатилиши мол-мулк фуқорога, юридик шахс ёки давлатга тегишлигига қараб, қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво кенглиги, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар, корхоналар, буюмлар, шу жумладан, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари фуқоро, юридик шахс ёки давлатга тегишли бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқи - шахс томонидан қонунчиликка мувофиқ сотиб олинган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Шахс ихтиёрида бўлган хусусий мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чегараланмайди.

Оммавий мулк - бу республика мулки ва маъмурий-худудий мулк (муниципал мулк)дан иборат бўлган давлат мулкидир.

Икки ёки ундан ортиқ шахс ихтиёрида бўлган мол-мулк уларга умумий *мулкчилик* ҳуқуқида тегишли бўлади. Мол-мулкка ҳар бир мулкдорнинг *мулкчилик* ҳуқуқидаги улуши белгиланган (улушли мулк) ёки бундай улушлар белгиланмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий эгалик қилиш мумкин.

Интеллектуал мулк объектларига интеллектуал фаолият натижалари: фан, адабиёт, санъат, ихтиро ва бошқа соҳалардаги ютуқлар; товарлар, хизматлар, фуқаролик обороти иштирокчиларини индивидуаллаштириш воситалари: фирма номи, товар белгилари ва бошқалар киради.

1.2 Жаҳон микроиқтисодиётида мулкчилик муносабатларининг ривожланиши

Молия секторида хусусийлаштириш ва ислохотлар суръатларини жадаллаштириш минтақалар ва тармоқларда устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Кимошди савдоларда нархлар шаклланишининг эгилувчан механизмларини жорий этиш қатор мамлакатларда хусусийлаштиришнинг жадаллашувига олиб келди. Жаҳон банкининг таркибий қайта қуриш учун қарзлари Молдовада майда корхоналарни хусусийлаштиришга ҳамда ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга кўмаклашмоқда. Ўзбекистонга таркибий қайта қуришни амалга ошириш

учун берилган қарз ҳам муайян корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида шаффофлик, ошкоралик ва рақобат тамойилларига қатъий риоя этилишини таъминламоқда. Қарз корпоратив бошқарувни такомиллаштириш усулларини ўрганиш, корхоналарни қайта таркиблашни жадаллаштириш ва саноат секторида рақобатни кучайтириш бўйича таҳлилий ишлар билан қувватланмоқда.

Собиқ режали иқтисодиёт мамлакатларида, шу жумладан МДХ мамлакатларида кенг кўламли хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Уларнинг иқтисодий аҳволи 90-йиллар бошида деярли бир хил эди, кейинчалик бу мамлакатлар бозор хўжалигини юритиш усулларини танлашди. Уларда ҳозирги кунда турли миқёсдаги эркинлаштириш, хусусийлаштириш ва таркибий қайта куриш жараёнлари кечмоқда. Собиқ Иттифок республикаларида барча саноат корхоналари давлатга қарашли эди, шунинг учун уларда глобал миқёсда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. МДХнинг айрим мамлакатларида йирик корхоналарни хусусийлаштириш алоҳида қоидалар ва якка схема бўйича амалга оширилмоқда.

МДХ мамлакатларида амалга оширилаётган хусусийлаштиришнинг умумий белгилари куйидагилардан иборат: (Қозоғистон, Ўзбекистон, Украина ва бошқа) хусусийлаштирилган ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган давлат корхоналари акцияларининг назорат пакетлари илгаригидек давлат ихтиёрида қолмоқда; қишлоқ хўжалиги улушига ЯИМнинг нисбатан катта ҳажми тўғри келади ва унда бошқа тармоқларга қараганда мамлакат ишчи кучларининг катта сони иш билан банд.

МДХ мамлакатларида хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари: Грузия, Озорбайжон ва бошқа мамлакатларда корхоналарни қисман ва катта қисмини хусусийлаштириш ёки уларни тўлиқ сотиб олиш маъмурият раҳбарлари томонидан амалга оширилади; Белорусда хусусийлаштиришнинг тескари жараёни кечмоқда. 1998-йил июнда Президент фармони билан бундан бир йил аввал хусусийлаштирилган Минскнинг энг йирик универсал дўконларидан бири миллийлаштирилди ва бошқа иккита йирик универсал дўконларни хусусийлаштириш тақиқлаб қўйилди; Белорусда хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида ижарага олинган давлат мулкани ва норентабел корхоналарни сотиб олиш шартлари енгиллаштирилган, маҳаллий ҳокимиятларга эса маҳаллий объектларни хусусийлаштириш ва компанияларни таркибий қайта куришни амалга ошириш учун тўлиқ ҳуқуқ берилган; Туркменистон қандайдир сабабларга кўра ҳам майда корхоналарни, ҳам йирик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ортда қолмоқда. Уларда тармоқ вазирликлари ҳозиргача корпоратив секторини амалда назорат қилади; Грузияда бошланғич нархларсиз пулли кимошди савдоларини жорий этиш туфайли хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштиришга эришилди.

Ўзбекистонда якка хусусийлаштиришга доир чет эл тажрибасининг қўлланишлик даражасини баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, бу

борада Ўзбекистон ўтиш иқтисодиётига эга бўлган кўплаб мамлакатлар сингари хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий сармоядорни жалб этишда маълум бир қийинчиликларни бошдан кечирмоқда, хусусийлаштириш жараёнининг ҳозирги босқичи эса жаҳон тажрибаси асосида хусусийлаштиришнинг самарали механизмларини қидириб топишни, уларни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослаштиришни талаб қилади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар ҳукуматлари мамлакатнинг кичик ва ўрта корхоналарини оммавий хусусийлаштиришни тугаллаганларидан сўнг, маълум босқичда - йирик корхоналарни, монополияларни хусусийлаштириш жараёнида ҳар бир хусусийлаштирилаётган корхонага алоҳида ёндашув зарурлигига дуч келишади.

Якка хусусийлаштириш мамлакатнинг ва корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини инобатга олган ҳолда мослаштирилиши лозим. Хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва умум қабул қилинган усуллари мавжуд бўлишига қарамай, фақат хусусийлаштириш жараёнларини мукамал ишлаб чиқиш, унинг вақтини танлаш ва ушбу жараёнларнинг изчил амалга оширилиши керакли натижани беради.

Айрим таҳлилчилар кўпинча шуни таъкидлашадики, ички сармоядорлар ҳам, хорижий сармоядорлар ҳам хусусийлаштиришга унчалик қизиқишмайди, бироқ яхши тайёрланган битим хусусийлаштиришга нисбатан қизиқишни орттиради. Акцияларни очиқча (оммавий) жойлаштириш ва хусусийлаштирилаётган корхоналарга оптимал бозор нархларининг белгиланиши уларни сотиб олишга сармоядорларни шубҳасиз қизиқтиради. Ошкоралик якка хусусийлаштиришни муваффақиятли ўтказиш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Хусусийлаштириш бўйича тендер жараёни товламачилик ва суд текширувларига йўл қўйилмаслиги учун очиқча бўлиши керак.

Ривожланаётган бозорлар йирик суммалардаги акциялар пакетини жойлаштиришга қодир бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда акцияларни сотиш босқичларга бўлиниши ва ҳукумат томонидан олдиндан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш жадвалига мувофиқ маълум муддатдан сўнг амалга оширилиши лозим. Аралаш сотув (стратегик сармоядорга ва портфелли сармоядорларга) акцияларга нисбатан ички ва ташқи талабни ошириши ва корхонани корпоратив бошқаришни яхшилаши мумкин.

Сотишнинг мураккаб шарт-шароитлари корхона қийматини ва жозибадорлигини пасайтиради ва битимни бузиб қўйиши мумкин. Ҳукумат тартибга солувчи йўриқномалар, нархларни назорат қилиш, имтиёзлар ва бошқа муаммоларни сотув амалга оширилгунга қадар ҳал этиши ва сотув учун чекловларни имкон қадар камайтириши зарур, яъни ҳукумат хусусийлаштириш шартларини енгиллаштириши керак.

Якка хусусийлаштиришни жадаллаштиришдаги доимий сиқувга қарамасдан, вақтдаги чегаралар хусусийлаштиришнинг асосий мақсадига хизмат қилмайди. Ҳукумат муддатларни белгилашда эгилувчан бўлмоғи лозим. Бунда у шуни назарда тутиши керакки, барча битимлар ҳам мувоффақиятли бўлавермайди ва, эҳтимол, барча таклифларни рад этиш ва бошқатдан танлов жараёнини бошлаш ёки сотув усулини ўзгартириш талаб этилади.

Хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида ижарага олинган давлат мулкни ва норентабел корхоналарни сотиб олиш шартларини енгиллаштириш, маҳаллий ҳокимиятларга эса ЎзР ДМқ ҳудудий бошқармалари билан биргаликда маҳаллий объектларни хусусийлаштириш ва ҳудуд ихтиёридаги компанияларни таркибий қайта қуришни амалга ошириш учун тўлиқ ҳуқуқни бериш зарур.

1.3 Ўзбекистонда корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш динамикаси

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг фарқланувчи жиҳати - *хусусийлаштиришга* нисбатан дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва *хусусийлаштириш* жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилган. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили хусусийлаштириш дастурлари тасдиқланади. Республика дастурига мувофиқ хусусийлаштиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Хусусийлаштиришнинг босқичма-босқичлиги қуйидаги тарзда амалга оширилди:

- уй-жойларни хусусийлаштириш (1992-1993 - йиллар);
- "Кичик" хусусийлаштириш (маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат соҳаси, 1992-1994 йй.);
- қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш (1993-1994 йй.);
- саноатнинг оммавий тармоқлари ва агросаноат мажмуасини хусусийлаштириш (1995-1996 йй.);
- саноатнинг базавий тармоқларини хусусийлаштириш (1996-1997 йй.);
- якка хусусийлаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш (1998-2002 йй.).

Тадбиркорлик ривожига кўп жиҳатдан шу нарса кўмак бердики, акциядорлик жамиятлари, жамоавий ва ижара корхоналари таркибидан айрим объектларнинг чиқишига имконият яратилди. Унинг ёрдамида 1991-1996 йилларда 15851 та янги тадбиркор пайдо бўлди.

1996-йилда ЎзР Давлат мулки кўмитаси томонидан Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий йўналиш қилиб

белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бозор ўзгаришларини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари жадаллаштирилди. Кўриб чиқиладиган даврда ўтказилган ислохотларнинг асосий йўналиши бўлиб хўжалик юритишнинг амалдаги тизимини бозор типдаги кўп укладли ижтимоий йўналтирилган иқтисодийга айлантириш ҳисобланди. Бунда асосий эътибор амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини янада такомиллаштириш ва фонд бозорини ривожлантиришга қаратилди.

1996-йил якунлари бўйича Давлат мулки қўмитаси томонидан давлат корхоналари негизида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг 40 фоизидан ортигининг иш-фаолияти текширилди. Акциядорларга дивидендларни тўлаш якунлари бўйича акциядорлик жамиятларини текшириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, паст самарали корхоналар билан бир қаторда юқори рентабелли корхоналар ҳам мавжуд. Ушбу фарқ бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдорида ўз ифодасини топади. Масалан, "Қувамебель" АЖда бир акцияга тўғри келадиган дивиденд кўринишидаги даромад - 383,5%, ПМКда - 371%, "Таъминот"да - 333%ни ташкил қилади. Шу билан бирга бир қатор акциядорлик жамиятларида бу кўрсаткич 5 - 9 фоизга тенг.

Акциядорлик жамиятларидаги текширувлар уларда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини ҳам аниқлаб берди:

- корхонани ривожлантириш ва реконструкциялаш бўйича ишлар режаси ишлаб чиқилмаган. Олинадиган даромадлар, яъни уларнинг давлат улуши акциялари бўйича дивидендларни жамғариш ҳисоб рақамига захира қилиш учун мўлжалланган қисми ва улардан мақсадли фойдаланиш текширилмайди;

- акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат органлари расмийлик учун ишлашмоқда, дивидендларни ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш масалалари ушбу органлар назаридан четда қолмоқда;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилмоқда: айрим акциядорлик жамиятларида 1995-йил якунлари бўйича акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилмаган, аксарият йиғилишлар кворум йўқлиги сабабли қонуний кучга эга эмас, молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари эълон қилинмайди.

1997-йил мобайнида ўтказилган ислохотларнинг асосий вазифаси хўжалик юритиш тизимини қайта таркиблаш, ўзини ўзи тартибга солиш ва бошқариш усуллариини такомиллаштириш асосида хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишдан иборат бўлди. Бунда асосий эътибор амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини янада такомиллаштириш ва фонд бозорини ривожлантиришга қаратилди. Йил давомида хусусийлаштириш ва хусусийлаштирилган корхоналар, кичик ва ўрта бизнес объектлари, қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан

қўллаб-қувватлашнинг юридик асосини шакллантирувчи, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишини ва республика фонд бозорида хорижий сармоядорларнинг иштирокини таъминловчи қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

1997-йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида иқтисодиётнинг йирик тармоқлари: қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати; қайта ишловчи корхоналарга эга бўлган мева-сабзавот ҳўжалиги; почта ва телекоммуникация; маҳаллий саноат ва аҳоли учун маъиший хизматлар кўрсатиш соҳасида таркибий ислохотлар амалга оширилди.

Бунда олдинга қуйидаги мақсадлар қўйилди:

- ишлаб чиқаришни монополиядан чиқариш ва тармоқ ичида рақобатни юзага келтириш; акциядорлик жамиятларига сармоядорларни жалб этиш мақсадида уларнинг устав фондларини ошириш;

- республика даражасида тармоқни бошқаришнинг ортиқча бўғинларини тугатиш ва ҳудуднинг маҳаллий саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ваколатлари ва жавобгарлигини ошириш;

- ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини чуқурлаштиришдан кўшимча фойдалар олишга эришиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаси ходимлари учун корхона фаолиятининг якуний натижаларига қараб уларга ҳақ тўлаш асосида рағбатларни кучайтириш.

Асосий эътибор мамлакат ишлаб чиқариши салоҳиятининг катта қисми жамланган акциядорлик жамиятларига қаратилди. ЎзР Президентининг 1997-йил 31 мартдаги Фармонини бажариш йўлида ислох этилаётган тармоқларда йирик акциядорлик жамиятларининг таркиби шунай тарзда шакллантирилдики, бир томондан, устав фондида давлат улуши акциялари пакетини 25 фоиз миқдорида белгилаш йўли билан стратегик жиҳатдан муҳим бўлган корхоналар устидан давлат назоратини иқтисодий усуллар билан таъминлансин; иккинчи томондан, меҳнат жамоаси, хорижий ва ички сармоядорлар акцияларининг пакетларини шакллансин (тегишлича 26%, 25% ва 24%).

1998-йилда олиб борилган ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлди:

- акциялар пакетларининг дастлабки жойлаштирилишида сармоядорларга тенг шароитлар яратишга йўналтирилган ЎзР Президентининг 1997-йил 31 мартдаги Фармони талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида давлат мулки негизида барпо этилган акциядорлик жамиятлари акциялари пакетини қайта таркиблашни амалга ошириш;

- маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига асосланган эски бошқарув усуллари тубдан йўқотиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашларининг раҳбарлик ролини таъминлаш, акциядорлик

жамиятлари ижроия органлари раҳбарларини ёллаш учун шартнома тизими механизмини амалга киритиш бўйича тизимли тадбирларни амалга ошириш;

- давлат мулкни хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб этиш, хорижий сармоядорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаш, мулкни баҳолашнинг халқаро андозаларга жавоб берадиган янги усуллари қўллаш, шунингдек, ушбу соҳада тан олинган жаҳон инвестицион компаниялари, банклар, фирмалар, маслаҳатчилар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- аҳоли бандлиги ва унинг турмуш даражасини оширишнинг асосий манбаси сифатида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

- агросаноат мажмуасида ислохотларни чуқурлаштириш, ширкат хўжаликларини ташкил этиш.

1998-йилдаги қайта таркиблаш жараёнида устав фондининг миқдори катта бўлмаган, асосий воситалари жисмонан ва маънан эскириб қолган, акциядорларининг сони 20-30 кишидан ошмайдиган ва акцияларни сотиш йўли билан қўшимча инвестицияларни жалб этиш истикболлари мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари аниқланди. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг моддалари (муассислар қарорига кўра акциядорлик жамиятларини қўшиш, тугатиш, қайта ташкил қилиш) асосида акциядорлик жамиятларининг аксарият кўпчилиги қайта ташкил қилинди, бунинг натижасида уларнинг умумий сони (3477) 562 тага қисқарди ва 2915 тани ташкил қилди. Акциядорлик жамиятлари сонининг энг кўп қисқариши "Дори-дармон" (191 тага), "Маҳаллий саноат" (64), "Ўзавтотранс" (43), ҳудудий савдо бирлашмалари (39), "Ўзқишлоқхўжаликтаъминот" (38), қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (38) тизимидаги хўжалик бирлашмаларида юз берди.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиб, уларда АЖ кузатув кенгашлари аъзолигига йирик акциядорлар сайланди. Акциядорлик жамиятларига директорлар АЖ номидан Кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланган шартнома асосида лавозимга тайинланишди. *Акциядорлар* манфаатларининг мувазанати ва акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг демократлашуви таъминланди.

1999-йилда ҳукумат қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратди:

- мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни қўшимча равишда жалб этиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

- халқаро молиявий институтларни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш жараёнига жалб этиш;

- халқаро дастурлар ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

Ҳукумат қарорлари билан қуйидагилар аниқланади:

- якка лойиҳа бўйича хусусийлаштириладиган корхоналар, шу жумладан, иқтисодийнинг базавий тармоқларига қарашли корхоналар рўйхатлари;

- хорижий сармоядорларга тўлиқ эгаллик ҳуқуқида сотиш учун корхоналар ёки акциялар пакетлари рўйхатлари.

Ундан кейин қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 22 июндаги 309-сонли "Давлат мулкани хорижий сармоядорларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат Комиссияси ҳақидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан мавжуд имтиёзлар кенгайтирилиб, янги имтиёзлар белгиланди, шунингдек, хорижий стратегик ҳамкорларнинг жалб этилишини рағбатлантирувчи қатор шарт-шароитлар яратилди:

- корхоналар ёки акциялар пакетларини тўловнинг комбинациялашган схемаси бўйича эркин муомаладаги ва миллий валюта (сўм)га, шунингдек, етказиб бериладиган юқори технологик жиҳозлар ҳисобига сотиб олишнинг эгилувчан шакли белгиланди;

- улар нархини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилди;

- хусусийлаштириладиган объектга (акциялар пакетига) нисбатан талаб конъюнктураси ва тегишли инвестицион мажбуриятларга эга бўлган муайян стратегик сармоядорларнинг мавжудлигига қараб тендер объектларининг бошланғич баҳоларини ўзгартириш механизми аниқланди;

- корхона (акциялар) сотилгунга қадар бюджет ва давлат корхоналари олдида тўпланиб қолган қарзларни қайта таркиблаш, шу жумладан, ушбу қарзлар бўйича тўлов муддатини чўзиш тўғрисида қарор қабул қилиш имкониятлари белгиланди.

Корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилувчи стратегик ҳамкорларни жалб этиш бўйича кўрилган ушбу чоралар хорижий сармоядорларга корхоналар ва акциялар пакетларининг сотилишини таъминлади, улар бўйича харид тўловлари 15988,5 минг АҚШ долларини ва 1476 млн. сўмни, инвестицион мажбуриятлар эса тегишлича 238492 минг АҚШ долларини ва 1031,3 млн. сўмни ташкил қилди.


Хорижий сармоядорларга жами 67 та оммавий мулкчиликдаги объектлар сотилди, шуларда 27 тасини мулкый мажмуалар кўринишидаги корхоналар ташкил этади.

1999-йилда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида Кредит тўғрисидаги келишувга мувофиқ амалга ошириладиган корхоналарни институционал ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилди. Кредит суммаси 28 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Лойиҳа уч қисмдан иборат: А) корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш; Б) корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш; С) сармоя бозорини ривожлантириш.


Қарз маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида лойиҳанинг А ва С қисмларини амалга ошириш учун Корхоналарни

хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси ҳамда лойиҳанинг В қисми учун корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш бюроси ташкил этилди.

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси томонидан "Олмалиқ майишй кимё заводи" АЖнинг мулкый мажмуаси хорижий сармоядорга сотилди. Қуйидаги акциядорлик жамиятларининг умумий суммаси 742 минг АҚШ доллари бўлган акциялар пакетлари сотилди: "Балиқчи", "Шохруд", "Йўл электр механик устахоналари", "Нотўқимачи", "Майишй кимё".



1 – расм.



2 – расм.

Олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ, 1999-йилда Корхоналарни якка тартибда хусусийлаштириш бюроси томонидан республикадаги 18 та корхонани якка хусусийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Хусусан, "Оҳангаронцемент" ОАЖ, "Ўзкабель" ДАЖ ва "Андижонкабел" ОАЖ, "Маҳаллий телеком" ва "Халқаро телеком, "Қўқон" ИЧБ, Андижон биокимёвий завод ва қатор бошқа кимё тармоғи корхоналари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Чадак ва Маржонбулоқ олтин қазиб олиш конлари, «Ташкент» аэропорти, «Ўзметкомбинат» АЖ, ТАИЧБ ДАЖ, «қизилқумцемент» АЖ.

Барча лойиҳалар бўйича олдиндан диагностик текширувлар ўтказилди, халқаро аудиторлик компаниялари танлаб олинди, жалб этилди, қуйидаги мақсадларда молиявий маслаҳатчилар ёллаш бўйича тендерлар ўтказилмоқда:

- корхоналарнинг хусусийлаштириш салоҳиятини баҳолаш;
 - сотиш учун режалаштирилаётган корхоналар акциялари пакетини баҳолаш;
- имкониятли сармоядорларни (шу жумладан, стратегик сармоядорларни) аниқлаш;

- сармоядорнинг инвестицион мажбуриятларини қайд этган ҳолда акцияларни сотиш.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардан имкониятли сармоядорларни Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоядорлар учун инвестицион муҳит ва инвестицион имкониятлар билан хабардор қилиш мақсадида ишбилармон доиралар, молиявий институтлар ва Швеция, Финландия, Буюк Британия, Шимолий Ирландия ва Германия банклари иштирокида "Ўзбекистонда бизнес қилинг" шиори остида бизнес-семинарлар ўтказилди. Алоҳида йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор тўғридан-тўғри учрашувлар ва сўзлашувлар ўтказилди.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистондаги ва чет элдаги элчихоналарга интернет тармоғи бўйича Ахборот Меморандумлари узатилди. "Рейтер" халқаро ахборот агентлигининг ваколатхонаси билан жаҳоннинг 130 мамлакатига ахборотни доимий равишда узатиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикасида кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга кўп жиҳатдан давлат мулкани хусусийлаштириш бўйича олиб борилган изчил ишлар кўмаклашди, унинг натижасида 1992-йилдан 2000-йилгача бўлган даврда 130 мингга яқин давлат корхоналари, объектлари ва мол-мулки, шу жумладан 77 мингга яқин юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган давлат корхоналари мулкчилик шаклини ўзгартирди, уларнинг негизида мулкчиликнинг турли шаклларидаги 50 мингдан ортиқ корхона ташкил этилди. Ушбу миқдорий ўзгаришлар иқтисодиёт мажмуалари (соҳаси) кўринишида 1-расмда намоён этилган.

Мол-мулк, (ерга нисбатан) мулкий ҳуқуқлар, алоҳида объектлар кўринишида биржа, кимошди савдолари ва танловларда 51804 та, шу жумладан, 2000-йилда 8294 та давлат мулки хусусийлаштирилди.

Давлат корхоналарининг акциядорлик жамияти, хусусий корхона, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, ширкатлар сифатида хусусийлаштирилиши 2-расмда келтирилган. 2001-йил охирида эса мамлакатда 5 мингга яқин АЖ, 13 мингдан ортиқ МЧЖ, 151 мингдан ортиқ хусусий, оилавий ва хўжалик юретишнинг бошқа шаклларига асосланган корхоналар фаолият кўрсатди. Корхоналарни бошқаришда 1 млн. 140 мингдан ортиқ акциядор иштирок этмокда, бошқарув корпоратив тизими борган сайин кўпроқ ҳаётга кириб келмокда.

Хусусийлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни турли вазирликлар ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини уларнинг асосий қонун ҳужжатларига мос келиши нуқтаи назаридан текшириб чиқиш йўли билан амалга ошириш лозим. Қонунчилик моддаларидаги қарама-қаршиликлар ва уларнинг иккитарафлама изоҳланишини ўз вақтида аниқлаб, бунаё ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қонунчилик бўйича мониторинг тизимини барпо этиш талаб этилади.

Энг муҳим хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг техник иқтисодий маълумотларини таҳлил қилиш жараёнига хорижий мутахассисларни жалб этиш йўли билан объектларни сотувга тайёрлаш ишлари сифатини яхшилаш, уларнинг активлари ва пассивларини баҳолаш зарур. Ушбу кадам имкониятли сармоядорларнинг ишончини мустаҳкамлашга имкон беради.

Хусусийлаштириш ва корхоналарни акциялаштиришни (шу жумладан иқтисодиётнинг базавий тармоқларида) сотув ва акциялаштиришнинг ҳам андозавий, ҳам якка усулларида фойдаланган ҳолда амалга ошириш лозим. Паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг мулкӣ мажмуаларини ёки қисмларга бўлиб сотиш йўли билан уларни тугатиш зарур. Акс ҳолда корхона банкротлик тадбири орқали тугатилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини таъкидлаш зарур:


- хусусийлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқӣ базасини доимий равишда такомиллаштириш;
- объектларни сотувга тайёрлаш ишлари сифатини яхшилаш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларида хусусийлаштириш ва корхоналарни акциялаштириш жараёнини чуқурлаштириш;
- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарни тугатиш;
- корхоналарни қайта таркиблаш;
- хусусийлаштирилган акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш улушини ошириш ва уларнинг фонд бозоридаги иштирокини фаоллаштириш;
- хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФлар)нинг фаол иштирокида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини сафарбар қилиш;
- хусусийлаштирилган корхоналар мулкидаги давлат улушини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги ўз модели бўйича давлат иқтисодий сиёсатининг *ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини инобатга олган ҳолда* хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш принципиал ёндашув асосида амалга оширилмоқда, бу куйидагилардан иборат:

- чекли, ваучерли хусусийлаштиришдан воз кечиш;
- давлат мулкни фақат мулкдорга сотиш йўли билан мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантириш;
- хусусийлаштиришга дастурий ёндашиши ва уни босқичма-босқич амалга ошириш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда мулкни пулли ва беғараз топшириш усуллари уйғунлаштириш;

- юзага келган ишлаб чиқариш ва бошқарув тузилмаларини майдалаштириш ва монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларининг амалга оширилишини давлат ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш;
- ҳукумат қарори билан раҳбарларга иккиламчи бозорда ўз корхоналарининг акцияларини сотиб олиш тақиқланган;
- ҳозирги босқичда хусусийлаштирилган объект учун хорижий сармоядор тўловнинг комбинациялашган усулини амалга ошириши, яъни бир қисмини валютада, бир қисмини технологиялар кўринишида ва бир қисмини сўмда тўлаши мумкин.

1998-йилдан бошлаб йирик саноат корхоналари, ТЭЖнинг ёрдамчи корхоналари, қурилиш мажмуаси, кимё, металлургия ва машинасозлик корхоналарини яқка хусусийлаштириш амалга оширилмоқда, 1999-йилдан бошлаб эса хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоялар кенг жалб этилмоқда.



*Хусусийлаштириш бюллетени маълумотлари. (1992-93 йиллар 1х10)

—◆— Умумий оммавий хус-ш —■— Яқка тартибдаги хус-ш (1:10)

3-расм

Жаҳон компаниялари бизнинг республикаимизга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Буни молиявий маслаҳатчиларни ёллаш бўйича ўтказилаётган тендерлар натижаларидан кўриш мумкин. Яқинда "БНП Париба" инвестицион банклар ва халқаро консалтинг компаниялар ўртасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан эълон қилинган "Ўзнефтегаз" МХК корхоналарини яқка хусусийлаштирини амалга ошириш учун молиявий маслаҳатчини жалб этиш бўйича тендерни ютиб чиқди. "БНП Париба" 2000-йилдаги жаҳон "Халқаро корпоратив молия хизматлари рейтинги"да

20 та энг яхши компания сафига киради. "БНП Париба" 20 та энг яхши компанияни ўзида бирлаштириб, жаҳоннинг 60 мамлакатда 20 мингта мутахассиси билан иш олиб боради. Бундай донгдор молиявий маслаҳатчи билан шартнома ва келишув имзолашдан қуйидаги мақсадлар кўзланади: компанияни хусусийлаштириш салоҳиятининг таҳлилига ва хусусийлаштиришнинг энг самарали схемасига эга бўлиш; юқори даражадаги менежментни, корхоналарни техник қайта жиҳозлашни, инвестиция дастурини таклиф эта оладиган, халқаро сармоялар бозорига чиқишга кўмаклашадиган стратегик хорижий харидорни жалб этиш.

2000-йилда объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика иқтисодиётининг йирик, стратегик корхоналарининг мулкчилик шаклларини ўзгартиришга халқаро техник ва молиявий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда якка (индивидуал) ёндашув босқичи сифатида тавсифланади (3-расм). Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида Давлат мулки қўмитасининг (ДМҚ) асосий эътибори мол-мулкдан фойдаланишнинг энг катта самарадорлигини таъминлашга, хусусийлаштирилаётган объектларнинг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишга, ушбу жараёнга хорижий сармоядорларни кенг жалб этишга, хусусийлаштирилган мулк негизида кўп укладли иқтисодиётни барпо этишга қаратилади.

Корхоналарни якка хусусийлаштириш бюроси йирик корхоналарни хусусийлаштиришни амалга оширади. ЗИРП маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган корхоналар рўйхати ва 2000-йил учун тасдиқланган иш режасига мувофиқ Бюро 8 та лойиҳа бўйича иш олиб бормоқда. Мазкур лойиҳалар бўйича ушбу объектларни хусусийлаштиришга кўмак бериш учун етакчи хорижий консалтинг коампанияларни жалб этиш мақсадида улар билан доимий иш олиб борилмоқда.

ДМҚ томонидан олиб борилган ишлар натижасида 2000-йилда мамлакат иқтисодиётининг 36 та объектига хорижий сармоялар жалб этилди. Акциялари хорижий сармоядорларга сотилган корхоналар жумласига «Тоғ-технологик жиҳозларни таъмирлаш заводи» АЖ (шартнома бўйича суммаси 1509,8 минг АҚШ доллари), «Андижонкабель» АЖ (1151 минг АҚШ доллари), «Мелиоқурилишмаш» АЖ (900 минг АҚШ доллари), «Кумуш» АЖ (565 минг АҚШ доллари), АЗС №4 (190 минг АҚШ доллари), «Урганч экскаватор» АЖ (133,5 минг АҚШ доллари) ва бошқалар киради. Хорижий сармоядорларга энг кўп объектлар "Ўзенгилсаноат" уюшмаси (6 та объект), «Ўзнефтегаз» МХК (3 та объект), «Ўзгўштсутсаноат» (2 та объект) томонидан сотилган.

Ўзбекистон Республикасида якка хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: илгари шошилиш равишда хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини таъминлаш мақсадида якка схемада қайта хусусийлаштириш ўтказилмоқда; якка хусусийлаштиришни амалга оширишда кўп ҳолларда хорижий молиявий ва техник маслаҳатчи ёлланади ва Жаҳон банки билан келишилади; якка

хусусийлаштириш асосан йирик давлат-ижтимоий муҳим корхоналарда ўтказилади. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳозирги босқичини энг йирик, стратегик корхоналарнинг мулкчилик шакллари ўзгартириш ва ушбу жараёнга хорижий сармоядорларни кенг жалб қилиш босқичи сифатида тавсифлаш мумкин.

Чет эл сармояси иштирокини кенгайтириш учун АЖ низом жамғармасида давлат улушини камайтиришга рухсат этилади. Сотиб олинган акциялар ва объектлар учун тўлов шакли соддалаштирилган. Норезидент сармоядорларга миллий валюта - сўмдаги маблағлардан фойдаланишга рухсат этилган. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат кўмитаси хорижий сармоядорлар томонидан турли тўлов шакллари қўллаш ҳақида, хусусийлаштирилган объектлар негизда қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Ўтказилган ишлар натижасида Ҳукумат қарорларига мувофиқ 743 та объект мулкчилик шаклини ўзгартириди, бу 2001-йилда 2000-йилдагига қараганда 2 марта кўпдир, уларнинг негизда 167 та акциядорлик жамияти (371 та давлат корхонаси негизда), 257 та хусусий ва 115 та бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхона ташкил этилди. Давлат мулкчини рўйхатга олиш (инвентаризация) ва акциялар пакетларини қайта таркиблаш жараёнида қўшимча ресурслар пайдо бўлди, шу жумладан фонд бозорида сотиш учун, 17,3 млрд. сўм. Қатор тармоқларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини фаоллаштириш вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда давлат объектларини (шу жумладан, ижтимоий инфратузилма объектларини) рўйхатга олиш (инвентаризация қилиш) бўйича олиб борилган ишлар билан боғлиқ.

2001-йил мобайнида хусусийлаштириш жараёнида давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш миқдори нисбатан камайганлиги ва ўтган-йиллардагига қараганда чиқарилаётган акцияларнинг ҳажми анча ошганлиги таъкидланади. Ушбу тенденция, бир томондан, йирик, стратегик корхоналарда ислохотлар олиб борилганлигини, иккинчи томондан, қурилиши тугалланмаган объектлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг хусусий мулкчиликка топширилганлиги билан тавсфланади.

2002-йилда 1912 та корхона ва объектлар (бу 2001-йилдагига қараганда 1,3 марта кўп), шу жумладан, 1261 та ҳукуматнинг турли қарорларига киритилган объектлар (бу 2000-йилдаги кўрсаткичдан 1,7 марта кўпдир) давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

Бошқа минтақалар кўрсаткичларига қараганда Тошкент шаҳрида давлат мулки объектларини хусусийлаштиришнинг кескин ўсишига Вазирлар Маҳкамасининг 2002-йил 9 августдаги 287-сонли қарорига мувофиқ муниципал мулк объектларини сотиш ҳисобига эришилди. Мазкур ҳукумат қарорини бажариш йўлида 2002-йилда тасдиқланган 954 та объектдан 571 таси бутунлай сотилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнда 223 та акциядорлик жамияти (112 та давлат корхоналари негизиди), 1252 та хусусий корхона ва 325 та бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналар ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва уни корхоналар ҳамда хўжалик бирлашмаларининг активларига сотиш бўйича бундан кейинги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор 2003-2005 - йилларда активлари хусусийлаштириш ва фонд бозорида сотилиш учун таклиф этилаётга 3500 та корхонанинг рўйхатини ўзида мужассамлантирган. 2006-2010 - йиллар даврида 6097 давлат корхонаси ва объектини хусусийлаштириш ҳақидаги қарор лойиҳалари Ҳукуматга кўриб чиқиш учун киритилади.

2-боб. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти

2.1 Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Ҳар қандай тараққий этган давлат иқтисодиётини иккита йирик секторга бўлиш мумкин - хусусий ва давлат секторлари. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиётнинг хусусий секторини хўжалик жамиятлари ва ширкатлари (АЖ, МЧЖ, ҚМЖ, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат), кооперативлар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари каби ташкилий-ҳуқуқий шакллarga эга бўлган корхоналар намоён этади.

Ушбу корхоналар хусусий секторга тегишли бўлишига қарамай, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзига хос хусусиятларга эга.

Шу сабабли корхонанинг самарали фаолият кўрсатиши учун хўжалик юритишнинг у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун корхоналарнинг ушбу шакллари нималарни ўзида намоён этишини, улар бир-бирларидан нима билан фарқ қилишини, уларнинг устунликлари ва камчиликлари нимада эканлигини аниқ тасаввур қилиш талаб этилади.

Ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олишни кўзловчи (тижорат ташкилоти), ёки бундай мақсад учун фойда олишни кўзламайдиган (нотижорат ташкилот) ташкилот юридик шахс бўлиши мумкин.

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи акцияларнинг маълум сонига бўлинган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти (АЖ) деб эътироф этилади. АЖ давлат улушига эга бўлиши, давлат улушига эга бўлмаслиги ва қўшма корхоналар бўлиши мумкин. Фуқаролик Кодексига кўра устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдордаги улушларга бўлинган бир ёки бир неча шахслар томонидан таъсис этилган жамият қўшимча масъулиятли жамият (ҚМЖ) деб эътироф этилади. Бундай жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жамиятнинг таъсис

хужжатлари билан белгиланиб, улар томонидан киритилган улушларнинг қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган карра миқдорда субсидиар жавобгарликка эга. Иштирокчилардан бири тўлов қобилиятига эга бўлмаса, унинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида мажбуриятларни тақсимлашнинг бошқача тартиби кўзда тутилмаган бўлса, қолган иштирокчилар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Устав фонди (устав сармояси) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлар улушига бўлинган бир ёки бир неча шахслар томонидан таъсис этилган хужалик жамияти масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) деб эътироф этилади. Жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавоб беришмайди ва фақат улар томонидан киритилган улушлар чегарасида жамият фаолияти биан боғлиқ зарарлар хатарига эга (Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни, 1-модда). Жамият мажбуриятлари бўйича ўз улушлари чегарасида жавобгарликка эга бўлган масъулияти чекланган жамият иштирокчиларидан фарқли равишда, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан қўшимча (субсидиар) жавобгарликка эга. Жавобгарлик миқдори барча иштирокчилар учун бир хил бўлган карра миқдорида белгиланиб, у жамиятнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилиши шарт ва ҳар бир иштирокчи улушининг қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Қолган барча масалаларда - ташкил этиш, рўйхатга олиш, фаолият юритиш ва бошқариш тартибида қўшимча масъулиятли жамиятлар масъулияти чекланган жамиятлар учун белгиланган меъёрларга амал қилади.

Жамият бир ёки бир неча шахслар томондан таъсис этилиши мумкин. МЧЖ иштирокчиларининг сони қонунга мувофиқ эллик кишидан ортиқ бўлмаслиги керак, акс ҳолда жамият бир йил мобайнида очиқ акциядорлик жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши зарур. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият мулкчилик шаклини ўзгартирмаса ва иштирокчилар сони белгиланган чегарагача камайтирилмаса, у юридик шахсларни рўйхатга олувчи органнинг талабига кўра суд тартибида тугатилиши лозим.

Таъсис шартномаси ва жамият устави жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, ушбу шахс томонидан таъсис этилган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайтирилган ҳолларда, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилади.

Жамиятнинг устав фонди қонунчилик билан белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак. Жамият иштирокчиси улушининг жамият устав фондидаги миқдори фоизларда ёки каср кўринишида аниқланади. Жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий

қиймати уни улушининг миқдорига мутаносиб равишда жамият соф активлари қийматининг бир қисмига мос келади.

Иштирокчи ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчиларига сотиш ёхуд бошқача тарзда бериш ҳуқуқига эга. Агар жамият уставида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, улушни учинчи шахсларга беришга рухсат этилади. Агар уставга мувофиқ жамият иштирокчиларининг умумий розилиги талаб этилмаса, улуш иштирокчининг қонуний ворисларига ўтади. Жамият иштирокчиси бошқа иштирокчиларнинг розилигидан қатъи назар жамиятдан чиқиш ҳуқуқига эга. Унга жамият мол-мулкнинг унинг устав сармоясидаги улушига мос келадиган қисми қиймати тўланиши лозим.

Айрим ҳолларда (бу уставда акс этирилиши керак) устав сармоясининг юқори бошқарув органи томонидан кўпайтилиши (барча иштирокчилар томонидан улушлар тўлиқ ҳажмда киритилганидан сўнг) ва иштирокчилар томонидан қўшимча бадаллар киритилиши кўзда тутилиши мумкин. Шунингдек, МЧЖ устав сармояси миқдорини камайтириш ҳам мумкин, бу уставда қайд этилиши керак. Устав сармояси жамият кредиторлари манфаатларини кафолатловчи мол-мулкнинг энг кам миқдорини белгилаб бериши туфайли, унинг камайтирилишига барча кредиторларга хабар қилинганидан сўнг рухсат берилади.

Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар: *жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши* ва *ижроия органи* (яккабошчилик асосидаги ва коллегиял ижроия орган). Шунингдек, жамият уставида *жамиятнинг қўзғатув кенгаши*ни ташкил этиш ҳам кўзда тутилиши мумкин. Жамиятни бошқаришнинг олий органи бўлиб иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Айнан унда жамиятни барча аъзоларининг қарор қабул қилиш ҳуқуқи амалга оширилади. Иштирокчиларнинг йиғилишдаги овозлари сони одатда уларнинг устав сармоясидаги улушларига мутаносиб равишда белгиланади, шунингдек, жамият уставида бошқача тартиб ҳам белгиланиши мумкин. Йиғилиш корхонанинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи жамият фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш ҳуқуқига эга. Бироқ корхона жорий фаолиятининг масалалари иштирокчиларнинг умумий йиғилишига ҳисобот берувчи ижроия органнинг ваколатига киради. Жамиятнинг ижроия органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамият уставида белгиланган муддатга сайланади. Ижроия орган аъзолари жамият қўзғатув кенгашининг аъзолари бўла олишмайди.

Жамиятни қайта ташкил этиш масаласига келсак, шуни айтиш лозимки, жамият иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этиш *бирлашиш*, *қўшилиш*, *бўлиниш*, *ажралиш* ва *ўзгариш* шаклида амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг бирлашуви деб икки ёки бир неча жамият тугатилиб, уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини қабул қилган янги жамиятнинг ташкил этилишига айтилади.

Жамиятнинг қўшилиши деб икки ёки бир неча жамият тугатилиб, уларни барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бошқа жамиятга ўтиши тан олинади.

Жамиятнинг бўлиниши деб жамият тугатилиб, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилган жамиятларга ўтишига айтилади.

Жамиятнинг ажралиши деб у тугатилмасдан, қайта ташкил этилаётган жамиятни ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми улар ихтиёрига ўтиши билан бир ёки бир неча жамиятнинг ташкил этилишига айтилади.

Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилотига ўзгартирилиши мумкин.

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин. Шунингдек, жамият суд қарорига кўра ҳам тугатилиши мумкин. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги қарори кузатув кенгаши, ижроия орган ёки жамият иштирокчисининг таклифига кўра қабул қилинади. Устав фондида давлат улушига эга бўлган жамият тугатилаётганда, тугатиш комиссиясининг таркибига давлат мулкани бошқариш органининг вакили ҳам киритилади.

Масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятлари - бу бир-бирига яқин корхоналардир. Улар иштирокчилар сармоясини бирлаштириб, ўз аъзоларининг ушбу ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида шахсан иштирокини талаб этмайди. Сармояларнинг бирлашиши иштирокчилар улушлари ҳисобидан устав сармоясининг ташкил этилиши сифатида расмийлаштирилади. Устав сармояси МЧЖда иштирокчиларнинг улушларига, АЖда эса акцияларга бўлинган. Хўжалик жамиятининг барча ички муносабатлари "сармоя бўйича" курилади. Ҳар бир иштирокчи (акциядор) тўланган улушга ёки акцияларга мутаносиб равишда овозлар сонига эга. Иштирокчилар (акциядорлар) ўртасида тақсимланиши лозим бўлган фойда улар томонидан сотиб олинган улушлар ёки акцияларга мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият тугатилганидан сўнг қолган мол-мулк иштирокчилар (акциядорлар) ўртасида худди шундай мутаносибликда тақсимланади.

МЧЖ ва АЖни шундай ҳолат бирлаштириб турадики, улар чекланган мулкый жавобгарлик тамойилига асосланади. Корхона унга иштирокчилар (акциядорлар) томонидан топширилган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради, унинг иштирокчилари (акциядорлари) эса ўзларига тегишли улушлар ёки акцияларнинг қиймати микдорида хатарга эгалар. Лекин масъулияти чекланган жамиятнинг ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (ЁТАЖ) билан ўхшаш томонлари кўп. МЧЖ ва ЁТАЖни шу нарса

бирлаштирадики, биринчидан, ушбу корхоналар иштирокчилар (акциядорлар)нинг белгиланган таркибига эга, яъни акциялар (пайлар) уларда олдиндан маълум бўлган сармоядорларнинг чекланган доираси ичида тақсимланади. Иккинчидан, ушбу корхоналарнинг акциядорлари (иштирокчилари) уларга тегишли акцияларни (улушларни) фақат бошқа акциядорлар (иштирокчилар)нинг розилиги билан бошқаларга ўтказиши мумкин.

Ушбу ҳолат уларни очик турдаги акциядорлик жамиятлари (ОТАЖ)дан ажратиб туради. ОТАЖда, биринчидан, акциялар сармоядорларнинг чекланмаган доираси ичида жойлаштирилади, иккинчидан, акциядор ўз хоҳишига кўра ўзига тегишли акцияларни исталган учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга. ОТАЖда акциядорлар шахсий таркибида ҳам, уларга тегишли акциялар сонида ҳам ўзгаришлар эркин амалга оширилиши мумкин; бу - акциядорлар таркиби белгиланмаган (чегараланмаган) корхонадир.

Ушбу корхоналарнинг кўплаб умумий белгилари бўлишига қарамай, улар ўртасида (МЧЖ ва АЖ ўртасида) улуш ва акциянинг табиати билан боғлиқ бўлган катта тафовутлар мавжуд. Акциядорлик жамиятида унинг сармоясига киритилган улушнинг тасдиқланиши қимматли қоғознинг алоҳида тури сифатида чиқариладиган акция билан таъминланади. Акция компания сармоясига киритилган улуш ҳақида гувоҳлик берибгина қолмай, балки ушбу улушнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқининг йўқлигини ҳам англатади. Акциядорлик компанияси ушбу қимматли қоғозларни уларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятисиз чиқаради. Ўз навбатида, акция - муддатсиз, яъни қандайдир олдиндан келишилган даврга мўлжаллаб чиқарилмаган, балки муомала муддати чегараланмаган қимматли қоғоздир. Акция ҳаётига фақат акциядорлик жамияти тугатилган вақтда чек қўйилади. Ўз акцияларидан у ёки бу сабабларга кўра воз кечишни истовчи акциядорларда акцияларини бошқа шахсларга ўтказиш имконияти мавжуд. Бу ерда акциядорлик жамиятининг қайси турдагилиги (ОТАЖ ёки ЁТАЖ) аҳамиятга эга эмас. Бу принципал жиҳатдан акциядорлик компаниясини масъулияти чекланган жамиятдан ажратиб туради.

МЧЖдаги улуш, акциядан фарқли ўлароқ, қайтарилиш хусусиятига эга, яъни иштирокчи корхонадан чиққан тақдирда уни талаб қилиши мумкин. Масъулияти чекланган жамиятда иштирокчининг улушини корхона мол-мулки қийматидан ажратиш тартиби кўзда тутилган.

Корхонани ташкил этиш шакли сифатида МЧЖни танлаш устав сармоясига улушнинг миқдори билан иштирокчиларнинг хатарини чегаралайди. Унинг устун томони яна шуки, МЧЖни ташкил этиш учун АЖни ташкил этишга қараганда кам сармоя талаб этилади (ундан ташқари, МЧЖ иштирокчиларининг сони ҳам унчалик кўп бўлиши мумкин эмас). Шунингдек, АЖ учун ҳисобот тизимига қараганда бу ерда анча содда ҳисобот тизими ўрнатилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур, яъни МЧЖ

фойдалар ва зарарлар бўйича ҳисоб рақамларни эълон қилишга мажбур эмас. МЧЖ - ўртача катталиқдаги корхоналарни, шу жумладан оилавий бирлашмаларни ташкил этишнинг энг мақбул шаклидир.

Ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклни хусусийлаштириш жараёнида қўллаш анча мураккаб масала саналади. Аксарият ҳолларда, айниқса йирик давлат объектларини хусусийлаштиришда ушбу шаклдан фойдаланиш анча хавфли. Шу муносабат билан мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклдан фойдаланган ҳолда давлат корхоналарини хусусийлаштиришдаги Россия тажрибасини эслатиб ўтиш ўринлидир. Давлат ва муниципал мулкни, айниқса уни сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага бериш орқали хусусийлаштиришда юридик шахснинг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклдан чуқур ўйлаб кўрилмасдан фойдаланишга йўл қўйилди ва бу юзлаб иштирокчиларни ўзида жамлаган масъулияти чекланган жамиятларнинг барпо этилишига олиб келди.

Шу тариқа ташкил этилган жамиятлар катта миқдордаги давлат мулкни деярли бепул олишди, уларнинг иштирокчилари эса ушбу хусусийлаштирилган мулкдан барча ўсиб бораётган суммалар қийматини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Ҳукуматнинг асосий фондларни қайта баҳолаш тўғрисида ҳар йили қабул қилинадиган қарорлари билан баланслардаги қўшимча сармояни акс эттирувчи суммалар, мос равишда тўланиши лозим бўлган суммаларни оширган ҳолда, сўзсиз ўсиб боради, жамиятдан чиқувчи иштирокчилар билан ҳисоб-китоблар учун реал маблағлар эса йўқ.

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида вазият кескин юзага келади, у ерда давлат ва муниципал корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятларнинг улуши айниқса катта. Иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашуви туфайли ушбу соҳада ишловчилар сонининг қисқариши содир бўлади. Ишдан бўшатиш ҳодимлар, одатда, МЧЖдан чиқиш ҳақида ариза беришади ва асосан ишлаб топилган фойда ҳисобидан эмас, балки асосий фондларнинг қайта баҳоланиши ҳисобидан юзага келадиган катта суммаларнинг тўланишини талаб қилишади. Тижорат ташкилотида, табиийки, бўш турган айланма маблағлар мавжуд эмас ва у мол-мулкни сотишга ва ўз фаолиятини юритишга мажбур.

Қатор ҳолатларда масъулияти чекланган жамият юридик шахснинг ҳолати беқарор ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб қолади. Ноқулай вазиятдан чиқишнинг энг мақбул усулларида бири МЧЖни АЖга айлантириш ҳисобланади. Аммо бундай қайта ташкил этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд, шулардан энг асосийси иштирокчилар сонининг ҳаддан ташқари кўплигидир, айнан йирик жамиятлар учун ушбу қайта ташкил этилиш ниҳоятда муҳим. Масъулияти чекланган жамият унинг иштирокчилари бир овоздан қабул қилган қарор билан қайта ташкил этилиши мумкин. Бир неча ўнлаб, баъзан эса юзлаб иштирокчиларнинг ҳамфикрлигини таъминлаш қийин. Иштирокчиларнинг катта қисми

бундай МЧЖни очик акциядорлик жамиятига айлантиришни афзал кўришади ва уни ёпиқ акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этишни хоҳлашмайди, чунки муасссар сони элликтадан ошмаслиги керак. Тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, бундай МЧЖдаги улушлар, қоидага кўра, агар назорат пакетига эга бўлган шахслар гуруҳи мавжуд бўлмаса, тенг қилиб бўлинган, бундай жамиятни очишни унинг иштирокчилари исташмайди.

Шундай қилиб, МЧЖни "тўғридан-тўғри" АЖга айлантириш баъзан умуман амалга ошириб бўлмайдиган ҳолат ёки ижобий натижаларни бермайди.

Ўзбекистонда 2000-йил 1 январ ҳолатига кўра 18,6 мингта мулкчиликнинг давлат шаклига эга бўлган корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, бу уларни умумий сонининг 10,4 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, давлат АЖ акциялари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг устав фондидаги улушлар кўринишида кўп миллиардли активларнинг ҳам эгаси ҳисобланади. 2000-йил 1 апрел ҳолатига кўра республикада устав фондида акциялар давлат улуши иштирок этадиган 2985 та АЖ ташкил этилди. Ўша даврда ушбу АЖларнинг ЯИМдаги улушлари статистик бюллетенда аниқ кўрсатилмаган.


Ҳозирги кунда давлат корхоналари билан бир қаторда 2001-йил 1 март ҳолатига кўра 4,6 мингдан ортиқ АЖ, 13 мингдан зиёд МЧЖ, 151 мингдан ортиқ хусусий, оилавий ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. 1 млн. 200 мингдан зиёд акциядорлар акциядорлик корхоналарини бошқаришда иштирок этишмоқда.

2003-йил 1 январ ҳолатига кўра устав фондида давлат мулкига эга бўлган 2894 та АЖ рўйхатга олинган. Шулардан, 172 та акциядорлик жамиятида давлатнинг ишончли вакили тайинланган. Устав фондида давлатнинг улуши 25 ва ундан кам фоизни ташкил қилган 2048 та корхона, шу жумладан 456 таси танлов асосида ишончли бошқарувга топширилган.

Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ривожланган мамлакатларда бизнесни ташкил этиш шакллари деб номланади. Ўзбекистондаги қуйидаги шаклдаги саноат корхоналари АҚШ фирмаларининг қуйидаги шаклларига мос келади: хусусий корхона - бир эгали компания; масъулияти чекланган жамият ва ширкат - ҳамкорлик ва масъулияти чекланган ҳамкорлик; акциядорлик корхонаси - корпорация.

Ўзбекистонда ташкил этиш шаклига кўра корхоналар сонининг улуши ва корхоналарнинг ЯИМдаги улушининг ҳозирги аҳволи АҚШдаги 80-йиллар кўрсаткичига яқин. Бугунги кунда республика учун янги йирик корхоналарни ташкил этиш фойда келтирмайди, чунки агар улар банкротлик ҳолатига тушиб қолишса, бундан қутулиш анча мушкул. Шунинг учун кичик ва ўрта корхоналарни барпо этган маъқул, акциялаштириш чоғида ҳам шуни инобатга олиш керак.

АЖ ёки корпорацияни бошқариш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади: рақобат муҳитини яратиш, қонунчилик, солиқ сиёсати ва акциядорларнинг тўғридан-тўғри хатти-ҳаракатлари билан. Ўзбекистон турли хил тадбирларни амалга оширмоқда, ушбу усуллар саноати ривожланган мамлакатларга хос эди ва маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.



4 – расм.

Ўзбекистон жаҳоннинг ижобий тажрибаси бўйича корхоналар ва мулкчилик шаклига эга бўлган иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтди. Эндиликда ички бозорни тўлдириш ва экспорт қилиш учун ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни самарали ривожлантириш масаласи олдинда турибди.

Энг самарали саноат корхоналарини аниқлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан турли хилдаги кичик корхоналарнинг тушумлари олинди. Корхоналарни тенг шароитларда кўриб чиқиш учун атайин кичик корхоналарни танлаб оламиз ва тегишли диаграммани чизамиз

4 - расм орқали бир корхонанинг тушуми ёки мулкчиликнинг турли шаклларига эга бўлган кичик корхоналар туршумининг ўртача қиймати бўйича корхоналарнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифи бўйича самарали корхона таснифининг изчиллигини санаб ўтиш мумкин:

- акциядорлик корхоналари;
- хўжалик уюшмалари;
- жамоавий корхоналар;
- давлат корхоналари;
- мулкчиликнинг бошқа шакллари корхоналари;
- кооперативлар (саноат йўналиши);
- ижара корхоналари;

- хусусий корхоналар.

Ҳозирги вақтда жамоавий, ижара ва саноат кооперативлари каби ташкилий-ҳуқуқий шакллар мавжуд эмас. Улар мулкчиликнинг бошқа шакллариغا, масалан, жамоавий корхоналар АЖга, ижара корхоналари хусусий корхоналарга айлантирилган. Демак акциядорлик корхонаси энг самарали корхона ҳисобланади.

Тасниф бўйича қуйидаги вазиятни таҳлил қилиш мумкин, агар корхона тажрибали жамоа ва ишлаб чиқариш-технологик базага эга бўлса - корхоналарнинг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўпроқ самарали. Ҳозирча бизнинг бозорда кўпчилик хусусий корхоналар ишлаб чиқариш-технологик базага, тажрибали меҳнат жамоалари ва стратегик режаларга эга эмас, шунинг учун ушбу шакллар кам самарали ҳисобланади.


4-расмда мулкчиликнинг турли шакллариغا эга бўлган кичик корхоналар маҳсулотларини сотишдан тушган барча тушумлар кўрсатиб турибдики, бюджетга хусусий корхоналар сони кўплиги туфайли улардан келадиган маблағларнинг миқдори катта.

Хусусийлаштириш жараёнида бизнесни ташкил қилиш шакллари танлашда корхоналарнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бу амалга ошириладиган иқтисодий ислохотда юқори натижани таъминлашга ёрдам беради.

2.2 Ишлаб чиқариш асослари - технология, ишлаб чиқариш функциялари ва корхона мувозанати

Ишлаб чиқариш омилларининг таклифи ва уларнинг мувозанати.

Тармоқ бозорида омил (ресурс)нинг таклифи мулкдорлар қарорига боғлиқ: агар унинг нархи P_f муқобил даромадлардан юқори бўлса, у ҳолда омил ушбу бозорда сотилади (5-расм). Муқобил харажатлар (даромадлар) остида олинadиган даромадларнинг ошиши ресурслар эгаларининг иқтисодий рентасини ташкил қилади.



5 – расм.

Ресурс сотувчиларининг муқобил харажатлари энг кам нархни белгилаб беради, ушбу нарх бўйича ресурс мазкур тармоқ бозорида таклиф этилиши мумкин. Агар нарх таклифнинг энг кам нархидан ҳам пастга тушиб кетса, у ҳолда ресурс эгалари уни бошқа бозорларда сотишни ёки умуман сотмасликни афзал кўришади - шунинг учун бундай нарх "бош тортиш нархи", деб номланади.

Ресурс таклифининг қайишқоқлик даражаси қанчалик кам бўлса, ресурслар эгалари даромадларининг шунчалик катта қисмини рента ташкил қилади. Рентанинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг катталиги ресурсни бозорда таклиф қилиш ҳақидаги қарорни белгилаб бермайди.

Бир қарашда ишлаб чиқариш омилларининг таклифи жамиятда қайд этилган ва ҳар бир вақт маҳалида аҳоли сони, ҳудудлар, ишлаб чиқариш фондлари билан белгиланади. Бироқ ишлаб чиқариш омилларининг умумий захиралари ва унинг бозордаги таклифи ўртасида тафовут мавжуд.

Дастлаб оддий уй хўжалиги иш ҳақининг даражаси турлича бўлган шароитда қанча миқдордаги меҳнатни таклиф қилишга тайёрлигини аниқлаш лозим. Ушбу вазифанинг ҳал этилиши истеъмоладаромаднинг даражасини белгилайди. Бу ерда иш ҳақи билан белгиланадиган истеъмоладаромад ҳамда бўш вақт ўртасида танлов мавжуд, истеъмоладаромаднинг вазифаси иш ҳақининг ҳар бир ушбу даражасида истеъмоладаромад ва бўш вақтнинг энг мақбул комбинациясини танлашдан иборат. Иш ҳақининг оширилиши реал даромаднинг ва бўш вақтга нисбатан талабнинг ошишига (даромад самараси) олиб келади, лекин бўш вақтнинг бир қисмини иш вақти ва кейинчалик бир хил фойдалиликка эга бўлган бўш вақт ва даромаднинг барча комбинацияларини боғлаб турувчи аҳамиятсизлик эгри чизиги билан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Шундай қилиб, истеъмоладаромаднинг меҳнат таклифини турлича қисқартирган ёки оширган ҳолда иш ҳақининг анча юқори даражасига ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

Ресурслар бозорларининг ўзаро боғлиқлиги шунга олиб келадики, ресурс етарлича ҳаракатчан бўлса унинг миқдори турли бозорларда тенглашади. Агар дастлаб иккита тармоқ меҳнат бозорида меҳнатга нисбатан талабнинг фарқи туфайли турлича иш ҳақи белгиланган бўлса ($W_1 > W_2$), иккинчи тармоқ ишчилари биринчи тармоққа келишади. Натижада иккинчи бозордаги эгри чизик чапга, биринчи бозордаги эса - ўнгга силжийди. Бу силжиш тармоқларда иш ҳақи тенглашгунга қадар давом этади (W).

Амалда биз қатор сабабларга кўра бериладиган иш ҳақининг фарқланишини кузатамиз. Масалан, иш ҳақидаги фарқлар билан қопланадиган дискриминация билан. Дискриминация деб тармоқга янги ишчиларнинг эркин кириб келиши учун ҳар қандай чекловга айтилади. Кўпинча иш ҳақидаги фарқлар меҳнатни хусусиятининг ўзида фарқлар мавжудлиги туфайли турли тармоқ бозорларида меҳнатни турлича таклиф қилиш билан боғлиқ. Масалан, ўрмон (дарахт) кесишдаги меҳнат тахта тилиш (арралаш) ишига қараганда катта хатарбилан боғлиқ, шунинг учун

иш ҳақи енгил компенсацияни ўз ичига олади, ун хатар учун мукофот, деб аташ мумкин.

Изокост харитаси харажатларнинг турли даражаларида харид қилиниши мумкин бўлган ресурсларнинг турли хил комбинацияларини кўрсатади. Тескари белги билан олинган изкост эгилиш бурчаги тангенс ресурслар нархига тенг. Агар изкост харитаси ва изоквант харитасини бир графикда чизсак, энг кам харажатлар билан маҳсулотнинг белгиланган миқдорини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ресурслар комбинацияларини топиш мумкин бўлади.

I_{q0} изоквант фойдаланиладиган ресурсларнинг оптимал миқдори нуқтасида $A(x_1^0, x_2^0)$ изокостга тегади. Шунинг учун $A(x_1^0, x_2^0)$ нуқтада биринчи ресурсни иккинчи ресурс билан алмаштиришнинг чегара меъёри улар нархларининг нисбатига тенгланиши керак:

$$MP_{x1} / MP_{x2} = P_1 / P_2.$$

Ушбу пропорциядага аъзоларни қайта гуруҳлаб, қуйидагига эга бўламиз:

$$MP_{x1} / P_1 = MP_{x2} / P_2.$$

Бу шуни англатадики, ҳар бир ресурсни харид қилиш учун сарфланадиган қўшимча пул бирлигини ишлаб чиқариш бир хил бўлиши керак. Бу - фирмани фактор ишлаб чиқаришига былган талабини аниқлаш вазифасида оптимумнинг зарур шартидир. У ресурслар ишлаб чиқарувчиларининг уларнинг нархларга тенглиги шартларидан келиб чиқади: $MP_{x1} = P_1 / P$; $MP_{x2} = P_2 / P$.

Ушбу икки тенглама оптимумлар нуқтасини топиш имконин беради (унда, бундан ташқари, фойда максимуми шартларининг бажарилишини текшириш талаб этилади).

2.3 Корхоналарнинг молиявий фаолияти: корхонани ишлаб чиқариш фаолиятидаги фойда ва дивидендлар

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш бўлди.

Бозор муносабатларининг ажралмас қисми сифатида қимматли қоғозлар бозори миллий иқтисодиётни молиялаштириш жараёнини ташкил этишда муҳим рол ўйнайди. Унинг ёрдамида аҳоли, корхоналар, ташкилотларнинг бўш маблағларини сафарбар этиш ва уларни иқтисодиёт ривожига йўналтириш таъминланади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашуви билан бозор иқтисодиётининг муҳим институтларидан бири сифатида қимматли қоғозлар бозори катта рол ўйнайди.

Инвестиция таклифларини ишлаб чиқишда "Тошкент" РФБнинг валюта майдончасига қўйилган позицияларнинг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 2002-йил 13 май ҳолатига кўра "Тошкент" РФБнинг

валюта майдончасига 70 та эмитент бўйича 91 та позиция қўйилди. Бунда 10 энг йирик пакет чет эл валютасидаги таклифлар умумий суммасининг 83 фоизини, ёки 51 дан 43 млн. АҚШ доллари ташкил қилди.

РФБнинг 2002-йил 1 июн ҳолатидаги ахборотида кўра миллий валютада сотиш учун биржа савдоларига 620 та хусусийлаштирилган корхоналарнинг умумий суммаси таклиф нархида 18 млрд. сўм бўлган акциялар пакетлари қўйилди. Эркин муомаладаги валюта (ЭМВ)да сотилиш учун махсус савдо майдончасига 70 та АЖнинг 275 млн. АҚШ доллари суммасидаги акциялар пакетлари қўйилди. Бу рақамлар нимадан далолат беради? Улар бугунги кунда биз катта ресурс имкониятларига эга эканлигимизни яна бир бор кўрсатмоқда. Вазифа акцияларни қандай қилиб қисқа муддатларда сотишдан иборат.

"Давинком" фирмаси томонидан бажарилган ишлар натижасида 2002-йилнинг 5 ойида биржа ва биржадан ташқари савдоларда 457 та АЖнинг умумий суммаси 5305 млн. сўм бўлган акциялари сотилди, бу ўтган-йилнинг худди шу даврига қараганда 1,7 марта кўпдир. ЭМВда 456 минг АҚШ доллари суммасидаги акциялар пакетлари сотилди. Лекин биз бу билан тўхтаб қолмаймиз, чунки биз эгалик қилаётган ресурслар янада катта натижаларга эришиш имконини беради.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларига қарашли корхоналар акцияларининг сотилишига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- илгари сотилган акцияларнинг паст ликвидлилиги туфайли акцияларга бўлган талаб ошмаяпти, яъни акцияларнинг собиқ харидорлари кутилган дивидендларни олишмади;

- акциялар пакетлари ва объектларни бутунлай хорижий инвесторларга сотиш ишларини олиб бориш қийин. Ушбу ишларни фаоллаштириш мақсадида қуйидагилар назарда тутилади: манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида хорижий сармоядорлар томонидан олдинга суриладиган масалаларни ҳал этиш - қўшимча имкониятлар (айирбошлаш ва солиқ солиш бўйича имтиёзлар, қарзларни қайта таркиблаш ва ҳ.к.) бериш; давлатнинг ишончли вакили ва ишончли бошқарувчи томонидан ишлар самарадорлигини ошириш;

- асосий воситаларнинг жисмонан ва маънан эскириши, дебиторлик, кредиторлик, бюджет қарзларининг мавжудлиги муносабати билан акциялари савдоларга қўйилган қатор корхоналарнинг жозибасизлиги. Ёки хусусийлаштирилган корхонада унинг таркибига кирувчи кўп сонли ижтимоий инфратузилма объектларининг мавжудлиги муаммоси, бу инвестицион жозибадорликни пасайтиради. Демак уни қайта таркиблаш тўғрисида таклиф киритиш лозим;

- эмитентларнинг ўзи, уларнинг юқори тузилмалари ушбу муаммони етарлича баҳолашмайди, ўзини ўзи яхши реклама қила олишмайди, бу иш натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Эмитентда маҳаллий ва хорижий сармоядорни жалб этиш учун маркетинг стратегияси яхши олиб борилмаяпти.

- кенг миқёсли, самарали реклама-ахборот ишлари ташкил қилинмаган.

АЖ молиявий кўрсаткичларининг динамикаси иқтисодиётнинг ўнта асосий тармоғи корхоналари ва икки юзта тасодифан олинган АЖ маълумотларидан тузилди (6-расм). Ушбу расмдан кўриниб турибдики, АЖ молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ривождаги динамик нисбат мавжуд. Тушум динамик равишда ошишига мос равишда солиқлар ҳам ўсиб бормоқда. Якуний ички хўжалик харажатлари ҳам доимий равишда ўсмоқда ва натижада соф фойда ҳамда дивидендлар жуда кам. 1-расмдан молиявий кўрсаткичлар динамик ривожининг боғлиқлигини аниқлаш мумкин. Бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг иккита йўли мавжуд: биринчидан, фойдадан олинadиган солиқ миқдорини ёки солиқ солиш ставкаларини камайтириш; иккинчидан, якуний ички хўжалик харажатларини мумкин қадар камайтириш зарур. Якуний ички хўжалик харажатлари таркибига: товар-хонашёр ресурсларини қидириш ва етказиб бериш харажатлари; маъмурий харажатлар; сотиш харажатлари; бошқа операцион харажатлар ва ҳ.к.лар киради. Оптимал солиқ ставкалари корхоналар фаолияти ривожининг гарови ҳисобланади. АЖ молиявий кўрсаткичларининг яхшиланиши билан акциялар ҳам юқори ликвидли бўлади.


Бозорнинг ликвидлигини оширишнинг бошқа усуллари: чоратадбирлар мажмуасини амалга ошириш, биринчи галда бозорни ташкил қилишни такомиллаштириш, биржа ва биржадан ташқари бозорлар тузилмаларини ривожлантириш, қимматли қоғозларнинг айланиши ва хизмат кўрсатиш тизимидаги харажатларни ва хатарни камайтириш, бозорнинг шаффофлигини ошириш.

Республикада шаклланаётган фонд бозорининг ҳозирги босқичдаги асосий вазифаларидан бири тўлақонли иккиламчи бозорни барпо этиш ва қимматли қоғозларнинг харидорғирлигини оширишдан иборат. Бунинг учун ўтказилган таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш қуйидаги йўналишлардаги чоратадбирларни амалга ошириш йўли билан амалга оширилиши лозим: портфелли сармоядорлар фаолиятини рағбатлантириш; сармоядорларда бозорга нисбатан ишончни мустаҳкамловчи бозорнинг ахборот шаффофлигини ошириш; қимматли қоғозларнинг айланиши ва хизмат кўрсатиш тизимидаги харажатларни ва хатарни камайтириш; қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини фаоллаштириш мақсадида мамлакат фонд бозорида портфелли сармоядорлар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва бошқаларнинг фаолиятини рағбатлантириш механизмларини ишга солиш зарур. Таъкидлаш жоизки, бизнинг шароитда инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари алоҳида аҳамиятга эга, бу шу билан изоҳланадики, аҳолининг асосий қисми сармоядор ролига

тайёр эмас ва маблағ сарфлашнинг кам хатарли вариантыни танлашда профессионаллар ёрдамига муҳтож.

Республика АЖ молиявий курсаткичларини ривожланиш динамикаси
(миқдорлар урталаштирилган)



6 – расм.

АЖнинг молиявий аҳволини акцияларни сотиш йўли билан фаоллаштириш учун ушбу йўналишда фаолиятни кучайтиришга доир қатор чораларни қўллаш лозим:

- асосий воситаларнинг жисмонан ва маънан эскириши, дебиторлик, кредиторлик, бюджет қарзларининг мавжудлиги муносабати билан акциялари савдоларга қўйилган қатор корхоналарнинг жозибасизлиги. Ёки хусусийлаштирилган корхонада унинг таркибига кирувчи кўп сонли ижтимоий инфратузилма объектларининг мавжудлиги муаммоси, бу инвестицион жозибадорликни пасайтиради. Демак уни қайта таркиблаш тўғрисида таклиф киритиш зарур;


- имкониятли сармоядорлар маблағ сарфлаш объектларига турлича қарашади. Хорижий сармоядорлар, масалан, табиий хомашё казиб олиш, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик билан боғлиқ корхоналарга пул

тикишни афзал кўришади. Уларга далаат улуши кам бўлган, харид қилиш учун эса акциялар пакети 50 фоиздан юқори бўлган объектлар қулай. Шундан келиб чиққан ҳолда, илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш йўли билан фонд бозорининг илмий асосларини яратиш, фонд бозорида фойдаланиладиган қимматли қоғозлар билан операциялар қилишнинг халқаро андозаларини босқичма-босқич кенг миқёсда жорий этиш чораларини кўриш керак.

2.4 Даромад самараси ва алмаштириш самараси

Товарнинг нархи ўзгарганда қандай кучлар ҳаракатга келишини батавсил тушуниш учун бошқа товарларнинг нархи ўзгармаган ҳолда бир товарнинг нархи ошганда айрим истемолчининг бюджет чегараси чизиғида юз берадиган иккита турли жиҳатга эътиборни қаратамиз.

Истемолчининг нисбий нархлар ва реал даромаднинг ўзгаришига бўлган таъсирланиши тегишлича алмаштириш самараси ва даромад самараси деб номланади. Нархларнинг ҳар қандай ўзгариши ушбу самараларнинг ривожланишига олиб келади, чунки у ҳамён кўтарадиган нозу-неъмат ҳажмини ҳам, уларнинг нисбий нархларини ҳам ўзгартиради.



7 – расм.

А нозу-неъматлар истемол қилиш оптимал ҳажмининг A_1 дан A_2 га умумий силжиши $A = A_2 - A_1$, $A_1 > A_3$, $A^{sub} = A_3 - A_1$, (алмаштириш самараси) ва $A_3 > A_2$, $A^{ins} = A_2 - A_3$ (даромад самараси) силжишидан юзага келади. Шубҳасиз, А нозу-неъмат нархининг ошиши Б нозу-неъматга бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келади (7-расм).

Б нозу-неъматлар истемол қилиш оптимал ҳажмининг B_1 дан B_2 га умумий силжиши $B = B_2 - B_1$, $B_1 > B_3$, $B^{sub} = B_3 - B_1$, (алмаштириш самараси) ва $B_3 > B_2$, $B^{ins} = B_2 - B_3$ (даромад самараси) силжишидан юзага келади.

А нозу-неъмат нархининг пасайиши талабдаги ушбу самараларига мос келувчи ўзгаришларга ҳам олиб келади. Алгебраик шаклида алмаштириш ва даромаднинг биргаликдаги таъсири Слуцкий тенгламаси билан ифодаланади:

$$\frac{\partial X_i}{\partial P_j} = \left(\frac{\partial X_i}{\partial P_j} \right) - \left(\frac{\partial X_i}{\partial I} \right) X_j$$

Ушбу мисолда X_1 қ А, X_2 қ Б ва Слуцкий тенгламаси i ва j нинг турли бирикмалари учун бир (худди $i = j = 1$, масалан, i ва j бўлганда ҳам, яъни талаб ва нархнинг белгиланиши бир товарга ёки турли товарлага тегишли бўлганда). Нав индекси компенсация билан, яъни истеъмолчига илгариги реал даромадни ушлаб туриш имконини берувчи номинал даромад қиймати билан боғлиқликни англатади.

Слуцкий тенгламасининг ўнг қисмидаги биринчи қўшилувчи алмаштириш самарасини, иккинчи ҳаракат ўша ўлчов бирликларида ифодаланган даромад самарасини ифодалайди (X кўпайтирувчи уларнинг бир ўлчамлилигига олиб келади). Чап томонда талабга нисбатан алмаштириш ва даромад самараларининг биргаликдаги резултирловчи таъсири ёзилган. Фақат даромад самарасининг абсолют катталиги арзонроқ бўлган нозу-неъмат нархининг ўзгаришида алмаштириш самараси ҳажмидан катта бўлади, яъни нархни оширишнинг умумий самараси ижобий бўлади. Товар нозу-неъмат деб номланади. Гиффена ва талабнинг эгри чизиғи унга ижобий қайишади.

Алмаштириш ва даромад самараларининг ушбу таҳлили Джон Хикснинг методологиясида ўтказилган, унда реал даромаднинг ушбу даражаси истеъмолчи фаравонлигининг ушбу даражасини таъминловчи сифатида аниқланади. Ушбу таҳлилнинг асосий қоидаларини ишлаб чиққан Е.Е.Слуцкий (унинг тадқиқотлари йигирма йил олдин амалга оширилган бўлиб, бироқ жаҳон иқтисодий жамоатчилигида Хикс натижаларидан кейин маълум бўлди) фойдалилик назарияси нуқтаи назаридан унчалик қатъий бўлмаган усулдан фойдаланди. У истеъмолчи нархлар ўзгарганидан кейин ҳам ушбу ўзгаришлар бўлгунга қадар харид қилган нозу-неъматлар тўпламини харид қила олган ҳолларда реал даромадни ўзгармас, деб ҳисоблашни таклиф қилди. Шунинг учун Слуцкий ёндашувида оралиқ бюджет чизиғи нозу-неъматларнинг бошланғич оптимал тўпламини тасвирловчи нуқта орқали ўтиши керак.

Шундай қилиб, реал даромаднинг ушбу даражасини таъминловчи капитал пул даромад миқдори, Хикс ва Слуцкий фикрича, кўпинча мос келмайди. Слуцкий методологиясида бундай оралиқ бюджет чизиғи кўпроқ фарқсизликнинг юқори эгри чизиғига тегиб ўтади. Шунинг учун, истеъмолчи нархлар ўзгаргунга қадар харид қилган нозу-неъматлар тўпламини харид қилиш имкониятига эга бўлган ҳолда, у нархлар ўзгаришидан аввалгига қараганда фаравонликнинг анча юқори даражасида бўлади. Бу реал даромаднинг ўзгармас даражасини аниқлашга нисбатан камроқ махфий ёндашувни белгилаб беради.

3-боб Бозор инфратузилмаси: товар-хомашё ва фонд биржалари

3.1 Биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш механизми

Товар-хомашё биржаларининг ишлаши хўжалик фаолияти субъектлари учун қулай шароитларни яратишга йўналтирилиши керак.

Моддий-техник ресурсларни харид қилиш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун тадбиркор, одатда, биржага маслаҳат учун мурожаат қилади. Бундай маслаҳат хизматлари уларга бепул кўрсатилади. Ундан кейин, мижоз брокерлик жойини ижарага олади, ёки хизмат кўрсатиши учун профессионал биржа воситачиси - брокерга мурожаат этади. Брокер мижознинг товарни харид қилиш ёки сотишга бўлган буюртмасини қабул қилади ва ахборотни биржа савдоларининг бошқа брокерлари ва иштирокчиларига билдириш учун биржа листингида жойлаштиради. Бундай листинглар ҳар ҳафтада оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Товар ёки унга бўлган талабнинг мавжудлиги ҳақидаги ахборотни брокер ҳам, одатда, оммавий ахборот воситалари, каталоглардан, кўргазма ва тақдимот маросимларига ташриф буюриб, корхона ва фирмаларнинг таҳлилий шарҳлари ва реклама проспектларидан, бутун жаҳон интернет тармоғидан қидиради. Кейин биржа залида очиқ, ошкора ва рақобатли савдоларда брокер товарни бошқа брокерга сотади ёки ундан харид қилади (мижоз буюртмасини амалга оширади).

Қоида бўйича 45 дақиқа давом этадиган сессиялар ўртасидаги 5 дақиқалик танаффусда брокерлар маклер (савдолар ташкилотчиси бўлган биржа ходими) иштирокида битимни қайд этишади, битим маклернинг имзоси билан мустаҳкамланади. Бу биржанинг рўйхатга олиш бўлимида шартномани рўйхатга олиш учун асос бўлади. Шартномани рўйхатга олиш учун брокерлар рўйхатга олиш бўлимига Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 15 апрелдаги 174-сонли ва 1999-йил 6 майдаги 223-сонли қарорларига мувофиқ ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этишади. Рўйхатга олиш бўлими битим бўйича ҳужжатларни расмийлаштириб, шартномани рўйхатга олади ва уни ҳисобга қўйиш учун божхона органларига юборади.

Тамонлардан бири шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортган ҳолларда, тортишувлар биржанинг Мажоралар комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Агар брокер комиссия хулосаларини тан олмаса, иш кўриб чиқиш учун судга ўтказилади.

Савдолар ва битимларни рўйхатга олиш якунланганидан сўнг улар бўйича маълумотлар таҳлил қилинади ва биржа котировкалари тузилади, булар ҳам ҳар ҳафтада оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Биржа котировкалари тадбиркорларга тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари бўйича битимлар тузиш учун нархлар мўлжали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Экспорт ва импорт контрактлари. Биржаларнинг тадбиркорларни савдоларда иштирок этишга жалб қилувчи хусусиятларидан бири халқаро

бозорларга чиқишнинг осонлиги ва тезлиги ҳисобланади. Биржа савдоларининг иштирокчилари биржа савдоларида иштирок этмайдиган тадбиркорларга қараганда экспорт-импорт контрактларини тузиш учун жуда кам вақт ва куч сарфлашади. Бу айниқса кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун жозибадордир. Тадбиркорлар ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда биржалар томонидан уларга бериладиган устунликларни қадрлашади. Тузилган экспорт-импорт битимлари сонининг ўсиши ҳамда биржа ташқи савдо товар айланиши ҳажмининг ошиши бундан далолат бермоқда. ЎзРТХБ савдоларида 31 мамлакат тадбиркорлари билан шартномалар тузилган.

Махсус истеъмолчилар учун ярмаркалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 8 апрелдаги 136-сонли қарорини бажариш йўлида товар-хомашё биржаларида давлат эҳтиёжлари: махсус истеъмолчилар, Соғлиқни сақлаш, Ижтимоий таъминот вазирликлари корхоналари ва Давлат захираси учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича ихтисослашган ярмарка савдолари ўтказилди.

Ихтисослашган ярмаркани ташкил қилиш тадбирларининг ишлаб чиқилган амалга ошириладиган режалари қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- махсус истеъмолчиларнинг иштирок этишини ташкил қилиш ва савдолар иштирокчиларини зарур ахборот билан таъминлаш;
- етказиб берувчилар кўрсатилган ҳолда товар номенклатураси бўйича каталогларни тайёрлаш;
- етказиб берувчиларнинг ихтисослашган ярмаркада иштирокини ташкил қилиш ва маҳсулот намуналарини қўйиш, кўргазма майдонларини тайёрлаш;
- намунавий шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш;
- савдолар иштирокчилари учун маълумот тусидаги ахборотни ташкил қилиш, юридик, консалтинг, суғурта, божхона ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш;
- иштирокчиларни рўйхатга олиш;
- ярмарка якунларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

Ҳисоб-китоб-клиринг палаталарининг ишлаши. Биржа савдоларини такомиллаштириш ҳамда уларга кичик ва ўрта бизнесни жалб қилиш, шунингдек, биржа савдоларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 6 майдаги 223-сонли "Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдоларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, у бир неча муҳим масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржалари савдоларида импорт контрактларини тузиш тартиби тасдиқланди. Иккинчидан, Биржалар тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳисоб-китоб (клиринг) палаталарининг механизми амалга киритилган, унга кўра "Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаларининг ҳисоб-китоб

(клиринг) палаталари тўғрисидаги низом" ЎзРТХБ томонидан ишлаб чиқилиб, Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланди (мафаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилиб, ЎзР Адлия вазирлигида 1999-йил 10 августда 800-рақам билан рўйхатга олинган).

Низом фьючерс-форвард савдолари, товар-хомашё биржаларида экспорт-импорт операциялари ўтказиш механизмларида асосий бўғин бўлган ва мижозлар ўртасида биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи ҳисоб-китоб (клиринг) палаталари фаолиятининг мақсади, вазифалари ва предметини белгилаб берди.

Низом хорижий субъектларга товарларни Ўзбекистон бозорида ички бозорда юзага келган нархлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда сотиш учун биржа савдоларига таклиф этиш имкониятини яратади. Импорт товарини биржа савдоларда сотишда рақобат, битимларнинг шаффофлиги таъминланишини инобатга олган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш ва ТИАВ консалтинг хизматларининг биржа импорт контрактлари бўйича нархлар даражаси ҳақидаги эксперт хулосаси талаб этилмайди.

Импорт биржа контрактини тузишда, Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, биржа молиявий ҳисоб-китоблар ўтказилиши ва контрактлар бажарилишининг кафолати бўлиб иштирок этади. Импорт биржа контрактини тузилганидан кейин харидор уч банк куни мобайнида пул маблағларини контрактда кўрсатилган тўлов шартларига мувофиқ, лекин битим суммасининг кўпи билан 15 фоизи миқдорида ХҚКП ҳисоб рақамига ўтказилади. Шунингдек, импорт контрактини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш жараёни ҳам мумкин қадар қисқартирилади, биржа мижозларга божхона органларида рўйхатга олинган контрактнинг тўлиқ пакетини ва импорт битимининг расмийлаштирилган Паспортини беради.

Хорижий субъектларнинг ХҚКП ҳисоб рақамида шаклланган легитим маблағлари мижознинг кўрсатмасига кўра қуйидаги йўналишларга сарфланиши мумкин:

- товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш бўйича товар-хомашё биржаларида тузилган биржа битимлари ҳақини тўлаш учун резидентларнинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамларига;

- биржа контрактларини тузиш ва бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа хизматлар (воситачилик йиғимлари, брокерлик мукофотлари, суғурта, транспортировка ва бошқалар.) ҳақини тўлашга;

- хорижий банкларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида очилган "ЛОРО" вакиллик ҳисоб рақамларига.

ХҚКП орқали Ўзбекистон тадбиркорларига, аввало кичик ва ўрта бизнес вакилларига халқаро бозорларга чиқиш имконияти берилади.

Агар тадбиркорда уни қизиқтирган товарни хорижий сотувчидан харид қилиш учун валюта бўлмаса, биржада у шундай товарни топиши ва миллий валюта - сўмда сотиб олиши мумкин. Биржа контрактни ўзи тузади ва уни божхона органларида рўйхатдан ўтказди. Муҳими шуки, товар нархлари сўмда таклиф этилади, нархлар ўзгаришини реал кузатиш имконини берувчи реал котировка амалга оширилади.

Хорижий сотувчи бунда легитим сўм массасини олади ва уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишга ёки харажатларни тўлашга сарфлаши мумкин. Импорт битимларини расмийлаштириш жараёни ва миждозлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони мумкин қадар камайтирилган.

Биржалараро алоқалар. ЎзРТХБ бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан, биринчи галда, МДХнинг биржа тузилмалари билан алоқаларнинг ривожига катта эътибор қаратади. У МДХ Озиқ-овқат биржалари Иттифоқининг аъзоси ҳисобланади. 2000-йил 16-17 ноябрда Киевда Ўзбекистон, Россия, Украина ва Қозоғистон товар-хомашё биржалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди, унинг ишида ЎзРТХБ вакили ҳам иштирок этди. Учрашув якунларига кўра томонлар Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга имзо чекишди. Шунингдек, ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар Украина, Россия, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистоннинг алоҳида биржалари билан ҳам имзоланган. Туркия, Болгария, Хитой, Германия ва бошқа мамлакатлар биржалари билан алоқалар йўлга қўйилган.

Бутунжаҳон Интернет тармоғининг электрон почтасидан фойдаланиш биржа савдолари иштирокчиларини, тадбиркорларни жаҳоннинг товар биржаларида муомалада бўладиган асосий товарлар нархлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш, ЎзРТХБ иши ҳақидаги ахборотни чет элдаги ҳамкорлар ўртасида тарқатиш, улар билан доимий алоқани ушлаб туриш имконини беради.

Ҳозирги вақтда мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотини экспортга йўналтириш мақсадида Ўзбекистонда биржалараро семинар ташкил қилиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Бошқа мамлакатлар биржалари билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши ташқи бозорда мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг мавқеини мустаҳкамлаш, ахборот алмашувини ташкил қилиш, хорижий биржаларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш имконини беради.

Бугунги кунда тегишли техник воситаларни қўлламасдан ва замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг билан ҳолда ЎзРТХБда техник парк доимий равишда модернизация қилинади ва техник ютуқлар жорий қилинади.

2002-йилда биржада техник ва дастрий таъминот соҳасида олиб борган ишларга якун ясаб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- брокерларга компьютерлар билан жиҳозланган жойлар берилиб, уларга техник хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган;
- ЎзРТХБ бухгалтериясида "Банк-мижоз" тармоғи жорий этилган;
- клиринг палатаси учун "Клиринг палатаси мижозлари ўртасида ҳисоб-китоблар" дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган;
- ЎзРТХБ сайти ишлаб чиқилган ва Интернетга жойлаштирилган.

Ҳозирги вақтда ягона миллий биржа савдолари тизимини жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу тизим Ўзбекистон тадбиркорларига уларнинг корхоналари қаерда жойлашганлигидан қатъи назар моддий-хомашё ресурсларига йўл топишини таъминлайди ва ҳудудий (вилоятлар) товар-хомашё биржаларида савдоларнинг фаоллашувига олиб келади.

Биржа ва ярмарка савдолари шартларида катта ўзгаришлар бўлди, булар:

- биринчидан, специфик товарлар ва маҳсулотлардан ташқари, барча турдаги товарлар ва маҳсулотларни экспорт қилиш учун лицензиялаш ва божхона тўловлари бекор қилинди;
- иккинчидан, ЎзРТХБ орқали фақат ЭМВда сотилишига рухсат этилган товарларнинг 11 гуруҳи рўйхатига (ЎзР ВМнинг 1998-йил 20 сентябрдаги қарорига 1-илова) "Ипак чиқиндилари" ҳам киритилди;
- учинчидан, қатъий валютада маҳсулот экспорт қилиш вазифаси юклатилган корхоналар биржа ва ярмарка савдоларига товарларни экспорт қилиш учун миллий валютада қўйиши мумкин, бунда улар ўз маҳсулотни ЭМВда экспорт қилиш бўйича режани бажарган бўлиши ва валюта тушумидан бюджетга мажбурий тўловлар бўйича қарзлари йўқлиги ҳақида ваколатли банкларнинг маълумотномасига эга бўлиши керак. Албатта ушбу меъёрлар биржа ва ярмарка савдолари айланмасининг анча пасайишига олиб келди.

3.2 Биржа савдоларини ривожлантириш истиқболлари

Минтақавий бозорларда қурилиш материаллари сотилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, нархлар турли минтақаларда турлича. Бу транспорт ва воситачилик хизматларининг даражасига боғлиқ. Демак ушбу биржа ва ярмарка таъминот хизматларини яхшилаш йўли билан бозордаги нархларни тушириш мумкин. Биржа ва минтақавий бозор нархларининг қиёсий таҳлили шундан далолат бермоқдаки, айрим товар-хомашё материалларининг улуши биржадагига қараганда ярмарка савдоларида 20 фоизга кам.

Минтақаларда КЎБ корхоналарини ташкил қилишнинг умумий даражаси маълум: Тошкент шаҳри, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Наманган вилоятларида катта миқдордаги корхоналар ташкил этилган; Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида корхоналарни ташкил этиш сони ўртача; Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ташкил этилган корхоналарнинг сони

кам. Минтақаларда ташкил этилган корхоналар сони ва товар-хомашё материалларининг сотилиши ўртасида қонуният (диаграмма) мавжуд. Қайси минтақада ташкил қилинган КЎБ корхоналарининг сони катта бўлса, ушбу минтақада товар-хомашё материалларининг сотилиши юқори ва аксинча. Демак, ташкил қилинган КЎБ корхоналари сонини ошириш билан товар-хомашё материалларининг сотилишини ҳам кўпайтириш мумкин ва ўз-ўзидан материаллар сотилишининг кўпайиши бозордаги нархларнинг пасайишига олиб келади.

Биржа савдоларини янада ривожлантириш истиқболлари қуйидагиларга боғлиқ: биржа ва брокерлик корпуси ходимлари малакасини доимий равишда ошириш;

- биржа савдоларининг янги технологияларини жорий этиш;
- тадбиркорларга ахборот-маълумот хизматлари кўрсатиш ва реклама-маркетинг ишларини фаоллаштириш;
- чет эллик тадбиркорлар билан алоқаларни кенгайтириш.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги иқтисодий қонуниятлар ва таклифлар шаклланди:

- муайян минтақаларда ташкил қилинган КЎБ корхоналари сони ва товар-хомашё материалларининг сотилиши динамикаси мутаносиб равишда ривожланади, яъни ташкил қилинган КЎБ корхоналарининг сони қанчалик кўп бўлса, товар-хомашё материалларининг сотилишини ҳам шунча кўп, демак товар-хомашё материаллари сотишни кўпайтириш билан ташкил қилинадиган КЎБ корхоналарининг сонини ошириш мумкин, товар-хомашё материалларининг сотилиши кўпайганда уларнинг нархи пасаяди;

- айрим материал-хомашё ресурсларини танлов асосида бозор майдончаларида ва товар-хомашё биржаларида сотиш ташкил қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, материал-хомашё ресурсларининг нархи биржадагига қараганда бозорда арзон. Демак, материал-хомашё тузилмаларини такомиллаштиришда ушбу ҳолатни инобатга олиш зарур;

- товар-хомашё биржалари сонининг камлиги туфайли ишлаб чиқариш корхоналарининг материал-хомашё ресурсларига йўл топиши қийин. Бу нормал биржа битимларини тузиш имконини бермайди.

Биржа савдоси бизнесни ташкил қилишнинг нисбатан янги шакли ҳисобланади ва унинг олдида ривожланишнинг кенг истиқболлари очилмоқда.

Бу истиқболлар биржаларнинг қуйидаги йўналишлар бўйича саъй-ҳаракатлари билан белгиланади:

- республика бўйича ягона электрон савдоларни ташкил қилиш, бу тадбиркорларга, улар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъи назар, моддий-техник ресурсларга йўл топишини таъминлайди;
- чет эл биржалари билан биржалараро алоқаларни мустаҳкамлаш;
- биржа савдоларининг янги технологияларини, биринчи галда, форвард-фьючерс контрактларини ва электрон тижоратни жорий қилиш;


- биржа ходимлари ва биржа воситачиларининг касбий даражасини ошириш;
- биржа савдоларига товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини янада фаол жалб қилиш.

3.3 Сармоя бозори ва фоиз - тармоқда қимматли қоғозлар бозорининг аҳволи ва истиқболлари

Тармоқ ва минтақа даражасида корхоналарнинг дивидендлар тўлаш бўйича рейтинги. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида корхоналар олдида турган муаммолар рўйхатини тузиш қийин вазифа ҳисобланади. Бундай муаммолар рўйхатида ликвидлиликнинг етишмаслиги етакчи ўринда туради, бу шусиз ҳам таъминот билан боғлиқ мураккаб вазиятни янада ёмонлаштиради ва корхоналарга сотиш соҳасида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам режалаштиришнинг керакли тадбирларини жорий этишга имкон бермайди. Бошқа муҳим муаммоларга қуйидагилар киради: маҳсулот сифатининг унчалик юқори эмаслиги, бу эскириб қолган асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва сифатни етарлича назорат қилинмаслигининг ҳам оқибатидир; молиявий ҳисобнинг такомиллашмаган тизими; сотув ҳажмининг камлиги; материал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг етарли эмаслиги; бошқарувнинг замонавий тизимлари ва фаол маркетинг стратегиясининг йўқлиги, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларнинг заифлиги. Буларнинг барчаси қоникарсиз рентабелликка олиб келади ва ўта зарур бўлган инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлган ишбилармон ҳамкорлар, инвесторлар ва банкларни чўчитади.


Бозор муносабатларига ўтиш, товар ва молия бозорларининг шаклланиши, рақобатнинг ривожланиши корхоналарга нисбатан янги, қатъий талабларни қўйди. Ана шундай талаблардан бири таркибий ўзгаришлар ҳисобланади, унинг натижасида ишлаб чиқариш таркибида ва технологиясида, хужалик жараёнларини бошқаришда ва маҳсулотни сотишда чуқур ўзгаришлар юз беради ва охир оқибатда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланади. Мустақилликнинг дастлабки ўн йилида иқтисодиёт тармоқлари дастлабки қадамларини бозор муносабатларини ташкил этишга қаратди. Ҳозирги вақтда 4,6 мингдан ортиқ АЖ мувоффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва 1 млн. 200 мингдан ортиқ акциядорлар мавжуд. Ушбу акциядорлар якуний молиявий натижаларга кўра турли миқдорда дивидендлар олишди.

УзР иктисодиёти тамокларида 1акцияга дивидендлар тулови рейтинг
(аник маълумотлар ҳисоби асосида)




8 – расм.

УЗР иктисодиёти тамоқлари корхоналарини дивиденд тулови қобилияти
рейтинги (аниқ маълумотлар ҳисоби асосида) ,%




9 – расм.

Республика ҳудудларида 1 акцияга туланадиган дивидендлар
рейтинги



10 – расм.

Республика хуудлари корхоналарида дивидендлар
тулов кобилияти рейтинги, %



11 – расм.

Дивиденд фаолиятининг қиёсий таҳлили учун ҳар бир тармоқ ва минтакадан тасодифий 20 та корхонали танлаб олдик. 8-расмда ЎзР иқтисодий тармоқлари ўртасида бир акцияга тўланган дивидендлар таснифи муайян молиявий маълумотлар ҳисоб-китоби асосида келтирилган, қавс ичида қўллаб-қувватлашни талаб этувчи ва талаб этмайдиган корхоналар сони бўйича тармоқларнинг шартли равишда қабул қилинган ўринлари кўрсатилган. Дивиденд фаолиятини ўрганиб чиқиш асосида иқтисодиёт тармоқларини дивидендлар тўлаш имкониятларига кўра шартли равишда учта қисмга бўлиш мумкин:

- катта имкониятга эга бўлган корхоналар, акциядорлик корхоналари умумий сонинг кам қисмини ташкил қилади, улар мунтазам равишда ва катта миқдорда дивидендлар тўлашади;

- ўртача имкониятга эга бўлган корхоналар, акциядорлик корхоналари умумий сонинг ярмидан камини ташкил қилади, улар доимий равишда ва ўртача миқдорда дивидендлар тўлашади;

- кичик имкониятга эга бўлган корхоналар, акциядорлик корхоналари умумий сонинг ярмидан камини ташкил қилади, уларнинг бир қисми мунтазам бўлмаган равишда ва катта бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлашади, ҳолган қисми эса дивидендларни умуман тўлашмайди.

20 та тармоқдан:

- 12 та тармоқда дивиденд тўловлари ҳажми динамик равишда ўсиб бормоқда: «Ўзғойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўзавтойўл» давлат концерни, «Агромашсервис» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекипаги» уюшмаси, Ўзбекистон почта и телекоммуникация агентлиги, «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбектуризм» МК, «Ўзтранскурилиш» уюшмаси, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси;

- 4 та тармоқда дивиденд тўловлари ҳажми мунтазам равишда ўзгармасдан қолмоқда: "Ўздонмахсулот" уюшмаси, "Ўзбексавдо" АК, "Ўзавтосаноат" уюшмаси, "Ўзмашсаноат" уюшмаси;

- 4 та тармоқда дивиденд тўловлари ҳажми мунтазам равишда камайиб борди: «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ХК, "Ўзнефтегаз" МХК, "Ўзбеккино" ДАК.

9-расмда иқтисодиёт тармоқлари ўртасида дивидендларни тўлаш бўйича корхоналар умумий сонидан тўлов қобилияти таснифи муайян молиявий маълумотлар ҳисоб-китоби асосида келтирилган, қавс ичида қўллаб-қувватлашни талаб этувчи ва талаб этмайдиган корхоналар сони бўйича тармоқларнинг шартли равишда қабул қилинган ўринлари кўрсатилган (фоиз ҳисобида).

10-диаграммада минтақа доирасида бир акцияга тўланган дивидендлар таснифи келтирилган. Минтақаларда дивидендлар тўлаш динамикасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иккита минтақада: Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида дивидендлар барқарор тўланмоқда, Тошкент вилоятида дивидендларни тўлаш даражасининг пасайиб бориши ва қолган 11 минтақада йиллар бўйича унинг ўсиб бориши кузатилади.

Минтақаларда саноат ривожининг умумий даражаси маълум. Саноати ривожланган минтақалар: Тошкент ш., Андижон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Наманган вилоятлари; саноати ўртача ривожланган минтақалар: Сурхандарё, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси; саноати кам ривожланган минтақалар: Сирдарё ва Жиззах вилоятлари. Минтақанинг ривожланиш даражаси ва дивидендларнинг тўланиши ўртасида бевосита боғлиқлик бор. 15-расмда иқтисодиёт минтақалари ўртасида дивидендларнинг тўланиши бўйича корхоналарнинг тўловга қобиллиги таснифи келтирилган. Агар саноатнинг ривожланиш даражаси рўйхатидаги изчиллик ва дивидендларни тўлаш таснифини солиштирсак, улар бир-бирига деярли мос келади. Бу ерда шундай боғлиқликни таъкидлаш мумкинки, минтақада саноат қанчалик ривожланган бўлса, унда дивидендларни тўлаш ҳажми шунча юқори ва аксинча. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, саноатни қанчалик кўп ривожлантирсак, акциядорларга шунча кўп миқдорда дивидендлар тўлаймиз.

Мулкчилик муносабатлари ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти доирасидаги таркибий ўзгаришлар республика учун кам ва кўп жобий самараларни берди. Мулкчилик муносабатлари, шу жумладан хусусийлаштириш аҳолига ўз пулларига дивиденд кўринишида пул ишлаш имкониятини берди. Дивидендларни тўлаш ҳажмининг таснифи (11-расм) ва тармоқлар корхоналарининг дивидендларни тўлаш бўйича тўлов қобилияти таснифи (9-расм) ўртасида шундай қонуният мавжудки, дивидендларни тўловчи корхоналар сони кўп бўлган иқтисодиётда мос равишда тармоқларда тўланадиган дивидендларнинг ҳажми ҳам ўсади.

Ушбу қонуният минтақавий даражада ҳам кузатилади. Дивидендларни тўлаш ҳажмининг таснифи (10-расм) ва минтақалар корхоналарининг дивидендларни тўлаш бўйича тўлов қобилияти таснифи (11-расм, 10-расмдаги минтақалар изчиллиги сақланиб қолди) ўртасида шундай қонуният мавжудки, дивидендларни тўловчи корхоналар сони кўп бўлган иқтисодиётда мос равишда минтақаларда тўланадиган дивидендларнинг ҳажми ҳам ўсади.

Шундай қилиб, агар биз дивидендларни тўловчи корхоналар сонини оширсак, табиийки, акциядорларга тўланадиган дивидендларнинг ҳажми ҳам динамик равишда ортади, демак акциядорлар кўпроқ даромад олишади. Бунинг бошқа амалий томони шундаки, харидорлар ушбу таснифлар асосида олдиндан қуйидаги ахборотни билишлари мумкин, агар қайси тармоқдан, қайси корхонадан акцияларни сотиб олса, олинадиган дивидендлар ҳажмининг чегарасини аниқлаши мумкин, акциялар нархи ва уларни сотаётган эмитентлар ҳақида биржа томонидан доимий равишда матбуотда чоп этилади.

4-боб. Корпоратив бошқарув асослари

4.1 Ривожланган хориж мамлакатлари ва республика тармоқ иқтисодиёти менежментининг таҳлили

Мазкур бобда чет элда давлат мулки ва хусусий мулкни бошқариш тажрибасини кўриб чиқамиз. Макродаражада давлат мулкни бошқариш хусусиятига кўра Япония, Америка ва Ғарбий Европа моделларини ажратиш мумкин.

Японияда давлат корхоналари учта асосий хилга бўлинади: ҳукумат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги маълум бир идорага қарашли ва ушбу идора бошлиғи томонидан бошқариладиган идоравий корхоналар; жамоат корпорациялари - ҳукумат ёки маҳаллий органлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилган ва юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар, уларни бошқариш ёлланма менежерлар томонидан амалга оширилади; акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган ширкат шаклида ташкил этилган, давлатга фақат унинг акциядорлик

сармоясидаги улушига мос равишда қисман тегишли бўлган аралаш корхоналар.

Идоравий корхоналар марказий ҳукуматнинг департаментлари ёки бўлимларига тегишли бўлиб, улар махсус бюджет ҳисоб рақамлари - Японияда тарихан юзага келган давлат корхоналари операцияларини молиялаш тизими асосида фаолият кўрсатади. Улар давлат бюджетининг асосий ҳисоб рақамига қўшимча сифатида иштирок этишади, унинг функцияси давлат аппаратини молиялашдан иборат.

Жамоат корпорациялари ва аралаш компаниялар Японияда "алоҳида юридик шахс" тушунчаси билан бирлаштирилади. Уларнинг сони жами 99 та бўлиб, шундан 3 таси давлат компаниялари, 13 таси давлат корпорациялари, 19 таси ижроия корпорациялари, 9 таси давлат молиявий корпорациялари, 4 таси банк, 1 таси савдо корпорацияси, 10 таси алоҳида компания, 42 таси - бошқа "алоҳида юридик шахслар". Бундан ташқари, "санкцияланган юридик шахслар" - ҳукуматнинг кўмаги билан идоралар томонидан ташкил этилган, лекин ўз хусусиятига кўра хусусий мустақил корпорация ҳисобланган корхоналар ҳам мавжуд. Бунда ҳукумат идоралари ушбу корпорацияларда қарорлар қабул қилиш жараёнига аралаштириш ҳуқуқига эга. Бевосита давлат мулкнинг предмети бўлмаган бундай корхоналар ўз мавқега кўра тўғридан-тўғри тартибга солиш соҳасида фаолият кўрсатувчи корпорацияларга жуда яқин. Бундан ташқари, Японияда 39 та соф давлат корпорациялари, 17 та аралаш ва 1 та алоҳида турдаги корпорация мавжуд, у фақат уставига кўра "алоҳида юридик шахс" бўлиб қолган. Японияда давлат корхоналари жамоат назоратининг объекти ҳисобланади. Идоравий корхоналар фаолиятини парламент назорат қилади. Бюджетлар, режалар ва молиявий ҳисоботларни назорат қилиш ва тасдиқлашда, парламентдан ташқари, Молия вазирлиги ҳам иштирок этади. Товарлар ва хизматлар нархининг ўзгаришига фақат Иқтисодий режалаштириш бошқармасининг розилиги билан йўл қўйилади; Молиявий-тафтиш палатаси ва бош вазир девонхонаси ҳузуридаги умумий ишларни бошқариш Маъмурий-инспекция департаменти идоравий корхоналарнинг жорий фаолиятини назорат қилади. Жамоат корпорациялари ҳам ҳукумат ва тегишли вазирликлар томонидан назорат қилинади. Бироқ фарқи шундан иборатки, маъмурий тартибга солиш соҳасида бу ерда идоравий корхоналарникига қараганда кам, менежерлар эса қарорлар қабул қилишда мустақилликка эга. Собик давлат компаниялари - "Кокутэцу", "Самбай", Япония ривожланиш банки, Экспорт-импорт банки, давлат молиявий корпорациялари бундан мустасно.

Аралаш корхоналар идоралар томонидан кам назорат қилинади ва бошқарилади. Ўзининг ташкилий шаклига кўра акциядорлик компанияси ёки масъулияти чекланган ширкат бўлган ушбу корхоналар ҳудди хусусий компаниялар каби тижорат ва фуқаролик кодекслари асосида фаолият кўрсатади. Ўз навбатида улар бўйича молиявий ҳисоботлар хусусий

секторга мўлжалланган меъёрлар бўйича амалга оширилади. Парламент уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқига эга эмас, лекин назорат қилишга ҳақли. Давлат корхоналарини бошқариш Японияда иккита йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш бўйича хўжалик фаолиятининг тури, корхонанинг ташкилий шакли, хизматчиларни тайинлаш ва бўшатиш, баланс бюджетларини тузиш, молиявий мажбуриятларни чиқариш, ссуда маблағларини жалб қилиш, бўш турган маблағлардан фойдаланиш ва бошқалар давлат томонидан регламентланади. Иккинчи йўналиш тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунлар асосида амалга оширилиб, у корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш, нархлар ва сотувлар ҳажмини белгилаш, фирмаларнинг бирлашиши, инвестицион фаолият, молиявий ҳисоботларни юритиш шакллариининг регламентланишини ўз ичга олади.

АҚШда давлат корхоналарини бошқаришни тегишли вазирликлар ёки Конгресс қарорига кўра ташкил этиладиган доимий равишда фаолият кўрсатувчи махсус комиссиялар амалга оширади. Масалан, энергетика сектори корхоналари қишлоқ ҳудудларини электрлаш маъмурияти, Теннесси водийси бошқармаси, табиий ресурсларни ўзлаштириш бюроси ва ҳ.к.лар томонидан бошқарилади. Атом саноати давлат корхоналари - Атом энергияси бўйича Федерал комиссияга, казиб олиш саноати корхоналари - АҚШ шахталар бюросига бўйсунди ва ҳ.к.

Давлат секторини бошқаришнинг америкача моделининг ўзига хос хусусияти АҚШ давлат корхоналарининг хусусий корпорацияларга тезкор бошқариш ва эксплуатация қилиш учун топширилиши ҳисобланади. Асосий сармоядан ташқари давлат ўз бошқарувчисига айланма маблағларни ҳам топшириши мумкин. Мулкдор сифатида давлат унинг маҳсулоти сотилиши ҳақида қайғуради ва тегишли бюртмалар билан таъминлайди. Давлат сектори мамлакат халқ хўжалигининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у бозор тамойиллари асосида ривожланади. Ушбу сектор асосий маҳсулот ва хизмат турларининг ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси ҳамда бозор муносабатларининг фаол тартибга солувчиси ҳисобланади. Давлат ўз мулкидан нархлар, иш ҳақи сиёсатини ўтказиш воситаси, молиявий муносабатлар, монополияга қарши тадбирларнинг тартибга солувчиси сифатида фойдаланади.

Италияда давлат мулкни бошқариш таркиби ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Давлат мулк вазрлиги тасарруфида учта йирик давлат компанияси мавжуд - ИРИ (Саноат реконструкцияси институти), ЭНИ (Суюқ ёнилғи миллий бошқармаси) ва ЭФИМ (Акциядорлик иштироклари ва ишлов берувчи саноатни молиялаш бошқармаси) - улар давлат молиявий холдинглари томонидан бошқарилади. ушбу компанияларнинг сармояси давлат бюджети маблағлари, облигациялар эмиссияси, банк кредити, уларга бўйсунувчи давлат компаниялари фойдасидан ажратмалардан ташкил топган.

ИРИ металлургияни, электроникани, банк ишини, кемасозликни, телефон алоқаларини, машинасозликни назорат қилади. ЭНИ нефт ва газ саноатини, шу жумладан нефт ва газ конларини қидириб топиш, уларни қазиб олиш, траспортировка қилиш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва маркетинг устидан назорат қилади. ЭФИМ машинасозлик ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги компанияларни бошқаради. Давлат холдинглари давлат томонидан холдинг тизим таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар олдида қўйиладиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда макроиктисодиёт тармоқлари асосан хусусий бўлиб қолди, тармоқ корхоналари уюшмалар, холдинглар ва агентликлар томонидан тартибга солинади. Республикада 10 дан ортиқ иктисодий соҳа ва 50 дан ортиқ тармоқ мавжуд. Ҳар бир тармоқ мулкчиликнинг турли шаклларидаги 20 дан то бир неча юзлаб корхоналарни ўзига бирлаштиради. Бизнесни ташкил қилиш шакллари бўйича Ўзбекистон саноат корхоналари учга бўлинади: хусусий корхоналар; масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ); акциядорлик жамиятлари (АЖ). АЖ давлат улушига эга бўлиши, давлат улушисиз ва қўшма корхоналар бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда 2000-йил 1 январ ҳолатига кўра мулкчиликнинг давлат шаклига эга бўлган 18,6 мингта корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, бу уларни умумий сонининг 10,4 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, давлат АЖ акциялари ва ҚК, МЧЖ ва ҚМЖ устав фондидаги улушларнинг эгаси сифатида кўп миллиардли активларга ҳам эгалик қилади. 2000-йил 1 апрел ҳолатига кўра республикада 2985 та АЖ ташкил этилган бўлиб, уларнинг устав фондида акциялар давлат улуши иштирок этади. Ҳозирги вақтда Ушбу АЖнинг ЯИМдаги улуши статистик бюллетенда аниқ кўрсатилмаган.

Таққослаш учун АҚШ фирмаларининг фойда олишга йўналтирилган учта асосий хилини кўриб чиқамиз: бир шахс эгалик қиладиган компания, ҳамкорлик, масъулияти чекланган ҳамкорлик ва корпорация.

Бир шахс эгалик қиладиган компания - бу бир шахсга тегишли бўлган фирма бўлиб, у фирмани бир ўзи бошқаради, барча фойдани ўзи олади ва фирманинг барча мажбуриятлари бўйича шахсан ўзи жавоб беради. Бундай компаниялар жуда кенг тарқалган. Улар асосан қурилиш индустрияси ҳамда чакана савдо соҳасига хос унчалик катта бўлмаган компаниялардир. Бир шахс эгалик қиладиган саноат компаниялари федерал ҳукуматга солиқ тўлаб, фойда келтирувчи барча фирмаларнинг 70 фоизидан кўпини ташкил қилади. Лекин бу фойда унчалик катта эмас, умумий тушумларнинг бор-йўғи 7 фоизга тенг. Шунини таъкидлаш лозимки катта миқдордаги қишлоқ хўжалиги фирмалари ҳудди шу йўсинда ташкил этилган, лекин улар статистикага киритилмаган.

Ҳамкорлик - бу икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бирлашувидир. Ҳамкорлик - бизнесни ташкил қилишнинг энг кам тарқалган шакли

ҳисобланади, у компаниялар умумий сонинг фақатгина 7 фоизини ташкил қилади. Уларнинг улуши америка бизнесидаги барча пул тушумлари ва даромадларнинг 4 фоизидан камини ташкил қилади. Ҳамкорлик бизнесни ташкил қилиш шакли сифатида кўпроқ юриспруденция, тиббиёт ва бухгалтерия соҳасида тарқалган. Мазкур соҳаларда федерал қонунлар бир касб вакилларида иборат йирик корпорацияларнинг ташкил қилинишини чегаралаб қўйган.

Масъулияти чекланган ҳамкорлик. Айрим мақсадлар - масалан, кўчмас мулк олди-сотдиси учун ҳамкорликнинг алоҳида тури, яъни масъулияти чекланган ҳамкорлик ташкил этилади, бу юқорида қайд этилган ноқулайликларни четлаб ўтиш имконини беради. Масъулияти чекланган ҳамкорлик фирма ишини ташкил қилишга жавоб берувчи ва оддий ҳамкорлик эгалариники каби мақомга эга бўлган бир неча ҳамкорларни ўз ичига олади.

Корпорация - бу корхона ташкил қилишнинг учинчи асосий шаклидир. Корпорация юридик иқтисодий объект сифатида ташкил этилган бўлиб, унда мулк иккита улушга бўлинган. Корпорация катта фирмаларни ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Америкадаги барча компанияларнинг 20 фоизидан камроғини корпорациялар ташкил қилади, лекин улар улушига барча пул тушумларининг қарийб 90 фоизи тўғри келади. Бироқ кичик корпорациялар ҳам мавжуд. Улар умумий сонининг тўртдан бир қисми йилига 25 минг доллардан кам даромад беради.

Ўзбекистонда бизнесни ташкил этиш бўйича корхоналар сонининг улуши ва ЯИМда корхоналарнинг улушининг ҳозирги аҳволи АҚШдаги 80-йиллар ҳолатига яқин. Ҳозирги вақтда республика учун йирик корхоналарни ташкил этиш фойда келтирмайди, чунки агар улар банкротликка учрашса, бундай ҳолатдан чиқиб кетиш қийин бўлади. Яхшиси кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этган маъқул, акциялаштириш чоғида ҳам буни инобатга олиш керак.

АЖ ёки корпорацияни бошқариш қуйидаги усулларда амалга оширилади: рақобат муҳитини яратиш, қонунчилик, солиқ сиёсати ва акциядорларнинг тўғридан-тўғри ҳатти-ҳаракатлари. Ўзбекистон турли тадбирларни олиб бормоқда, ушбу усуллар саноати ривожланган мамлакатлар хос бўлиб, бизда маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатларда давлат корхоналари ва корпорациялар етакчи ролни, бир шахс эгалик қиладиган фирмалар белгилаб берувчи ролни ўйнайди. Бизда ҳам давлат корхоналари ва акциядорлик корхоналари етакчи ролни, МЧЖ ва хусусий корхоналар эса белгилаб берувчи ролни ўйнай бошлади. Олдимизда мулкчиликнинг ушбу кўзда тутилган шаклларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлари ишининг самарадорлигини ошириш вазифаси турибди.

4.2 Корхона менежменти - корпоратив бошқарув: акционерлик жамиятларнинг ички бошқаруви

Корпоратив бошқарув - акционерлик жамиятларнинг ички бошқаруви 12-расмдаги схемада келтирилган. Жамиятдаги ва хориждаги истаган жисмоний ва ҳуқуқий шахс акционерлик корхоналарига сармоя киритиб акционер бўлиши мумкин ва бошқарувда иштирок эта олади. АЖларнинг олий бошқарув органи умумий мажлис ҳисобланади. Ижро бошқаруви раиси кузатув кенгаши раиси томонидан тайинланиб, умумий мажлисда тасдиқланиш услуби мавжуд. Бу ҳолат ҳар бир давлатнинг амалдаги қонуний-меъёрий ҳужжатлар ёрдамида аниқланади.


Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқариш тизимини такомиллаштириш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- мол-мулк ва акциялар давлат улушини бошқариш ҳуқуқини танлов асосида бошқарувчи компанияларга, шу жумладан хорижий компанияларга топшириш. Бунда ишончли бошқарувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарлишини шахсий мулки билан таъминлаши керак. Бундай таъминотнинг усул (гаров, неустойка, банк кафолати ва ҳ.к.) ва миқдори танлов комиссияси томонидан танланиши ва танлов шартларидан бири бўлиши лозим. Танлов ғолиби сифатида "комиссия фикрига кўра, энг асосланган танлов таклифини (ҳаракат дастурини) тақдим этган ва уни амалга ошириш учун энг яхши касбий имкониятга эга бўлган иштирокчи" эълон қилинади. Миқдорий кўрсаткичлар - масалан, даъвогар томонидан билдирилган харажатлар лимити - бўйсунувчи ролини ўйнаши керак. Агар давлат ишонилган акцияларни сотишга қарор қилса, бошқарувчи акциялар қийматининг улуши миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Ишончли бошқарувчи трастни олиш учун ҳақ тўлаши лозим. Ушбу ҳолатда у харажатларнинг энг кўп миқдорини белгилаб олиши керак.

Асосан халқ истеъмоли товарлари ва хизматлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган АЖ кераклича бошқарилишини таъминлаш учун АЖ бошқаруви раҳбарларига давлат улуши мулкани бошқариш бўйича ваколатни бошқа шахсга топширишига рухсат этилади.

- мувоффақиятли ишловчи ишончли вакиллар учун моддий рағбатлантириш турларини аниқ қилиб белгилаш лозим - бу акция учун опцион, акциялар давлат улуши бўйича олинадиган дивидендларда иштирок этиш ва ҳ.к.;



12 – расм. Акционерлик жамиятларининг ички бошқарув схемаси.

- корхоналарга молиявий менежмент ва маркетинг бўйича техник ёрдам кўрсатиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш;
- корхонани соғломлаштириш бўйича молиявий режалар ва бизнес-режаларни ишлаб чиқишда услубий ёрдам кўрсатиш;
- акциялар пакетини ажратиш йўли билан АЖ бошқарув ходимларининг самарали ишлашини рағбатлантириш.

Табиий монополиялар устидан давлат назоратини кўчайтириш зарур, улар олдида - иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарининг маҳсулотга бўлган талабларини қондириш учун қувватларнинг ўз вақтида кенгайтирилишини таъминлаш вазифаси қўйилади.

Икки томонлама ҳукумат: ушбу схемада акцияларнинг бир қисми давлат амалдорига берилади, қолган қисми эса ишончли вакилга топширалади. Акциялаштирилган йирик корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чораларни қўллаш талаб этилади:

- давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акциялар пакетини бошқарув ходимларига ажратиш;
- бошқарув ходимларини қайта тайёрлаш улар малакасини ошириш;
- бошқарувнинг илғор меъёрлари ва усуллари жорий этишда техник ёрдам кўрсатиш;

- корхона раҳбари лавозимига номзодларни тадбиркорлик лойиҳаларини танлови асосида танлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари билан давлат мулкани ишончли бошқариш учун шартномалар тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- раҳбарларнинг корхона фойдасида ва мулкида иштирок этиш тизимини ишлаб чиқиш;
- давлат мулкани самарали бошқариш ва тасарруф этиш учун жавобгарлик тизимини ишлаб чиқиш;
- ёлланма мансабдор шахсларнинг корпорация мулкани самарали бошқариш учун жавобгарлик меъёрларини қатъийлаштириш;
- акцияларнинг ишончли бошқарувга топширилишида ҳар бир номзод томонидан қуйидагиларни ўз ичига олган дастурнинг тақдим этилишини назарда тутади:
- кераксиз, такрорловчи бўлинмаларни тугатишбилан корхонани бошқаришни қайта таркиблаш, ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган филиалларга юридик мустақилликни бериш;
- бошқарув таркибини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш;
- акцияларни, кам фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган активларни сотиш (лизингга топшириш) билан молиявий қайта таркиблаш, жамият қарзларини узиш;
- акциялар котировкаларини ошириш;
- кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ўсиши асосида ижтимоий инфратузилма объектларидан олинадиган фойдани ошириш;
- танлов ғолиби қайта таркиблаш дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган инвестицияларнинг камида 20 фоизини тўплаши керак.

4.3 Акциялар давлат пакетини бошқаришнинг амалдаги схемаси

Давлат мулки давлат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита ҳисобланади, шунинг учун уни энг самарали бошқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ҳукумат қарорига кўра хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг пакетлари қуйидаги иштирокчиларга тақсимланади: давлатга, меҳнат жамоасига, хорижий сармоядорга сотиш учун ва қолган қисми эркин сотишга. Акциядорлик жамиятлари акциялари пакетларининг таркиби, бир томондан, иқтисодий усуллар билан акциялар давлат пакетини белгилаш йўли билан стратегик муҳим корхоналар устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида шакллантирилди. Амалда акциядорлик жамиятлари турли хилдаги иштирокчиларни ўзида бирлаштиради ва уларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлайди: булар бошқарув аъзолари, хизматчилар акциядорлар, кузатув кенгаши аъзолари ва ҳ.к. Акциядорлик жамиятини бошқариш - бу иштирокчиларнинг ўзаро

хамкорлиги механизми ёки тизими ва улар ёрдамида ўз манфаатларини намоён этувчи усуллардир. Бунинг учун янгитдан ташкил этилган акциядорлик жамиятларида корхонани бошқаришнинг янги тузилмалари барпо этилди, бу акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши бўлиб, улар акциядорлик жамияти ижроия органлари (жамият директорати)нинг фаолиятини назорат қилиши ва йўналишларини белгилаб бериши лозим эди. Бироқ уларнинг зиммасига юклатилган бошқарув функциялари амалда бажарилмади. Бу аввало шу билан боғлиқ эдики, кўпчилик корхоналарнинг акциялари сотилмай қолди ва ўз эгаларини топмади, чунки зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг акцияларини сотиб олишни истовчилар топилмади. Натижада акциядорлик жамиятларидаги давлат активларининг миқдори камайиб борди.

Давлат сармоясига эга бўлган акциядорлик жамиятларини бошқариш бўйича давлатнинг олдида турган учта асосий вазифани таъкидлаш мумкин: акциялар давлат пакетида камраб олинган ижтимоий мулкни шакллантириш ва кўпайтириш; компаниянинг стратегиясини аниқлаш; унинг фаолиятини назорат қилиш. Ушбу асосий вазифалар доирасида акциядорлик жамиятларида бошқариш функцияси амалга оширилиши лозим.

Давлат сармоясига эга бўлган компанияларда давлат манфаатини ким амалга ошириши керак? Давлат мулкни бошқаришнинг самарадорлиги ушбу саволнинг жавобига боғлиқ.

Худди шундай вазият бизнинг мамлакатда ҳам кузатилади, давлат акциялари пакетини бошқариш функцияси бизда ҳам давлат вакиллари - давлатнинг АЖДаги ишончли вакиллари ва бошқарувчи компаниялар зиммасига юклатилган (13, 14-расм).

Давлатнинг ишончли вакиллари уларда давлатнинг улуши 25 фоиздан юқори бўлган акциядорлик жамиятларига давлат улуши бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар тайинланади. У акциядорларнинг умумий йиғилишида ваколатли давлат вакили ҳисобланади ва акциялар давлат пакети миқдорида берилган ҳуқуқлар чегарасида ҳаракат қилади.

Давлатнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Давлатнинг ишончли вакиллари тайинлаш бўйича махсус комиссия томонидан ёки унинг топшириғига кўра Давлат мулки кўмитасининг ҳайъати томонидан танлов асосида тайинланади. Давлатнинг ишончли вакиллари номзодлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажмуалари билан келишилган ҳолда Давлат мулки кўмитаси томонидан киритилади. Бунда давлатнинг ишончли вакилликка номзодлар етарли даражада иқтисодий билимларга, раҳбарлик иши амалиётга эга бўлган ва тайинланаётган пайтда ва кўрсатилган функцияларни бажариш вақтида ушбу акциядорлик жамияти кирадиган компаниялар, корпорациялар, уюшмаларнинг ходими бўлмаган шахслар ичидан, шунингдек,

профессионал бошқарувчи компаниялар ичидан танлаб олинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тайинланган давлатнинг ишончли вакили билан акциялар давлат пакетини бошқариш учун тегишли шартномани тузади. Давлатнинг ишончли вакиллари кўпи билан бир йил муддатга тайнланади, бунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Давлатнинг ишончли вакиллари тайинлаш бўйича махсус комиссиянинг ёки Давлат мулки қўмитаси ҳайъатининг тегишли қарори билан ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

Давлатнинг ишончли вакили вазифаларига қуйидагилар киради: давлатнинг акциядор сифатидаги манфаатларини ҳимоя қилиш акциядорлик жамиятидаги мол-мулкнинг бутлиги ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш; корхонада иқтисодий ислохотларни ўтказишга, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга, менежмент ва маркетинг тизимини такомиллаштиришга ҳамда хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш; корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида замонавий технологик жиҳозлар ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши мониторингини амалга ошириш; акциялар давлат пакети бўйича дивидендлардан акциядорлик жамиятини реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш йўлида мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва бошқалар.

Давлатнинг ишончли вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга: акциядор сифатида акциялар давлат пакети миқдорига мувофиқ ўзининг барча ваколатларидан жамият устави ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш; акциядорлик жамиятининг фаолияти ҳақида молиявий-иқтисодий ва бошқа ахборотни, шу жумладан корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларни олиш. Давлатнинг ишончли вакили акциядорлик жамиятининг бошқарув ижроия органлари томонидан амалга ошириладиган жорий ишлаб чиқариш фаолиятига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас, уларнинг фаолияти қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши ва акциядорлик жамиятига ва давлатга зиён етказиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлатнинг ишончли вакили тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Комиссия ёки Давлат мулки қўмитаси билан келишилмасдан туриб акциядорлик жамиятининг бошқарув органларидаги бошқа акциядорларнинг вакили бўла олмайди.

Ўз функцияларини бажарганлик учун давлатнинг ишончли вакили тузилган шартномага мувофиқ пул мукофоти олади, унинг миқдори акциядорлик жамиятининг ҳисобот давридаги фаолияти якунларига боғлиқ.

Акциялар (улушлар) давлат пакетларини бошқариш бўйича харажатлар, шу жумладан Давлатнинг ишончли вакили фаолиятини

мукофотлаш харажатлари акциялар (улушлар) давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобидан, иқтисодий ночор корхоналардан эса давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келиб тушадиган умумий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатнинг ишончли вакили фаолиятини қўшимча мукофотлаш акциядорлик жамияти томонидан жамият Кузатув кенгашининг аъзоси (раиси) сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Бошқарувчи компаниялар ҳақида низом бошқарувчи компанияларга ва улар томонидан инвестиция активларининг ишончли бошқарилишига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради. Қимматли қоғозлар ва инвестиция фондлари ҳамда хусусийлаштириш инвестиция фондларининг мол-мулкига кирувчи қимматли қоғозларга инвестициялар маблағларини ишончли бошқариш тартиби ва шартлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача шартлар белгиланган бўлмаса, мазкур Низом билан белгиланади.

Инвестиция активларини ишончли бошқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида бошқарувчи компания лицензиясини олган тижорат ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Бошқарувчи компаниянинг муассиси сифатида юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, давлат улушига эга бўлган корхоналар бундан мустасно. Бошқарувчи компания уставида уни фаолиятининг алоҳида тури инвестиция активларини ишончли бошқариш ҳисобланади деган қоида мавжуд. Бошқарувчи компания у бошқарадиган инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдоридаги моддий активларга эга бўлиши керак.

Мазкур Низомга мувофиқ (инвестиция активларини) ишончли бошқариш объектлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлари, шу жумладан ишончли бошқарув ҳақида шартнома тузилаётган вақтда давлат мулки таркибида бўлган қимматли қоғозлар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончли бошқарув ҳақида шартнома тузилаётган вақтда давлат мулки таркибида бўлган улушлари (пайлари);

- қимматли қоғозларга инвестициялаш учун мўлжалланган ва муассис томонидан ишончли бошқарувчига бошқариш учун топширилган пул маблағлари;

- ишончли бошқарувчи томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини божариши натижасида олинган пул маблағлари ва қимматли қоғозлар.

Фукаролик ҳуқуқининг исталган бошқа объектлари инвестиция активлари ҳисобланмайди ва мазкур Низом талабларига кўра амалга ошириладиган ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом ушбу акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади (12-расм).

Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва уставда акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалаларнинг ҳал этилиши бундан мусъасно. Овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони ўттизтадан кам бўлган жамиятда Кузатув кенгашининг функцияси жамият уставида акциядорлар Умумий йиғилишининг зиммасига юклатилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жамият уставида акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш масаласини ҳал этиш ваколатига эга бўлган муайян шахс ёки жамият органи ҳақида кўрсатма бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Оддий ёки бошқа овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони 500 дан ортиқ бўлган очик акциядорлик жамияти учун Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби етти кишидан, оддий ёки бошқа овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони 1000 дан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонуни 92-моддасининг ўн биринчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

- акциядорлар Умумий йиғилишига кўриб чиқиш учун жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш ва жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

- акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан ёки эълон қилинган акциялар сони ва турлари чегарасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фонди миқдорини ошириш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

- облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш, агар жамият уставида бошқача ҳолат кўзда тутилган бўлмаса;

- жамиятнинг ижроия органини ташкил қилиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳ.к.), унинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш, агар жамият уставида унга шундай ваколат берилган бўлса;

- акциядорлик жамияти номидан ижроия органнинг раҳбари (Бошқарув раиси, директри)ни ва коллегиял ижроия орган (Бошқарув, Дирекция) аъзоларини ёллаш ҳақида бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш;

- йиллик бизнес-режаларни тасдиқлаш, агар жамият уставида ушбу масалани ҳал этиш унинг ваколатига киритилган бўлса ёки акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан ушбу масалани ҳал этиш унга топширилган бўлса;

- ижроия органига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш, агар жамият уставида бу унинг ваколатига киритилган бўлса;

- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчига) тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар киритиш ва аудитор хизматлари ҳақининг миқдорини белгилаш;

- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар киритиш;

- жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамият ижроия органи фаолиятига тааллуқли исталган ҳужжатлардан тўсқинликларсиз фойдаланиш, Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун ижроия органдан ушбу ҳужжатларни талаб қилиш;

- жамият ижроия органи раҳбарининг йиллик бизнес-режанинг бажарилиши ҳақидаги ҳар чораклик ҳисоботини тинглаш, яккабошчилик асосидаги ижроия орган, коллегиял ижроия орган раҳбари, ташкилот бошқарувчиси ёки бошқарувчи томонидан қўпол хатоларга йўл қўйилганда ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши бузилганда улар билан шартномани муддатидан олдин тугатиш;

- яккабошчилик асосидаги ижроия орган (директор), коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) раҳбари, ташкилот бошқарувчиси ёки бошқарувчи томонидан шартнома шартлари бузилганда улар билан тузилган шартномани тугатиш, агар жамият уставида унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса.


Жамият Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар жамият ижроия органига ҳал этиш учун ўтказилиши мумкин эмас.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонун ва жамият уставида кўзда тутилган тартибда акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чексиз қайта сайланиши мумкин. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашини исталган аъзосининг (барча аъзоларнинг) ваколати муддатидан олдин тугатилиши мумкин.


Акциялар давлат пакетининг амалдаги бошқарувчи компанияси (ишончли бошқарувчи)нинг схемаси қуйидаги тарзда тузилган. Давлат

мулки қўмитаси бир томондан ва тармоқ бошқарув органи (ишончли бошқарувчи) номидан унинг Раиси иккинчи томондан акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялари пакетини ишончли бошқариш учун топшириш ҳақида шартнома тузади (давлат пакети жойлаштирилмаган активлар). Ўз функцияларини амалга ошириш учун ишончли бошқарувчи ходимлар сафидан ёки меҳнат шартномасига кўра ёлланган шахслардан ваколатли вакилларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Бунда мажбуриятларнинг тўлиқ, самарали ва ўз вақтида бажарилиши учун ишончли бошқарувчининг ўзи жавобгардир. Ҳар бир ваколатли вакилга бир, икки, уч ёки тўрттадан акциядорлик жамияти тўғри келади.



13 – расм. Республика тармоқ бошқарув органларига эга АЖлардаги давлат акция улушини бошқариш схемаси.

Тармоқ бошқаруви органларига кирмайдиган акциядорлик жамиятлари билан бошқарувчи компаниялар (ишончли бошқарув) шартномалари Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари билан тузилади. Мазкур акциядорлик жамиятларида акциялар давлат пакетлари ушбу акциядорлик жамиятларининг ўзларига топширилган. Агар уларнинг қошида шўъба корхоналар мавжуд бўлса, у ҳолда асосий акциядорлик жамиятидан ваколатли вакиллар тайинланади.



14 –расм. Худудий бошқарувга эга тармоқ бошқарув органларига эга АЖлардаги давлат акция улушини бошқариш схемаси.

4.4 Корхоналарни бошқаришнинг республика ва минтақавий органлари фаолиятининг қиёсий натижалари


Ўзбекистонда ҳам, худди МДХнинг бошқа мамлакатларидаги каби, кўплаб хусусийлаштрилган корхоналар қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда, уларнинг ичида корхонани бошқаришнинг самарадорлиги масаласи энг долзарб бўлиб қолмоқда. Микроиқтисодиётни эркинлаштириш кўп жиҳатдан корхонани, шу жумладан акциядорлик жамиятини бошқаришнинг ривожига боғлиқ. Республика ЯИМда улар катта рол ўйнайди. АЖни бошқариш республика ва минтақавий органлар томонидан амалга оширилади. Қуйида АЖни бошқаришнинг республика ва минтақавий органлари фаолиятининг қиёсий натижалари келтирилган. Мамлакатимиз иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бир вақтнинг ўзида ҳам акциядор, ҳам тартибга солувчи институт сифатида иштирок этади. Ўзбекистонда 50 дан ортиқ компания, холдинг, концерн ва агентликлар республика *бошқарув* органларига эга, улар йирик ва ўрта бизнеснинг асосий корхоналарини (яъни АЖларни) бирлаштиради. Иқтисодиётнинг эркинлашуви ва мавжуд КЎБ субъектлари ўртасида рақобатни ривожлантириш мақсадида корхоналарни бошқарувчи республика органларининг сонини камайтириш керак. Қиёсий таҳлил қуйидаги диаграммаларда кўрсатилган.

АЖни бошқариш республика органларининг ижобий хусусиятларига куйидагилар киради: тармоққа давлатнинг янги чиққан тартибга солувчи қонунчилик-ҳуқуқий меъёрларини жорий этишнинг анча осонлиги; тармоқларда импорт-экспорт ва инвестицион иқтисодий сиёсат ишларини олиб боришнинг қулайлиги ва самарадорлиги ва бошқалар.

Салбий хусусиятлар: товар-хомашё бозори монопол эгаллаб олинган, бу иқтисодий соҳада рақобатни самарали ривожлантиришга тўсқинлик қилади ва бошқалар.

АЖни бошқариш минтақавий органларининг ижобий хусусиятлари: корхона ўз фаолияти йўналишларини белгилаб олиши учун иқтисодий эркинликка эга бўлиш имконияти; иқтисодий соҳада рақобат ривожланади ва бошқалар.


АЖни бошқариш минтақавий органларининг салбий хусусиятлари: бозор муносабатларининг яхши ривожланмаганлиги; тармоқларда импорт-экспорт ва инвестицион иқтисодий сиёсатни олиб боришдаги қийинчиликлар ва бошқалар.



15 – расм.


15-расмдан кўриниб турибдики, минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари йиллар бўйича динамик ўсишга эга. Тушум кўрсаткичлари юқори бўлишига қарамай соф фойда ва дивидендлар секин ўсмоқда.

16-расмда республика бошқарув органлари (РесБО) ва минтақавий бошқарув органлар (МинБО) ўртасидаги қиёслама ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган. Келтирилган иқтисодий кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, минтақавий бошқарув органига эга бўлган корхоналар сони нисбатан кам. Қарздорлик ва ишлаб чиқариш ҳажми республика бошқарув органларига эга бўлган корхоналарда минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналардагига қараганда анча юқори. Жойлаштирилмаган акциялар минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналарда кўпроқ, чунки уларда иқтисодий алоқалар яхши ривожланмаган.



16 – расм.

РесБО ва МинБО корхоналарининг молиявий киёсий курсаткичлари



17 – расм.

Минтақавий бошқарув органларига эга бўлган ва республика бошқарув органларига эга бўлган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари 17-расмда келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, республика бошқарув органларига эга бўлган корхоналарда тушум, харажатлар ва солиқлар анча юқори, соф фойда ва дивидендлар эса анча кам. Минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналарда тушум, харажатлар ва солиқлар нисбатан кам, соф фойда ва дивидендлар эса республика бошқарув органларига эга бўлган корхоналардагига анча яқин. Демак минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналар тушумни кўпайтириш ва харажатларни камайитириш эвазига юқори натижаларга эришиши мумкин. Иқтисодий алоқалар ва коммуникацияларни ривожлантириш, хомашё ресурслари билан

таъминлашни яхшилаш, кредитлаш (инвестициялаш)ни ривожлантириш йўли билан минтақавий бошқарув органларига эга бўлган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш мумкин, улар яхши имкониятларга эга бўлиб, нисбатан самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республика бошқарув органларини камайитириш ҳисобидан корхоналарни бошқаришнинг минтақавий органларини кўпайитириш микроиқтисодиётнинг эркинлашувини ривожлантирибгина қолмай, балки мавжуд КЎБ корхоналари учун рақобат муҳитини ҳам яратади, бу эса мамлакатимизда макроиқтисодиётнинг самарали ривожланишига шароит яратади.

5-боб. Корхоналарнинг инвестицион фаолияти

5.1 Халқаро бизнесда қўшма тадбиркорлик фаолиятининг асосий шакллари

Ялпи таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, биз иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган қўшма бизнесни амалга оширишнинг халқаро амалиётда анча кенг тарқалган шакллари ҳақидаги маълумотларни тизимга солишга (системалашга), шунингдек, ушбу шаклларнинг ҳар бирига хос бўлган асосий хусусиятларни аниқлашга уриниб кўрдик.

Ушбу муаммони таҳлил қилишнинг асосий усули бўлиб, назаримизда, қўшма тадбиркорликнинг пайдо бўлиши мумкин бўлган асосни аниқлаш ҳисобланади. Бизнингча, қўшма бизнеснинг турли шакллари халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ривожининг натижаси сифатида кўриб чиқиш лозим.

Барчага маълумки, кооперация алоқалари ҳам ички фирма, ҳам фирмалараро хусусиятга эга. Ички фирма кооперацияси жараёнида ишлаб чиқариш алоқалари филиаллар ўртасида, бош компания ва йирик корпорациялар таркибига кирувчи бошқа фирмалар ўртасида юзага келади. Фирмалараро кооперация эса бундай алоқаларнинг жаҳонни турли мамлакатларидаги ҳамкорлар иштирокида халқаро миқёсда ўрнатилишини назарда тутди. Таъкидлаш керакки, фирмалараро кооперацион алоқалар ҳам шартнома асосидаги, ҳам техник асосидаги келишувлар билан амалга оширилиши мумкин. Шартномали ихтисослашув алоҳида қисмларни кейинчалик компаньонлар корхоналарида йиғиш билан ишлаб чиқаришни ва алмашишни назарда тутди. Бу ишлаб чиқариш, технологик таъминот ва сотиш масалалари шартларини белгилашга тааллуқли барча соҳаларда фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини кўзда тутди. Биринчи навбатда, илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси технологик ихтисослашув асосида юзага келади ва у қўлланилганда маҳсулотни барпо этиш циклининг барча босқичларида технологик алоқа шаклланади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси халқаро иқтисодий муомаланинг анча тараққий этган ва замонавий шакли ҳисобланади ва у

Ўзининг ривожланиш жараёнида қўшма бизнесни ташкилий шакллариининг турли кўринишларини келтириб чиқаради.

Қўшма тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг анча кенг тарқалган шаклларида бири халқаро амалиётда кенг ривож топган эркин иқтисодий ҳудудлар ҳисобланади. Бундай ҳудудларни барпо этиш муаммолари ва улар фаолият кўрсатишиининг ўзига хос хусусиятлари олимларнинг муаллифлик ишларида ҳам, даврий нашрларда ҳам кўп маротабалаб кўриб чиқилган. Фақатгина "Вопрос экономики" ва "Российский экономический журнал" каби оммабоп нашрларда сўнгги вақтда ушбу муаммога боғишланган қатор илмий мақолалар чоп этилди. С.Манежевнинг фикрича, "эркин иқтисодий ҳудудларнинг кенг тарқалиши сўнгги бир неча ўн йиллар ичида халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётидаги энг муҳим институционал янгиликлар сирасига киради". Шунингдек, Л.Васильев, С.Приходько, Н.Трошин, И.Райкин, америкалик иқтисодчилар М.Фразьев, Р.Рэй ва бошқа кўплаб олимлар ҳам бундай ҳудудларни барпо этишни алоҳида ҳудуд ва минтақалар иқтисодиёти ривожининг амалий ва истиқболли йўналиши сифатида баҳолайди. Эркин тадбиркорлик ҳудудлари нима ва ушбу муаммога иқтисодиётчиларнинг бунчалик қизиқишига нима сабаб?

Мутахассислар томонидан қабул қилинган умумий таърифга кўра эркин тадбиркорлик ҳудудлари деганда ҳукумат томонидан хорижий ҳамкорларга бериладиган экспортга йўналтирилган, алоҳида ажратилган ҳудудлар тушунилади. Бунда ушбу ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш, савдо ва илмий фаолиятни фаоллаштиришга кўмаклашувчи қатор иқтисодий имтиёзлар киритилиши орқали махсус режим жорий этилади, бунинг натижасида, В.Бабенцева ва Х.Валиулин таъкидлаганидек, иқтисодий муҳитнинг қаршилик кўрсатиши пасаяди, бу "иқтисодий ҳудуд" атамасида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий адабиётда ушбу тузилмани ифодаловчи кўплаб атамалар учрайди. Халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида фойдаланиладиган расман тан олинган атама - СЗПЭ, яъни "экспортни рағбатлантиришнинг эркин ҳудуди". Қўшма тадбиркорлик ҳудудлари барча турларини битта умумий ном билан бирлаштириш уларнинг стратегик ва ташкилий ўхшашлигини аниқлаш имконини беради, бу, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан иборат:

- ўзининг алоҳида ажратилганлиги туфайли, бундай ҳудудлар доирасида мамлакатнинг қолган ҳудудларида амал қилувчи иқтисодий меъёрлар ва чекловлар амал қилмайди;

- ўзининг у ёки бу мамлакатга тегишлилиги туфайли, ушбу ҳудудлар "эркин" бўлишига қарамай давлат томонидан тартибга солинади.

Бундай ҳудудлар дастлаб ғарбий Европада, Ирландияда 50-йилларнинг сўнгида пайдо бўлди. Ўша вақтдан бошлаб улар бутун жаҳонда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда анча кенг тарқалди, бу, даставвал, мазкур давлатларнинг иқтисодий сиёсати билан боғлиқ, унинг

асосида олтмишинчи йилларнинг охирида импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришдан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни назарда тутувчи "ривожланишнинг ташқарига йўналтирилган стратегияси" ётади. Экспортни рағбатлантиришнинг эркин ҳудудлари ушбу жараёнга ижобий улуш қўшди ва маълум маънода ривожланаётган мамлакатларнинг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишини таъминловчи оралик қадам бўлди.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг бир неча хиллари мавжуд. Иқтисодий адабиётдаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда, уларни ташкил этиш ва ривожланиши тамойилига кўра эркин иқтисодий ҳудудларнинг учта асосий хилини ажратиш мумкин.

Биринчи хил - бу экспорт саноати ҳудудлари. Ушбу шакл майдони катта бўлмаган ҳудудларда халқаро талабларни қондирувчи инфратузилманинг ташкил этилишини назарда тутди. Бундай ҳудудлар ахборот транспорт сервисига ва уларда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни жойлаштириш учун зарур бўлган бошқа зарур хизматларга эга бўлиши керак. Бу хилдаги ҳудудларнинг ривожланиши натижасида юзлаб кичик корхоналарга эга бўлган қатор саноат парклари ташкил этилади, бу, ўз навбатида, ҳам ушбу давлат томонидан, ҳам хорижий ҳамкорлар томонидан катта миқдордаги сармоялар киритилишини талаб қилади.

Иккинчи хил - эркин савдо ҳудудлари. Уларни барпо этиш экспорт саноати ҳудудларидан фарqli равишда йирик инвестицияларни талаб қилмайди, чунки улар мавжуд портлар ва аэропортларда ташкил этилади. Мамлакатга товар киритилаётганда божхона божи ундирилмайди ва ушбу қоида келтирилган товарлар мамлакатда бўлган вақт мобайнида амал қилади.

Учинчи хил - эркин тадбиркорликнинг ялпи ҳудудлари, улар қўшма ишлаб чиқаришнинг хорижий ва миллий иштирокчилари учун хўжалик юритишнинг имтиёзли режими киритилган махсус ажратилган ҳудудни ўзида намоён қилади. Ишлаб чиқариш ҳудудларидан хўжалик юритишда фойдаланиш махсус ташкил этиладиган компания томонидан амалга оширилади, ушбу компания аралаш хусусиятга эга.

Турли хилдаги ҳудудларнинг функционал мақсади шундан иборатки, улар миллий минтақада "жаҳон бозорининг оролчаси" сифатида хизмат қилиши ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга, янги технологияларнинг келиб тушушига, қўшимча иш ўринларининг яратилишига, шунингдек, мазкур ҳудудда жойлашган корхоналарнинг ушбу мамлакат миллий иқтисодиёти билан хўжалик алоқаларининг ўрнатилишига ва кенгайтилишига кўмаклашиши керак. Кўриниб турибдики, қўшма тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этишдан кўзланган мақсадлар ғоят истиқболли ва ўзининг миллий ҳудудида бизнеснинг бундай шаклини ташкил этишга қарор қилган мамлакатлар учун катта иқтисодий устунликларни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ тажрибалар шундан

далолат бермоқдаки, бундай ҳудудлар ҳар доим ҳам самарали фаолият кўрсатавермайди. Жаҳонда мавжуд эркин иқтисодий ҳудудлардан, уларнинг сони 200дан ортиқ, фақат 30 таси ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли деб тан олинган, қолганлари эса зарар кўриб ишламоқда. Буни бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин: иқтисодий ривожланиш шароитида ҳамкорлик қилувчи томонлар ўртасидаги алоқаларнинг узулиши, уларни ташкил этиш учун зарур бўлган сармоя ва ресурсларнинг кўп сарфланиши ва ҳ.к. Масалан, Хитой тажрибаси шуни кўрсатдики, эркин иқтисодий ҳудудга 1 АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияни жалб этиш учун 6-7 юань миллий валютани сарфлаш зарур бўлади.

Қўшма тадбиркорлик фаолиятининг халқаро бизнесда кенг тарқалган навбатдаги шакли аралаш жамиятлар ёки қўшма ҳўжалик бирлашмалари ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда аралаш жамиятларнинг турли хиллари кўриб чиқилади. Шулардан энг кўп тарқалган турлари жумласига қўшма ташкилотлар, халқаро бирлашмалар ва қўшма корхоналарни киритиш мумкин.

Қўшма ташкилотлар, одатда, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик соҳасида ҳамкорлик қилишга қарор қилган жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ҳамкорлар билан ушбу фаолиятни амалга ошириш учун ташкил этилади. Қўшма ташкилотлар тижорат тузилмалари ҳисобланмайди ва ҳамкорлар ўртасидаги муносабатлар товар хусусиятига эга эмас. Бу умумий тамойил, шунга қарамай, бундай ташкилотлар билан инжинеринг, консалтинг ва бошқа хизматларни шартнома асосида бажариш имконияти ҳам истисно этилмайди. Қўшма ташкилотлар ҳўжалик фаолияти билан шуғулланмасликлари боис, уларни молиялаштириш иштирокчиларининг бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу ташкилотларнинг асосий маҳсулоти мумкин қадар қайта ишланган ахборот ҳисобланади, бунга фан-техника ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, лойиҳавий ва техник ҳужжатларни, илмий ҳисоботларни, социологик тадқиқотлар натижаларини ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Умуман, қўшма бизнесни ташкил этишнинг бундай шаклини ҳамкор мамлакатлар ўртасида ахборот алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро илмий-техникавий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин.

Халқаро бирлашмалар иқтисодиётнинг турли соҳаларида кооперация бўйича ҳамкорларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади. Бунда иштирокчиларнинг мулки бирлаштирилмайди. Халқаро бирлашмалар, одатда, ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг маълум соҳаларида қўшма ҳамкорлик ишларини ташкил этиш билан шуғулланишади. Молиялаштириш ҳамкорларнинг ушбу мақсадлар учун махсус ташкил этилган Халқаро бирлашма фондига ҳар йиллик бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу шаклда қўшма бизнесни ташкил қилиш ишбилармон ҳамкорлар томонидан фан-техника алмашувини самарали амалга ошириш учун фойдаланилади.

Алмашув технологик хизматлар билан амалда танишиш мақсадида янги техника намуналарини сотиб олиш, экспертлар маслаҳатлари, биргаликда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари билан алмашиш, шунингдек, бундай ўзаро ҳамкорликнинг бошқа истиқболли вариантлари шаклида амалга оширилади.

Ва, ниҳоят, жаҳон иқтисодиётида қўшма бизнесни ташкил қилишнинг энг тарқалган шакли - бу қўшма корхоналар бўлиб, уларнинг ташкил этилиши ушбу мамлакатлардаги ҳамкорларнинг мулкани бирлаштириш асосида маълум бир хўжалик фаолиятини амалга оширишни назарда тутди. Қўшма тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ, қўшма корхоналарда ўзаро ҳамкорлик қўшма корхона ихтиёридаги мавжуд ресурсларга биргаликда эгалик қилиш, фойдаланиш ва тарқатиш асосида амалга оширилади. Халқаро бизнесда қўшма корхоналарнинг бир неча турлари мавжуд. Улар ичида энг кўп тарқалган турлари акциядорлик ва контракт фирмалари ҳисобланади.

Акциядорлик қўшма корхоналар шу билан тавсифланадики, уларда устав фонди иккала ҳамкорнинг пулли улушлари ҳисобидан шаклланади. Бунда, киритилган сармоя улушига қараб ҳамкорлардан бири мажоритар (агар улуш 50 фоиздан ортиқ бўлса), паритет (агар ҳамкорларга акциядорлик сармоясининг тенг улушлари тегишли бўлса) ва монетар (ҳамкорлардан бирининг қўлида фирманинг 50 фоиздан кам сармояси бўлса) иштирок этиши мумкин. Даромадларга келсак, қўшма ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинadиган фойда ҳар бир иштрокчининг улушига мутаносиб равишда тақсимланади. Турли хилдаги зарарлар ва хатарлар билан ҳам ҳудди шундай ҳолат юз беради.

Контрактли қўшма корхоналар шуни назарда тутдики, бундай фирмалар фаолияти билан боғлиқ масалалар шартнома шартлари билан белгиланади ва, одатда, киритилган сармоянинг улушига боғлиқ эмас. Бундай корхонанинг устав фонди қўшма келишув бўйича ҳар бир ҳамкорнинг имкониятлари ва манфаатларини энг фойдали ҳисобга олиш асосида шаклланади. Бунда, томонлардан бири ўз улуши сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи, бино, иншоот ва ресурсларни, иккинчи томон эса технология, асбоб-ускуна ва пул маблағларини киритиши мумкин. Фойда ва хатарларни тақсимлаш шартлари контрактда алоҳида кўрсатилади.

Ҳамкорлик қилишнинг турли шакллари тизимидан қўшма корхоналарни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган қатор хусусиятлар мавжуд. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ишлаб чиқаришни молиялаш, олди-сотди, хизматлар кўрсатиш соҳаларида узоқ муддатли вазифаларда томонлар ўртасидаги келишувларнинг мавжудлигини; активлар, яъни пул маблағлари, жиҳозлар, технология, бошқарув тажрибасини бирлаштириш, шунингдек, фирма вазифаларини мустақил бошқарув органлари орқали амалга ошириш, уларнинг таркиби тегишли шартнома билан аниқланади. Одатда, бошқарувнинг ташкилий таркиби олий, ижроия ва назорат органларини ўз ичига олади.

Олий бошқарув органи аралаш жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш билан шуғулланади ва ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб, уни ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиққан ҳолда, жуда кенг ваколатларга эга. Ижроия органи жорий фаолиятга бевосита раҳбарлик қилади. Унинг ваколоти тегишли устав билан белгиланади ва у, бир йилда 1-2 марта йиғиладиган (мажлис ўтказадиган) олий органдан фарқли равишда, доимий равишда фаолият кўрсатади. Шунингдек, назорат органи ҳам мавжуд бўлиб, унинг зиммасига қўшма корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қилиш вазифаси юклатилади. Назорат органини ташкил қилиш тартиби, унинг таркиби ва ваколоти фирманинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қўшма тадбиркорлик фаолиятининг анъанавий шаклларида ташқари кўпроқ назорат муносабатларига асосланган ва акциядорлик мулкidan фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган янги шакллар жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, тез ривожланиди. Шулар ичида бошқарув контрактлари, лицензиялаш, техник хизматлар ва маркетинг хизматлари кўрсатиш, халқаро субконтрактлар асосида пудрат ишлаб чиқаришини таъкидлаш мумкин. Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги шериклар билан ҳамкорлик қилишнинг бундай вариантларини ҳам, бизнингча, қўшма тадбиркорлик фаолиятига киритиш мумкин. Кўриб турганимиздек, бундай ўзаро алоқаларнинг шакллари ғоят хилма-хил ва уларнинг бирини иккинчисидан чегаралаш кўпинча қийин бўлади, чунки улардан, одатда, бир вақтнинг ўзида фойдаланлади ва улар бир-бири билан ўзаро узвий боғланган. Уларни халқаро бизнесда қўллаш кўпинча хорижий инвестициялашнинг анъанавий шакллари тўлдирди. Контракт муносабатлари нима?

Лицензиялаш йирик хорижий фирмалар томонидан қабул қилувчи мамлакатлар товар ишлаб чиқарувчиларига ишлаб чиқариш жараёни, "ноу-хау", савдо сири, патентдан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир тўлов эвазига контракт асосида берилишини назарда тутди. Бунда, лицензия берувчи фирма ҳамкор мамлакатлар бозорига энг кам хатар билан чиқиш имкониятини қўлга киритади, миллий корхоналар эса, ўз навбатида, нолдан бошлашига тўғри келмайди, чунки улар дарҳол маълум бир тажрибага, яхши танилган товарга, зарур технологияга ёки ўзини жаҳон бозорида кўрсатган номга эга бўлишади, бу, сўзсиз, мамлакатга катта фойда келтиради.

Сўнгги вақтда турли хилдаги: бошқарув, техник, халқаро маркетинг соҳасида ва бошқа хизматлар кўрсатиш каби қўшма бизнес шакллари аҳамияти ортиб бормоқда. Контракт бўйича бошқарувда фирма хорижий ҳамкорга бошқарув соҳасида "ноу-хау" тақдим этади. Бунда фирма товарни эмас, балки бошқарув хизмати экспорт қилади. Маркетинг контрактларига келсак, улар бошқарув хизматлари кўрсатиш бўйича шартномаларга жуда ўхшаш ва қабул қилувчи мамлакатлар товар ишлаб

чиқарувчиларини халқаро маркетингга жалб этишнинг оддий йўлларида бири ҳисобланади. Техник ёрдам кўрсатиш бўйича шартномалар, ўз навбатида, ушбу фирма фаолиятининг қандайдир махсус соҳасига дахлдор бўлган техник хизматларнинг маълум турини ўзида намоён қилади. Бу замонавий технологиядан фойдаланиш, ишлаб чиқариш сирлари, янги жиҳозни ўрнатиш бўйича маслаҳатлар бўлиши мумкин. Консалтинг ва инженеринг хизматларидан фойдаланишнинг бундай вариантлари хорижий мамлакатлар билан мустақкам алоқалар ўрнатиш жараёнида ғоят истиқболли ҳисобланади.

Халқаро субконтрактлар фирмалараро кооперацион алоқаларни ривожлантиришнинг замонавий шаклларида бири сифатида хорижий фирмалар томонидан қабул қилувчи мамлакат корхоналарига ўзлари тақдим этган технологиядан фойдаланган ҳолда маҳсулот қисмлари ёки якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш учун буюртмалар берилишини назарда тутаяди, бу хорижий ҳамкорларга қабул қилувчи мамлакатлар бозорида ўз фаолиятини тезда йўлга қўйиб олиш имконини беради ва ушбу ҳолат қўшма бизнесда иштирок этувчи ҳар бир ҳамкор учун фойдали ҳисобланади.

Замонавий халқаро амалиётда контракт муносабатларининг юқорида қайд этилган шаклларида фойдаланиш қабул қилувчи мамлакатларга кўп фойдалар олиш имконини беради, чунки, бунда, уларга энг зарур бошқарув тажрибаси, технология, шунингдек, техник билимларга эга бўлиш имконияти берилади. Қўшма бизнесни ташкил қилишни ушбу шаклларида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланишдан фарқли равишда, асосий устунликлари, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, уларни қўллаш қабул қилувчи мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти устидан хорижий назоратни анча чегаралайди ва у катта моддий харажатлар билан боғлиқ эмас.

Шундай қилиб, биз жаҳон иқтисодиётида амал қилаётган қўшма тадбиркорлик фаолиятининг асосий шаклларида қисқача таъриф бериб ўтдик. Ўзбекистонда қўшма тадбиркорликнинг ривожланишига келсак, юқорида қайд этилган шакллар ичида республикада қўшма корхоналарнинг турли хиллари, кўпроқ контракт шакллари кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда республикада Ўзбекистон миллий хўжалиги ривожининг муҳим манбаларидан бири сифатида қўшма тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бундан ташқари, келажакда, Ўзбекистон Республикасида самарали минтақавий ривожланишнинг шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарга асосланган қўшма тадбиркорлик ҳудудларининг айрим турларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, катта миқдордаги дастлабки капитал қўйилмаларни талаб қилмайдиган ҳудудларни барпо этишга эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, дастлабки босқичда уларнинг сони кўп бўлмаслиги ва улар Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги нисбий устунлигини

таъминлашга йўналтирилиши керак. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қўшма бизнеснинг турли шакллари ривожланган ҳолда, ушбу йўлни бошдан кечирган мамлакатларнинг бой тарихини инобатга олиш зарур, бу, ўз навбатида, қўплаб қўнгилсиз хатолар ва оқибатларнинг олдини олиш имконини беради. Ушбу мақсадда қўшма тадбиркорлик фаолияти турли шаклларининг қабул қилувчи давлатлар миллий иқтисодиёти билан ўзаро ҳамкорлик қилиши вариантларини ўмумий кўринишда ва муайян олинган мамлакатларда бундай ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши мисолида таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Қўшма тадбиркорликнинг халқаро бизнесдаги ролини белгилаб берувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- қўшма тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантириш ёрдамида алоҳида олинган давлат иқтисодиётини жаҳон хўжалик тизимига жалб этиш юз беради;

- халқаро бизнесда қўшма тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларида ишлаб чиқариш кўламларини ва сармоя жамғаришни тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилади;

- қўшма бизнесни ташкил қилиш самарасиз тармоқларни барпо этишга имкон бермаган ҳолда, у ёки бу мамлакат миллий иқтисодиётининг тармоқ таркибини шакллантиришда халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларидан фойдаланишга имкон беради;

- қўшма бизнес жаҳон илмий-техник тараққиётининг миллий иқтисодиётга таъсирининг муҳим тармоғи ҳисобланади, бу таъсир технологик ва ахборот алмашуви, консалтинг, инжинеринг ва бошқа хизматлар кўрсатиш, бошқарув тажрибасини ўзлаштириш орқали амалга оширилади;

- қўшма тадбиркорликнинг ривожланиши ҳар бир давлатда мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради;

- жаҳон иқтисодиётида қўшма тадбиркорлик фаолияти турли шакллариининг фаолият кўрсатиши турли мамлакатларнинг халқаро иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Кўпчилик давлатлар миллий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини учун туртки бўлишига, маҳаллий иқтисодиётга хорижий сармояни жалб қилишига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот экспортини кенгайтириш имконини беришига умид қилган ҳолда ривожланган мамлакатлардаги ҳамкорлар билан қўшма бизнесни ташкил қилишда иштирок этишади. Бунда, қабул қилувчи мамлакатлар хорижий тадбиркорнинг сармоясига нисбатан сиёсатни анча эркинлаштирган ҳолда, ўзларининг хорижлик ҳамкорларига катта қулайликлар яратишади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ривожланган хорижий фирмалар билан рақобатга дош бера олмаслиги туфайли бу ерда ушбу мамлакатларнинг миллий хўжалиги учун жиддий хавф туғилиши мумкин, бу эса, охир оқибатда, миллий ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига олиб келади. Шунинг учун, хорижий инвестицияларга эркинлик бера туриб, қабул қилувчи мамлакатлар

худудида чет эл сармоясининг ҳаракатини тартибга солиш бўйича давлат назорати чораларини ўзида мужассамлаштирган миллий иқтисодиётни ҳимоялаш механизмини яратиш лозим. Қўшма тадбиркорликнинг ушбу мамлакатлар давлат хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ.

5.2 Мамлакатимиз ва хорижий инвестицияларни жалб этиш: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг таҳлили ва уларнинг ривожланиш истиқболлари

Ҳозирги вақтга келиб республикада 3800 дан ортиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ташкил этилган, республикага жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми қарийиб 12 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Шу билан бирга хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармояни оқиб келишининг ижобий ва салбий ҳолатларини таъкидлаб ўтиш зарур: биринчидан, хорижий инвестициялар стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган; иккинчидан, улар янги технологияларни келтириб, ишлаб чиқаришни замоналаштиришга кўмаклашади; учинчидан, реал инвестициялар билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар етарлича барқарорлиги билан ажралиб туради; тўртинчидан, ишлаб чиқариш, молия, маркетинг соҳасида бошқарувнинг илғор тажрибалари алмашинади; бешинчидан, миллий маҳсулотнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ошади; олтинчидан, давлат активларини сотишдан олинadиган даромадлар давлат бюджетини тўлдиради. Хусусийлаштиришнинг ушбу жараёнида хорижий сармоядорлар нафақат ташкил этилаётган қўшма корхонанинг устав фондига маблағларни тўғридан-тўғри қўйиши, балки хусусийлаштирилаётган корхона акцияларининг давлат пакетини ёки объектни бутунлай ўз ихтиёрига сотиб олиши ҳам мумкин.

Хорижий *инвестициялар* иштирокидаги корхоналарнинг ҳозирги ташкилий-ҳуқуқий таркиби қуйидагича: мулкида давлат улуши бўлган қўшма корхоналар; юз фоизли хорижий сармояга эга бўлган хорижий корхоналар; бош корхоналари республика ташқарисида бўлган шўъба корхоналар ва филиаллар; республика худудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари ва филиаллари.

Хорижий *инвестицияларни* жалб этишдаги мавжуд муаммолар ва уларни чегараловчи омиллар қуйидагилардан иборат: кўпчилик АЖ ва компаниялар инвестицион жозибадорликни яратишни устувор вазифа сифатида қабул қилишмайди; кўпинча улар акциядорлар билан ўзаро ҳамкорликнинг жаҳонда умумий қабул қилинган қоидаларини бузган ҳолда ўзлари юритадиган сиёсат билан корхоналарга зарар келтиришади; менежментлар ва эмитент-корхоналар акциядорлари ўртасида тараққий этган муносабатлар аъёналарининг мавжуд эмаслиги; бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини амалиётга жорий этиш жуда су

кечмоқда; АЖни бошқаришнинг амалдаги меъёрларига етарлича амал қилинмаяпти; кўпчилик корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг доимий ва юқори даражада бўлиши; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш учун рухсат олиш босқичларининг кўплиги ва уларни рўйхатга олишда ҳужжатларнинг ғоят кўплиги; мол-мулкни баҳолаш ҳужжатларини келиши ва кўриб чиқишда бўғинларнинг кўплиги.

Ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонда бозор ислохотлари жараёнларида иштирок этишга нисбатан қизиқишлари анча ортди. 1995-1996 - йилларда қўшма корхоналар (ҚК) характери ва ривожланиш суръатлари 1992-1994 йиллардагидан анча фарқ қилди (1 ва 2-жадваллар). Хусусан, ҚК умумий сонининг тахминан 3 марта ўсиши билан фаолият кўрсатаётган ҚК сони қарийиб 15 марта ошди: 1992-йилда фаолият кўрсатаётган ҚК нисбий сони 16,1%ни, 1994-йилда - 47,9%ни, 1995-йилда - 70,63%ни ташкил қилди, 2000-йилга келиб эса кўпчилик қўшма корхоналар амалда фаолият кўрсатиш йўлига ўтди. ҚК томонидан ишлаб чиқарилга маҳсулот, ишлар ва хизматлар ҳажми, шунингдек, маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Республика бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сони динамикаси.

1-жадвал

Йиллар	1993 й.гача	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сони	571	288	355	291	120	75	86	41	36

Республика бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кўрсаткичлари.

2-жадвал

Йиллар	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сони	Устав фонди	Хорижий сармоядорларга акцияларни сотиш
1996	120	571,71	99970
1997	75	216,49	454,82
1998	86	90392	8741681
1999	41	110559	4512
2000	36	62300	56800

Давлат мулкига эга бўлган ҚҚ улуши доимий равишда пасайиб бормоқда: 1992-йилда 1996-йилнинг 1 яригача бўлган даврда бундай ҚҚ сони 47 фоиздан 27 фоизгача камайди, бу Ўзбекистон фуқаролари бўлган хусусий шахслар фаоллиги ўсишининг натижасидир.

Айниқса хорижий компанияларни сўнгги уч йилдаги инвестицион фаолиятининг фаоллиги кўзга ташланади. Айнан ушбу даврда қўшимча қонуний чоралар қўлланилиб, хорижий сармоядорларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки кенгайди. Буни хорижий сармоядорларга акциялар ва қўчмас мулкни сотишдан маблағларнинг келишидан ҳам кузатиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал. Хорижий сармоядорларга акциялар ва қўчмас мулкни сотишдан маблағлар келиб тушиши динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Кўрсаткичлар	1998 й.	1999 й.	2000 й	2001 й. ярми
АЖ акцияларини сотиш	1781	1492,2	5704	1750,4
Қўчмас мулкни сотиш		1309,7	4255	580,6
Жами	1781	2801,9	9960	2331

Тузилган шартномаларга мувофиқ 2001-2005 - йиллар мобайнида хусусийлаштирилган корхоналарга умумий суммаси 41,27 млн. АҚШ доллари ва 2,1 млрд. сўм бўлган қўшимча инвестициялар йўналтирилади, шулардан: корхоналар қарзларини узиш учун - 427 млн. сўм; корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун - 2,32 млн. АҚШ доллари; асбоб-ускуналар етказиб бериш ва ишлаб чиқаришни реконструкциялаш учун - 38,95 млн. АҚШ доллари ва 1,7 млрд. сўм.

4-жадвал. Республика минтақалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кўрсаткичлари.

Минтақалар	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сони				Устав фонди (минг доллар)				Хорижий сармоядорларга акцияларни сотиш (минг сўм)			
	1996	1997	1998	1999	1996	1997	1998	1999	1996	1997	1998	1999
ҚР	6		2	3	165		1490	2300	7	3,8	434795	203
Андижон	0	5	1	2	0	17	967	1477	0	21	472575	358
Бухоро	1		0	2	10		0	9340	76	3,3	387000	285
Жиззах	0	6	3	1	0	12	1180	14700	0	0	807779	98,7
Қашқадарё	9	1	0	1	12	640	0	387	0	2,1	460822	223,1
Навоий	4		1	1	204		200	150	0	1,5	220454	134
Наманган	0	1	3	1	0	300	3957	5983	7	169	572845	408
Самарқанд	4	3	1	1	0	8,4	300	394	0	15	811346	302
Сурхондарё	5		0	1	808		0	3150	0	2,8	315437	119
Сирдарё	0	4	1	0	0	2,1	367	0	0	5,7	566424	98,78

Тошкент	5	8	1	3	2,1	11	6139	16067	0	857	1139481	471
Фарғона	0	2	0	1	0	600	2113	32285	7	4,7	913616	357
Хоразм	4	3	0	0	532	4,1	2900	0	4	0	218487	237
Тошкент ш.	41	42	14	23	4134	160	7077 9	24326	80	226	1420613	1217

4-жадвалдан кўриниб турибдики, қайси минтакаларда саноат ва КЎБ ривожланган бўлса, ушбу минтакаларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам яхши ривожланган. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида саноат ва КЎБ яхши ривожланган ва шунга мос равишда уларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам яхши ривожланган. Сирдарё, Навоий каби вилоятларда саноат ва КЎБ яхши ривожланмаган ва уларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш даражаси паст.

Самарали инвестицион лойиҳани тузиш бўйича айрим масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни инобатга олиш ва бажариш зарур:

- кўпчилик корхоналар бозор шароитларига яхши мослаша олмаяпти. Бу уларнинг маҳсулотига мунтазам талаб бўлмаган, менежерлар гуруҳи яхши ишламаётган жойларда содир бўлмоқда. Кўпчилик олимлар ва экспертларнинг фикрига кўра, бундай вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири корхоналарда корпоратив бошқарув тамойиллари ва меъёрларини жорий этиш ҳисобланади;

- шуни назарда тутиш керакки, сармоядор тегишли ҳуқуқий база яратилган ва сармоядорлар учун имтиёзлар тизими мавжуд бўлган, телекоммуникация ва транспорт тармоқлари ривожланган, молиявий ва ички инфратузилма шаклланган, сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик юзага келган жойда ишлашга ва ўз сармоясини киритишга ҳаракат қилади;

- сармоядорларга биз бошқа бозорларга нисбатан айнан бизнинг шароитларга хос бўлган устунликлардан фойдаланиладиган лойиҳаларни, яъни иқтисодиётнинг турли секторлари бўйича хомашё захираларининг мавжудлиги, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори малакали маҳаллий кадрларнинг мавжудлиги, ишчи кучининг нисбатан арзонлиги, устувор тармоқларни ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб, таклиф қилишимиз зарур;

- имкониятли сармоядорни ахборот билан таъминлаш масаласида кўп нарса томонларнинг ишончли маълумотларни бериши ва ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ. У ёки бу соҳада инвестицион имкониятлар билан бир қаторда амалга оширилган ва амалдаги лойиҳалар ҳақида ахборот бериш муҳим;

- жаҳон тажрибаси тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳимлигини кўрсатди, чунки кўпчилик ҳолларда лойиҳалар қарз маблағларини жалб этиш билан амалга оширилмоқда. Хатто кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳам йирик компаниялар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар асосан банклар кредитлари ҳисобидан

бажарилмоқда. Бугунги кунда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги кўплаб муаммолар асосан банклар билан ишлаш чоғида юзага келмоқда;

- ҳар қандай лойиҳанинг муваффақияти тўртта асосий вазифани тўғри ва ўз вақтида ҳал этишга боғлиқ: молиялаш манбасини ва схемасини танлаш, маркетингни моҳирона ўтказиш, профессионал менежмент ва технологияни тўғри танлаш. Демак, лойиҳа буюртмачиси ҳеч бўлмаганда юқорида кўрсатилган соҳалардаги умумий масалаларни тушуниши керак. Лекин аксарият тадбиркорлар фақат маркетинг масалаларида заиф бўлибгина қолмай, балки банк томонидан кредитлаш шартлари, молияловчи органнинг талаблари ҳақида ҳам тасаввурга эга эмас;

- асосий омил сифатида корхона нархини ҳисоблаб чиқишда асосий фондларнинг қолдиқ қийматларини ҳисоблаш эмас, балки келажакда корхонанинг фойдалилик даражасини ҳисобга олиш зарур. Корхонани харид қилишдан олдин хорижий сармоядорлар олинadиган тахминий фойдани ҳисоблаб чиқиши ва хатар даражасини баҳолаши лозим.

Ҳозирги вақтда йирик лойиҳаларга тааллуқли муаммолар мавжуд. Амалдаги талабларга мувофиқ жиҳоз учун шартнома бўйича бўнак тўлови, инвестицион даврдаги лойиҳалар (бир йилдан икки йилгача) харажатлари ва ЭМВда кўзда тутилган айрим банк воситачилик ҳақлари, қоидага кўра, ташкил этиладига қўшма корхонанинг устав фондига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан хорижий ҳамкор томонидан тўланиши кутилмоқда. Агар бундай лойиҳаларда жиҳознинг қиймати ҳам салмоқли эканлигини инобага олсак, у ҳолда хорижий ҳамкор улушининг ҳисоб-китоб қилинган миқдори 3-4 млн. АҚШ доллари атрофида бўлиши керак, бунга фақат йирик фирмалар қодир. Ўзбекистондаги инвестицион лойиҳаларга ўрта компанияларни жалб қилиш механизмлари ҳақида ҳам бош қотириш лозим. Республика учун иқтисодиётга кўпроқ ўрта компанияларнинг инвестициялари талаб этилади.

Самарали инвестицион лойиҳаларни яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича таклиф ва тавсияларимиз куйидагилардан иборат:

- инвестицион лойиҳалар таклифи билан чет элга тўғридан-тўғри чиқиш ҳуқуқига эга бўлган минтақавий мустақил инвестиция компанияларини ташкил қилиш зарур;

- баҳолаш корхоналари томонидан бажарилган баҳолаш ҳужжатларига ишонч туғдириш, мол-мулкни баҳолашни келишиш ва кўриб чиқиш бўғинларини камайтириш лозим;

- куйидаги қонуният мавжуд: қайси минтақаларда саноат ва КЎБ ривожланган бўлса, ушбу минтақаларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам яхши ривожланган, қаерда саноат ва КЎБ яхши ривожланмаган бўлса, у ерда чет эл инвестициялари ҳам кам жалб қилинган ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам кам ташкил қилинган. Ушбу қонуниятни самарали инвестицион лойиҳаларни яратишда инобатга олиш

керак. Агар иккита шундай минтака учун лойиха бир шарт ва талаблар билан тузилса, у ҳолда лойиҳалардан бири мувоффақиятсиз амалга оширилади ва самарасиз лойиҳа бўлиб қолади;

- молиявий органлар кредитлаш ва инвестициялаш шартларини соддалаштиришлари ва фоиз ставкаларини камайтиришлари зарур.

6-боб. Қурилиш, электроэнергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат тармоқлар корхоналарини иқтисодий фаолиятининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 6 майдаги Фармонининг қабул қилиниши иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган капитал қурилишда бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бўлди. Фармонга кўра қуйидагилар белгиланади:

- пудрат ишларига буюртмаларни жойлаштириш фақат танлов савдоларини ўтказиш шароитида амалга оширилади;

- танлов савдоларида (тендерларда) иштирок этишга фақат ишлар (хизматлар) қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағларига ёки мазкур маблағларни бериш учун банк кафиллигига эга бўлган пудрат ташкилотларигина қўйилиши мумкин;

- қурилиш материаллари буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар 2008-йилнинг 1 январига қадар уларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар ва уларнинг бутловчи буюмларини олиб келиш чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинсин (божхона расмийлаштириши учун йиғимлар бундан мустасно).

Республикада республика бошқарув органига эга бўлган бир неча қурилиш тармоқлари мавжуд: "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси, "Ўзқурилишматериаллари" АК. Минтақавий бошқарув органига эга бўлган бир неча қурилиш тармоқлари мавжуд: саноатфуқароқурилиши, агроқурилиш, сувқурилиш ва бошқалар.

1992-йил ноябрда Монтажмахсусқурилиш вазирлиги негизида "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6 сентябрдаги 513-сон қарори билан хусусийлаштириш дастури қабул қилинган эди.

1993-йил 6 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 445-сон қарори қабул қилиниб, унда "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмасига корхона ва ташкилотлар асосий фондларининг жисмонан ва манан эскириш даражаси юқори бўлганлиги сабабли давлат мулкани сотиб олиш маблағларидан 45 фоизини тўғридан-тўғри ажратмалар қилиш ҳисобидан махсус фондларни ташкил этишга рухсат берилди.

1993-йил декабрда уюшманинг Устави рўйхатга олиниб, у корхоналарнинг уюшма билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини уюшманинг раҳбар органларига бериш

асосида белгилаб берди. Уюшма аъзолари ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида қурилди. Уюшманинг вазифаларига қуйидагилар киритилди: иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг узок муддатли башоратларини ишлаб чиқиш; мақсадли ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш; инвестиция соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш; тармоқ корхона ва ташкилотларининг моддий-техник таъминоти тизимини мувофиқлаштириш, шунингдек, қурилаётган объектлар учун асосий ва бутловчи жиҳозларни тайёрлашга бюртмаларнинг жойлаштирилишини назорат қилиш; уюшма аъзолари ҳисобланган бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга юридик жиҳатдан кўмак бериш; нархлар шаклланиши соҳасида ягона сиёсатни юритиш ва ҳ.к.

Ўз навбатида корхоналар уюшма аппаратини сақлаб туриш учун фойдадан фойзалар ажратишади, керакли маълумотларни тақдим этишади, корхоналар раҳбарлари олий бошқарув органи - уюшма Кенгашида иштирок этишади ва ҳ.к.

Корхоналар раҳбарлари ўз жамоалари томонидан сайланади ва уюшма Кенгашида тасдиқланади. Уюшма раиси ва унинг ўринбосарлари уюшма Кенгашида томонидан сайланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Уюшма Кенгаши ва бошқаруви уюшманинг раҳбар органлари ҳисобланади. Иштирокчи корхоналарнинг мол-мулки уюшманинг мулки ҳисобланмайди ва корхоналар ўз мулкларини мустақил бошқарадилар.

Ўз навбатида уюшманинг маблағлари аъзолик бадаллари, унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг фойдасидан ажратмалар, шунингдек, корхоналарнинг ихтиёрий бадалларидан жамғариладиган устав фонди, уюшма аъзоларининг ўз маблағлари, кредитлар кўринишида маблағларни жалб қилиш ва бошқалар ҳисобидан шаклланади.

Электроэнергетика тармоғи Ўзбекистон Республикасининг базавий тармоғи ҳисобланади ва катта илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Мамлакатнинг энергия тизими Марказий Осиё мамлакатларининг Бирлашган энергия тизими доимий равишда киради, ушбу тизимга, шунингдек, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва жанубий Қозоғистон энергия тизимлари киради. Ўзбекистон энергия тизимининг асосини Сирдарё ГРЭС, Тошкент ГРЭС, Янгиангрэн ГРЭС ва Навоий ГРЭС каби йирик объектлар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида энергия таъминотини ташкил қилиш вазифаси истеъмолчиларга электр энергиясини узатиш ва тақсимлашни таъминловчи электр тармоқларининг 15 та корхонаси зиммасига юклатилган. Республиканинг энергия тизими мамлакатнинг 19 мингта саноат корхонасини, 80 мингта қишлоқ хўжалиги объектларини, 17 мингта коммунал-маиший ва 4 млн.га яқин маиший абонентларини электр билан таъминлайди. Электр энергияси ишлаб чиқариш республиканинг талабини тўлиқ қондиради ва унинг бир қисми кўшни давлатларга экспорт қилинади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини электр ҳамда иссиқлик энергияси билан ишончли ва узлуксиз таъминлашга йўналтирилган, миллий иқтисодиётнинг муҳим ресурс кичик тизими ва инфратузилма базаси сифатида, Ўзбекистон электр энергияси мажмуасини ислоҳ қилиш асосий фондларнинг юқори даражада эскирганлиги ва тармоқ самарадорлигининг пасайиши сабабли энг муҳим зарурат ҳисобланади.

Ҳозирги шароитларнинг таҳлили шундан далолат берадики, энергетика соҳасида ҳам, худди Ўзбекистоннинг бутун иқтисодиётидаги каби, кескин ўзгаришлар рўй бермоқда, хусусан:

- иқтисодиётнинг бозор муносабатларига жадал ўтиши турли хилдаги электр станцияларининг қиймат нисбатларини ва рақобатбардошлиги ҳақидаги анъанавий тасаввурларни кескин ўзгартирмоқда;

- хизмат муддатини ўтаб бўлган ва демонтаж қилиниши ёки техник жихатдан қайта қуролланиши лозим бўлган электр станцияларининг ишлаб чиқариш қуввати жадал ошмоқда.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш, монополиядан чиқариш, бошқарувни такомиллаштириш ва тармоқ корхоналарининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш, хусусийлаштиришни кенгайтириш ва ушбу жараёнга мамлакат ҳамда чет эл сармоядорларини жалб этиш, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш сифати ва ишончилигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001-йил 22 февралдаги ПФ-2812-сонли "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармони чиқди. Ушбу Фармонни бажариш юзасидан электр энергияси ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш, тақсимлаш ва сотиш бўйича шўъба корхоналарни барпо этиш билан "Ўзбекэнерго" ДАК фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 24 февралдаги 93-сонли қарори қабул қилинди.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, хорижий сармоядорларни хусусийлаштиришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 9 мартдаги 119-сонли "2001-2002 - йилларда хорижий сармоядорларни жалб қилиш билан корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ хорижий компаниялар - баҳолаш, аудиторлик, консалтинг ва молиявий агентлар хизматларига ҳақ тўлаш ЎЗР Давлат мулки қўмитаси томонидан Жаҳон банкининг институционал ўзгаришларни амалга ошириш учун берган қарзи бўйича келиб тушган маблағлар ҳамда давлат мулкини хусусийлаштиришдан келиб тушган умумий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишда акциядорлик жамиятларининг устав фондини ошириш учун давлат улушини

камайтиришга рухсат этилади, акциялари давлат пакетининг миқдори ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган корхоналар бундан мустасно. Хорижий сармоядор хусусийлаштириш объекти негизида қўшма корхоналар ташкил этиш йўли билан уларга ўз маблағларини сарфлаши мумкин.

Қарорда, шунингдек, сармоядор томонидан харид қилинадиган акциялар ва объектлар учун тўлов шакллари соддалаштириш назарда тутилган, бу корхоналарнинг акциядорлик сармоясига инвестицияларни оқиб келишининг кўпайишига ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашади.

Қарорда активлари биржа ва биржадан ташқари бозорларда, шу жумладан хорижий сармоядорларга ва хусусий мулкка сотилиши лозим бўлган "Ўзбекэнерго" ДАК қарашли 53 та корхонанинг рўйхати тасдиқланди. Бунда эркин сотилиши, шу жумладан хорижий сармоядорларга сотилиши мўлжалланган улуш миқдори 49 дан 100 фоизгачани ташкил қилади.

Ушбу компаниялар фаолиятини холисона таҳлил қилиш, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, сармоядорларга таклиф этиладиган акцияларни мустақил баҳолаш, шунингдек, уларни бевосита сотиш учун молиявий маслаҳатчилар ва экспертлар таклиф қилинган.

"Ўзбекэнерго" ДАК акцияларига келсак, улар "Тошкент" Республика фонд биржаси савдоларига қўйилган ва ҳозирги вақтда олди-сотди битимлари бўйича қатор хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Иссиқлик-энергетика мажмуасини ривожлантириш муаммолари ҳақида сўз юритиб, биринчи галда мамлакат иқтисодиётини бутунлай кўриб чиқиш зарур. Ҳозирги босқичда иқтисодий ривожланишнинг асосий вазифаси барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Уни энг муҳим мезонларидан бири ресурслардан, биринчи галда, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ёқилғи-энергетика мажмуасига (ЁЭМ) нисбатан бу - ЁЭМга кирувчи барча тизимларнинг фаолият кўрсатишига сарфланадиган энергия миқдорини камйтириш, энергия тизимлари ишлаши учун маблағлар сарфини пасайтириш.

Шу нуқтаи назардан сўнгги ўн йиллик натижаларини баҳолаб, шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришилгандан кейинги ўтган йилларда энергетика ва ёқилғи мустақиллиги таъминланди. Мамлакат нефтни импорт қилишни тўхтатиб, ўзини энергия ресурслари билан тўлиқ таъминлади. Бозорга ўтиш даврида ЁЭМ ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Буни қуйидаги рақамлардан яққол кузатиш мумкин: агар 1999-2001 - йилларда иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга инвестиция ресурслари умумий ҳажмининг 57 фоизи йўналтирилган бўлса, бунда ЁЭМ улуши 17 фоизга яқинни ташкил қилди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ЁЭМ ва кимё саноатининг қатор тармоқлари кўп маблағ талаб қилади, буни иқтисодий ривожланиш истиқболларини баҳолашда инобатга олиш зарур.

Сармоядорларни жалб қилиш ва уларга электр энергияси тармоғи корхоналарининг акциялари пакетларини сотиш вазифаларини ҳал этишда йирик энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг ижобий тажрибаси билан бир қаторда, ўн йилдан буён бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келаётган собиқ Иттифоқ мамлакатларининг, масалан, Украина ва қозғистоннинг салбий тажрибасини ҳам инобатга олиш керак, уларда тегишли ислохотлар тўланмасликнинг кескин ўсиши, электр таъминотининг кескин муаммолари, ёқилғини сотиб олиш учун маблағларнинг йўқлиги билан кузатилди.

"Ўзбекэнерго" ДАКнинг очиқ акциядорлик жамиятларини, уларнинг диагностикасига биноан, 2 гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ молиявий аҳволи нисбатан барқарор бўлган корхоналарни ўзида бирлаштиради; иккинчи гуруҳга молиявий аҳволи оғир бўлган, барқарорлашувга мухтож ОАЖни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга асосан республика минтақаларида жойлашган корхоналар киради.

Шундай қилиб, электроэнергетика корхоналари акцияларининг имкониятли сармоядорларга сотилишига тўсқинлик қилувчи омиллар куйидагилар ҳисобланади:

- электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни сотишда монополлашув даражасининг юқорилиги;
- қатъий тариф сиёсати ўтказилишини бошқаришни бозор механизмларининг йўқлиги;
- хатто асосий ишлаб чиқариш фондларини оддий такрор ишлаб чиқариш учун тарифларда инвестицияларнинг етишмаслиги;
- энергия тизими таркибий бўлинмалари ва корхоналарининг самарали ишлаши учун рағбатларнинг мавжуд эмаслиги;
- имкониятли сармоядорлар учун тармоқ корхоналари фаолиятининг етарлича шаффоф эмаслиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ва моддий харажатларнинг юқорилиги;
- корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари менежмент, маркетинг, сифатни таъминлашнинг замонавий усуллари, корпоратив бошқарув соҳасида зарур ва етарли тажриба ҳамда билимларга эга эмаслиги.

Йирик миқёсли инвестицияларни жалб этмасдан туриб электроэнергетикадаги мураккаб тенденцияларни бартараф этиб бўлмайди. 2002-2010 - йилларда талаб этиладиган инвестициялар ҳажми камида 3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Энергия тизими манбалари ва давлат бюджетидан бундай ресурсларнинг оқимини таъминлашнинг иложи йўқ, шунинг учун тармоқдаги таркибий ўзгаришлар жараёнида мамлакатимиз ва хорижий сармоядорлар учун унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш зарур.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш электр энергиясининг ҳақақий рақобат бозорига ўтиш имконини беради ва, оқибатда, истеъмолчи учун электр энергияси нархининг пасайишига ва саноат тармоқлари рақобатбардошлигининг ошишига ва тармоққа чет эл сармоясини жалб этишга кўмаклашади.

Ўзбекистонда кимё мажмуаси саноатнинг турли тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун турли хилдаги хомашё ва тайёр маҳсулот етказиб берувчи Кимё саноати уюшмаси билан намоён этилган.

1990-йилгача Ўзбекистон ўз кимё саноатини бошқариш тузилмаларига эга эмас эди. Корхона бирлашмалар фаолият ва маҳсулот туридан қатъи назар Москвадаги турли марказий вазирликларга бевосита бўйсунар эди.

1990-йил октябрда, собиқ Совет Иттифоқи тарқатилганидан сўнг Ўзбекистонда Кимё саноати давлат концерни ташкил этилди. 1994-йилда бу концерн "Кимёсаноати" уюшмасига айлантирилди.

Ўзбекистон кимё мажмуаси мураккаб тармоқ тизимини ўзида намоён қилади. Унинг таркибига:

- умумий хомашё базаси ва ягона технологик занжир билан боғланган корхоналар;
- бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- саноатнинг турли тармоқларига қарашли (маъданли ўғитлар, резина, тиш пастаси, спирт ва ҳ.к. ишлаб чиқарувчи) корхоналар;
- илмий муассасалар киради.

Уюшмани бошқариш функциясини уюшма таркибига кирувчи турли корхоналар меҳнат жамоалари кенгашлари билан яқин ҳамкорлик қилувчи уюшма кенгаши амалга оширади. Кенгаш таркибидаги барча директорлар бир хил овозга эга ва улар уюшма уставига кўра директорлар ўз меҳнат жамоаси томонидан сайланиши лозимлигига қарамасдан, кенгаш раиси томонидан тайинланади. Бу борада икки сабабга кўра маъмурий-буруқбозлик унсурлари сақланиб қолган: биринчи сабаб - давлат корхоналари кўп фоизни ташкил қилади (1998-йил июн ҳолатига кўра корхоналарнинг 88 фоизи давлатга қарашли бўлиб, уларнинг қолган 12 фоизини 25% ва ундан юқори акциялар давлат пакетига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ташкил қилади); иккинчи сабаб - корпоратив бошқарувнинг ривожланмаганлиги.

Уюшма бошқаруви унинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув таркибида дастлаб "Стратегия ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда фан-техника сиёсатини бошқармаси"ни ташкил этиш назарда тутилган. Ташкилий жиҳатдан уюшмада технологик боғланган ишлаб чиқаришлар, илмий муассасалар, НИОКР фондининг мавжудлиги илмий янгиликларни ривожлантиришга ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этишга кўмаклашиши лозим эди. Лекин инвестицияларнинг етишмаслиги ва НИОКР фонди миқдорининг катта эмаслиги (корхоналар фойдасидан 1%

микдорида молияланади) туфайли бу режа ҳозиргача амалга ошмаяпти. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, мазкур тузилмаларни уюшма таркибида бўлиши "уюшма" тушунчасига хос эмас. Уларнинг мавжудлиги концерн каби ташкилий тузилма учун хосдир.

Кимё мажмуаси корхоналарини ислоҳ қилиш жараёнида шуни инобатга олиш лозимки, ушбу корхоналарни хусусийлаштиришни яқка лойиҳалар бўйича амалга ошириш, бунда улар ўртасидаги технологик алоқа ҳам ҳисобга олиниши керак.

Агар уюшмага саноатнинг турли тармоқларига қарашли корхоналар бирлашмаси сифатида қаралса, у ҳолда бундай бирлашмадан фойда пул оқимлари ва инестицион ресурсларни бошқаришни оптималлаштириш натижасида пайдо бўлади. Уюшма функциясига пул оқимларини қайта тақсимлаш вазифаси кирмайди.

Уюшмада "Иқтисодиёт ва молия бошқармаси" ташкил этилган бўлиб, у тўламаслик ҳолатлари бўйича ахборотлар йиғиш ва молия оқимларининг ҳаракатини назорат қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, бўлим монопол (товар айланмасининг 70 фоизини ташкил қилувчи) ишлаб чиқаришларда нархлар шаклланиши масалаларини Молия вазирлиги билан келишиш ишларини олиб боради. Масалан, бир маҳсулотнинг таннархи турли корхоналарда ҳар хил, уларни бирхиллаштириш эса фойданинг қайта тақсимланишига ва Корхоналар тўғрисидаги қонунга нисбатан қарама-қаршиликларга олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида рақобат деярли йўқ, чунки маҳсулотни тақсимлаш маъмурий-буйруқбозлик усулида амалга оширилади.

Умуман Иқтисодиёт ва молия бошқармаси ва бутун уюшма ўз корхоналари учун етишмаётган маблағларни давлат бошқаруви органларидан ундириб олиш билан шуғулланади.

Маъданли ўғитларни тақсимлаш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилиши сабабли "Маркетинг, биржа фаолияти, кооперация ва моддий ресурслар бошқармаси" маъданли ўғитларнинг тақсимланишини назорат қилади. Кимё саноати корхоналари асосан давлат корхоналари бўлганлиги боис, ушбу бошқарма биржа фаолияти билан деярли шуғулланмайди, акциядорлик жамиятлари эса ушбу фаолият тури билан мустақил шуғулланишади. Маркетинг фаолияти билан ҳам ушбу бошқарма деярли шуғулланмайди. Уюшма таркибида "Кимёсавдотаъминот" АЖ фаолият кўрсатади. У маъданли ўғитлар ишлаб чиқарувчи ва давлат буюртмаларни бажарувчи корхоналар ва истеъмолчилар ўртасида савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланади.

"Кимёсавдотаъминот" АЖдан ташқари уюшма таркибида давлат тақсимотидан қолган маҳсулотни республиканинг барча минтақаларида майда улгуржи ва чакана савдо тармоқлари ташкилотлари учун сотиш билан шуғулланувчи "Кимёсавдо" КК ҳам фаолият кўрсатади.

Уюшма ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг ички фаолиятини таҳлил қилишда давлатнинг ушбу корхоналар фаолиятига кучли салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Давлат уюшма маҳсулотини сотишда иштирок этиб, маблағлар келиб тушишини таъминлаши керак, лекин амалда бунинг акси бўлмоқда. Айрим маҳсулот турларини тақсимлаш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинади. Масалан, бажарилиши шарт бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 24 февралдаги 8-сонли "Республика қишлоқ хўжалигини маъданли ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. Ҳозирги вақтда бу кутилган натижаларни бермаяпти. Уюшма корхоналари жамоа хўжаликларига маъданли ўғитларни етказиб беришади, бу хўжаликлар эса ўғитлар нархини тўлашга қодир эмас, бунинг натижасида тўланмаслик юзага келади. Боз устига, жамоа хўжаликлари юкланган маҳсулот нархини тўлашга қодир бўлмаганлиги натижасида кимё тармоғи корхоналари айланма маблағларида етишмовчиликни бошдан кечиришмоқда, шунингдек, 1999-йил 1 январдан эътиборан улар маҳсулот юкланганидан сўнг солиқлар тўлаши керак. Жамоа хўжаликларидан пул келиб тушмаслиги оқибатида кимё саноати корхоналари пеняларни тўлашга мажбурлар. Ҳукумат, шунингдек, қишлоқ хўжалигига керакли суммадан 10-20 фоиз миқдорида транш ажратади, у ўз навбатида кимё саноати корхоналари билан тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қила олмайди. Маъданли ўғитларни ишлаб чиқариш уюшма маҳсулотининг 61 фоизини ташкил қилади. Уюшма корхоналари 35 млрд. сўм миқдорида дебиторлик қарзига эга. 1997-йилда "Навоийазот" заводи бўйича тўланмаслик ички товар айланмасининг 60 фоизга яқинини ташкил қилди. Бу билан хусусийлаштириш жараёнинг табиий кечиши бузилмоқда, у чет мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек, корхоналарнинг тижоратлашувини, яъни ишлаб чиқариш фаолиятининг реал талабларга йўналтирилишини, ўзини ўзи молиялашга ўтишни, қайта таркиблашни ўз ичига олиши керак. "Ўзқишхўжмашхолдинг" ХК корхоналари билан ҳам худди шундай ҳолат юз бермоқда.

Иккинчи томондан давлат ушбу ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда (масалан, истеъмол қилинадиган газнинг нархи республика бўйичагига қараганда 4 марта пасайтирилган). Давлат энергия нархидан чегирмалар қилиш йўли билан ўғитлар ишлаб чиқаришни билвосита субсидиялайди ва ўғитлар нархининг тахминан 50 фоизи миқдорида экспорт компенсациясини беради.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан шундай хулосага келиш мумкинки, уюшма шаклидаги ташкилий тузилма кимё мажмуаси олдида турган вазифаларнинг ҳал этилишига мувофиқ келмайди. Боз устига "Ўзкимёсаноат" уюшмасининг марказий таркибига бошқарув органи эмас, балки маъмурий бирлик сифатида қаралади. Ушбу таркиб масалаларни ҳал этишда воситачилик ролини ўйнаган ҳолда давлат бошқаруви органлари Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан

алоқалар қилади. Уюшма корхоналарга таъсир этишнинг ҳеч қандай воситага эга эмас. Бунда уюшма корхоналари катта мустақилликка эга.

Давлатнинг ушбу тармоқдан катта манфаатлар кўриши ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг йирик саноат ишлаб чиқаришларга қарашлилигини, шунингдек, илмий-техник базасини янада ривожлантириш зарурлигини инобатга олган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, бошқарув ташкилий тузилмасининг унинг таркибига кирувчи корхоналарга таъсири реал ва эгилувчан бўлиши керак, уюшма эса бундай хусусиятга эга эмас.

Шунингдек, мавжуд корхоналар негизида уюшмага қараганда анча қатъий ва қайишқоқ бошқарув тизимига эга бўлган корпорацияларни ташкил этишни таклиф қилиш мумкин. Бунда манбалари устав сармоясига кирувчи акциялар бўйича дивидендлардан ташқари, амортизация ажратмалари ва корпорация корхоналарининг соф фойдасидан иборат бўлган марказлашган тикланиш ва тараққиёт фондини тузишни назарда тутиш лозим. Уюшмага кирувчи корхоналарнинг кўп тармоқлилик хусусиятини инобатга олган ҳолда, марказий аппаратда базавий кимё, ўғитлар, спирт корхоналарни бошқариш бўйича тузилмаларнинг барпо этилишини кўзда тутиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги - "Ўзқишмашхолдинг" компанияси Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи холдинг ҳисобланади. Ушбу холдинг давлатнинг ташаббуси билан республика қишлоқ хўжалигини замонавий техник ва энг янги меҳнзация воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигида хўжалик юритишнинг бозор шароитларига жавоб берувчи бошқарув тузилмасини шакллантириш, шунингдек, мазкур тармоқ корхоналарининг барқарор в самарали ишлашига эришиш мақсадида 1996-йил январда ташкил этилган. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги давлат учун стратегик муҳим тармоқ саналади.

Холдинг компаниясининг устав фонди компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялар назорат пакетлари ҳисобидан шаклланган.

Холдинг компанияси тегишли шартномаларни тузиб, ўзи ва шўъба корхоналар ўртасидаги функцияни аниқ чегарлаб қўйган. Компания шўъба корхоналарга нисбатан мувофиқлаштириш, бошқариш (холдингга тегишли акцияларнинг микдорига қараб), молия-кредит, сотиш ва бошқа функцияларни амалга оширади ва бунда юридик ҳамда тезкор-тактик иқтисодий мустақилликни кафолатлайди. Олинадиган фойда, харажатларни қисқартириш, етказиб берувчиларни танлаш ва ҳ.к.лар учун корхоналарнинг ўзлари жавоб беради. Агар холдингни ташкил этиш жараёнида корхоналар унинг таркибида бўлишдан манфаатдор бўлмаган бўлса, бугунги кунда айнан холдинг шўъба корхоналарнинг кўплаб муаммоларини ҳал этади. Шўъба корхоналарга катта таъсирга эга бўлган холдинг ўз шўъба корхоналарининг мажбуриятлари бўйича жавоб беради, бу холдингни уставида белгилаб қўйилган.

Молия-кредит функциясини компания холдинг таркибида қуйидаги фондларни ташкил этиш билан амалга оширади:

- компанияга бошқариш учун топширилган корхоналар маҳсулотларини сотишдан ЭМВдаги валюта тушимининг 2 фоизи ва МДХ мамлакатлари валютасидаги тушумнинг 1 фоизи миқдоридаги валюта фонди;

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш учун компания ривожини барқарорлаштириш фонди. Бу фонд шўъба корхоналарининг сотилган маҳсулот ҳажмининг 1 фоизи миқдоридаги ажратмалари ҳисобидан ташкил топади. Бунда давлат ажратмаларни маҳсулотнинг таннархига киритишга рухсат бериб, бу билан корхоналарнинг холдинг таркибига киришини рағбатлантиради.

Бундан ташқари, давлат қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиш даражасини оширишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджет ва марказлаштирилган кредитлар ҳисобидан маблағлар ажратади, у 4,5 млрд.сўмни ташкил қилади.

Холдинг сотув оқимларини назорат қилади ва у ёки бу жараёнга ўз вақтида аралаштириш учун зарур тузилмаларга эга. Компания сотиш функцияларини ўзининг ижроия аппаратида компания маҳсулотини сотишни соддалаштирувчи, кенгайтирувчи ва рағбатлантирувчи янги тузилмаларни барпо этиш устида ишловчи маркетинг бошқармасини ташкил этган ҳолда амалга оширади.

Бу, масалан, савдо-сервис марказлари бўлиб, улар холдинг корхоналари маҳсулотларининг истеъмолчилари билан тўғридан-тўғри, воситачиларсиз ишлайди, бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига техникани қўшимча харажатларсиз бевосита тайёрловчидан сотиб олиш имконини беради. Савдо-сервис марказлари функциясига, шунингдек, техникани етказиб бериш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ҳамда фермер хўжаликларига майдонга ишлов беришда кўмаклашиш ҳам қилади. Масалан, холдинг корхоналари томонидан ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида сотиш бўйича лизинг фирмасини ташкил этиш.

Бундай тузилмаларнинг ташкил этилиши холдинг маҳсулотини истеъмолчига 20 фоиз қиммат сотиб, холдинг маҳсулоти нархини оширувчи "Ўзқишхўжтаъминоттаъмир" каби тузилмаларнинг хизматидан воз кечиш имконини беради.

Холдинг таркибида қимматли қоғозлар ва иқтисодий ислохотлар бошқармаси фаолият кўрсатади. Айнан ушбу бошқарма холдинг учун ўз акцияларини сотиб, бошқа эмитентларнинг акцияларини харид қилган ҳолда фонд бозорида ўзини йирик молиявий тузилма сифатида тутиш имкониятини яратади. Агар 1999-йилиг биринчи ярим йиллигида холдинг корхоналари томонидан 0,2 млн. сўмлик акциялар сотилган бўлса, холдингнинг ўзи 70,3 млн. сўмлик акцияларни сотди. Американинг "Кейс

Корпорейшн" фирмаси холдинг акцияларининг 20 фоизига яқинини сотиб олишни кўзламоқда.

Ижроия аппаратида фан-техника тараққиёти бошқармаси ташкил этилган бўлиб, у ҳам холдингнинг фан-техника сиёсатини назорат қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига эга.

Умуман тармоқнинг тижоратлашуви, компаниянинг халқаро бозорга мустақил чиқиши ва холдинг ҳамда уни ташкилий тузилмаларининг ўтиш даври шароитларига янада мослашуви кузатилмоқда. Холдинг компанияси қишлоқ хўжалиги учун турли хилдаги машиналарни ишлаб чиқаришдан тортиб, уларни сотиш, техникаларни таъмирлашгача бўлган комплекс ишлар ва хизматларни амалга оширади. Шўъба корхоналарини молиялаш ва инвестициялаш муаммоларини ҳал этиб ва ўз корхоналари маҳсулотининг сотилишини назорат қилган ҳолда холдинг ўзаро муносабатлар тизимини яратди.

Зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва холдингнинг инвестицион салоҳиятини яратиш учун ресурсларни сафарбар қилиш мақсадида унинг таркибида банкнинг ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

"Ўзенгилсаноат" уюшмаси ЎзР Вазирлар Кенгашининг 1991-йил 20 майдаги 139-сонли қарори билан ташкил этилган. 2000-йил 1 апрел ҳолатига кўра уюшма ўз таркибида тўқимачилик, тикув-трикотаж, чинни саноати, транспорт, таъминот-сотиш ва ташқи савдо ташкилотларини намоён этувчи 102 та хўжалик юритувчи субъектни бирлаштиради.

Уюшманинг асосий фаолияти республика иқтисодиётини саноат маҳсулоти билан таъминлаш ҳамда тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Хусусийлаштирилган йирик корхоналар бугунги кунда дуч келаётган асосий муаммолар қуйидагилар: айланма маблағларининг кескин етишмаслиги; асбоб-ускуналарнинг жисмоний ва маънан эскирганлиги; ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг эскириб қолган ассортименти; янги бозорлар ҳақида ахборотнинг йўқлиги; маркетинг стратегиясининг мавжуд эмаслиги; ташкилий тузилманинг самарасизлиги; тайёр маҳсулот нархи ва ишлаб чиқариш харажатларининг мос келмаслиги; ишончли хорижий ҳамкорларни қидириб топиш ва улар билан ҳамкорликни ўрнатиш тажрибасининг етишмаслиги. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот сифати, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳа объектларини ушлаб туриш масалалари ҳам кескин турибди. Айрим хусусийлаштирилган корхоналарда чуқур бозор ислохотларини амалга ошириш учун билим ва тажриба етишмайди. Бу муаммолар Ўзенгилсаноат тармоқларига ҳам тегишли.

Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг оқиб келишига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- пахта толасининг ифлосланиш даражасини пасайтириш, унда чигитнинг майда қисмлари бўлмаслиги ва чигит ёғларининг тегмаслигини

таъминлаш йўли билан тола сифатини ошириш. Бу масала пахта заводларининг ваколатига киради;

- толани жаҳон нархларида сотиб олишга ўтилиши муносабати билан тармоқ корхоналари пахта толаси қиймати ва тайёр маҳсулот нархлари билан қопланмайдиган бошқа харажатларнинг оширилиши туфайли айланма маблағларининг етишмаслиги муаммосига дуч келмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкорларда реал пул маблағларининг йўқлиги тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокараларнинг олиб борилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- кредиторлик ва дебиторлик қарзлари;

- йигирув, тўқиш ва пардозлаш борасида ишлаб чиқариш техник даражасининг чет элникидан ортда қолиши. Ушбу масалаларнинг бир қисмини янги чет эл жиҳозларини жорий этиш йўли билан ҳал қилиш лозим;

- ишлаб чиқариш асосий фонди ва воситаларининг жисмонан ва маънан эскирганлиги ва бошқалар.

Тармоқда ўтказиладиган тадбирлар режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши керак: инвестициялар, ишлаб чиқариш масалалари, экспортга маҳсулот етказиб бериш, акциялар пакетларини сотиш, молиявий аҳволини соғломлаштириш, моддий-техник таъминот, тайёр маҳсулотни сотиш, маркетинг ва ёш авлодни соғломлаштириш.

Уюшма Бошқаруви кенгашида акциядорлик жамиятлари ва корхоналар бўйича 2000-йилга мўлжалланган вазифалар аниқ белгилаб берилди, улар қуйидагилардан иборат: маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича башоратларни қиймат ва натурал ифодаларда, маҳсулот етказиб бериш ва экспорт бўйича башоратларни сўзсиз бажариш, инвестиция дастурини бажариш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ акциялар пакетларининг сотилишини таъминлаш, шартнома мажбуриятларини бажариш ва бошқалар. "2000-2005 - йилларга мўлжалланган "Ўзенгилсаноат" уюшмасини ривожлантириш концепцияси" тасдиқланди, унга кўра 2005-йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш 500 млн. АҚШ доллари ҳажмида бўлиши, 34 та акциядорлик жамиятини реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, тармоқнинг 17 та корхонасида қурилиш ишларини тугаллаш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларда корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 1,4 млрд. АҚШ доллари ҳажмига чет эл инвестицияларини жалб этиш талаб этилади.

Тармоқда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари 2000-йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш, давлат мулки улушига эга бўлган акциядорлик корхоналарини хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш, хорижий сармоянинг иштирокини кенгайтириш, янги қўшма корхоналарни ташкил қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар томонидан экспортга маҳсулот

етказиб бериш бўйича башоратларнинг сўзсиз бажарилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини бутун жаҳон бўйлаб қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди.

Уюшма аппаратида реклама бўлими ташкил этилган бўлиб, у уюшма фаолияти ишларини яхшилашга кўмаклашади. Уюшма томонидан давлат мулки улушига эга бўлган ҳар бир АЖ бўйича хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш графиги вадастури ишлаб чиқилган, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг янги таркиби тасдиқланган.

"Ўзенгилсаноат" уюшмаси томонидан хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш учун корхоналарни диагностик тадқиқ этиш ишлари олиб борилди.

Маълумотларнинг таҳлилига кўра шу нарса аниқландики, 63 АЖдан 56 та корхона хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлашни талаб этмайдиган 1-гурухга ва 7 та корхона хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлашни талаб этадиган 2-гурухга киради.

"Асакатўқимачи", "Боғот тўқувчи", "Семурғ", "Намангантўқимачи", "Тошкент тўқимачилик комбинати"га солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бериш.

Асакатўқимачи, Тошкент тўқимачилик комбинатини тўловлар бўйича фоиз ставкаларини камйтириш шаклида қўллаб-қувватлаш.

"Намангантўқимачи", "Тошкент тўқимачилик комбинати"ни вақтинча 2 йиллик муддатга экспортдан олинадиган валюта тушимининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилиш.

Уюшма 7 та корхонани хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлашни таклиф этади, шулардан биттаси - "Тоштўқимачи" маҳсулотни экспорт қилади, 5 та корхонада ижобий фойдалар.


Уюшманинг 48 та акциядорлик жамиятларининг сўнгги 2-3 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Акциядорларга дивидендларни доимий равишда қуйидаги корхоналар тўлашади: "Тоштўқимачи", "Садо", "Нигора", "Феруз Хоразм", "Нотўқимачи", "Намангантрикотаж", "Зухал", "Ғунча", "Марҳамат", "Пайтуғ" ва қолган аксарият АЖ дивидендларни тўламаган. "Бухаротекс", "Бабур", "Фарғона тўқимачилик комбинати", "Тоштўқимачи" каби акциядорлик жамиятлари маҳсулот экспорти билан шуғулланмоқда.

Қуйидаги фойдасиз ёки кам фойдали корхоналар банкротлик ёқасига келиб қолди: "Тошкентчинни", "Яккабоғ ТФ", "Ўйчи ипакйигирув", "Тўрткул ПТШО", "Манғит", "Бешариқтўқимачи".

"Ўзенгилсаноат" тармоқларини хорижий фирмалар билан ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари мавжуд. "Қоракултекс" ўзбек-америка корхонаси томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. "Мидатекс" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси қиймати 4,58 млн. АҚШ

долларига тенг бўлган лойиҳани режалаштирмоқда. "Олот ТФ" негизида Германиянинг "Текстима" фирмаси билан ҚҚ ташкил этилмоқда, лойиҳанинг дастлабки қиймати 7693 минг АҚШ долларига тенг. 1-сонли йиғирув-тўқимачилик фабрикаси ва пардазлаш фабрикаси негизида "Карера" фирмаси билан қуввати 9 млн. пог.м. бўлган қўйлақбоп газлама ишлаб чиқариш бўйича ҚҚ барпо этилмоқда (Ўзбек-Италия корхонаси). "Юлдуз" фабрикасининг «Интер-Сервис» Италия фирмаси билан ҳамкорлиги кўзда тутилмоқда. 1999-йил 28 декабрда шартнома имзоланган.

"Узенгилсаноат" тармоғи корхоналари молиявий-иқтисодий курсаткичлари динамикаси (миқдорлар урталаштирилган)



18 – расм.

Тармоқда ижтимоий-маиший инфратузилма объектлари мавжуд бўлиб, уларни ушлаб туриш учун ҳар йиллик харажатлар зарур. Тармоқни ва унга тегишли корхоналарни ривожлантириш учун имкон қадар ўтиш ёки иқтисодий нозорлик даврида ижтимоий-маиший инфратузилма объектларини сони камроқ бўлмоғи лозим.

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортга йўналтирилишини таъминлаш учун қуйидагилари амалга ошириш зарур: замонавий ишлаб чиқариш техникалари ва технолгияларини жорий этиш; маркетинг технологияларини амалга ошириш; ишлаб чиқаришни янги

юқори самарали асбоб-ускуналар билан қайта жихозлаш; кадрлар малакасини ошириш ва ҳ.к. Тармоқ корхоналарининг аксарияти хомашё билан доимий равишда таъминланган, бироқ якуний натижалар йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Ушбу масалани аниқлаштириш учун қуйидаги ишларни амалга оширамиз. Барча корхоналар ўғрисида маълумотлар бўлмаганлиги боис тармоқда математик қисоб-китоб қилиш зарур. Ўзенгилсаноат тармоғи асосий кўрсаткичлари ўзгариши динамикасини аниқлаш мақсадида мавжуд корхоналардаги кўрсаткичларнинг ўртача квадратик қийматларини оламиз. 18-расмдаги диаграммдан кўриниб турибдики, йиллар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми, устав фонди ўсиб бормоқда ва харажатлар якуни ўзгармай қолган, маҳсулот сотишдан олинadиган тушумлар ва соф фойда ҳажмида камайиш кузатилади. Бунинг сабаби қуйидагиларда иборат:

- ишлаб чиқариш воситалари ва асосий фондларнинг жисмонан ва маънан эскирганлиги;
 - йигирув, тўқиш ва пардозлаш борасида ишлаб чиқариш технологик даражасининг чет элникидан ортда қолиши;
 - хомашё: пахта толаси ва иплар сифатининг пастлиги;
 - ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатсиз ва эскириб қолган ассортиментни ва товарларнинг узоқ вақт мобайнида омборларда ушланиб туриши;
 - янги сотиш бозорлари ҳақида ахборотнинг йўқлиги;
 - маркетинг стратегиясининг мавжуд эмаслиги;
 - тайёр маҳсулот нархи ва ишлаб чиқариш харажатларининг мос келмаслиги;
 - ишончли хорижий ҳамкорларни қидириб топиш ва улар билан ҳамкорликни ўрнатиш тажрибасининг етишмаслиги.
- Тармоқни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш шакллари бўйича таклифлар:
- "Ўзпахтасаноатсотиш" ДАЖ зиммасига пахта толасини уни нархининг 15 фоизини олдиндан тўлаш шарти билан ҳар чоракда етказиб бериш мажбуриятини юклаш;
 - бюджетдан ташқари ташкилотларга ажратмаларнинг фоиз ставкаларини камайитириш;
 - ТИАВ зиммасига марказлаштирилган экспорт бўйича экспорт маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналарга миллий валютада пул ўтказиш билан бюртмаларни ажратиш мажбуриятини юклаш;
 - тўқимачилик корхоналарининг айланма маблағларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга имтиёзли кредитлар берилишида ёрдам кўрсатиш;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни тўлашни маълум муддатга кечиктириш ёки уларни (қарзларни) қайта таркиблаш;
 - давлат буюртмаларини олишда уюшмани қўллаб-қувватлаш;

- хорижий корхоналар ва сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда кўмаклашиш;
- маркетингни ташкил қилиш бўйича мутахассисларни ўқитиш ва тажриба алмашиш;
- экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида "Бухоротекс", "Бобур", "Тоштўқимачи" ва бошқа корхоналарни зарур турдаги ва навдаги пахта толаси билан таъминлаш;
- экспорт имкониятларини ошириш учун экспортга амалда юкланган маҳсулотдан тушган валюта маблағларининг 50 фоизини ёрдамчи материаллар, химикатлар, бутловчи қисмларни импорт бўйича сотиб олиш учун корхона ихтиёрида қолдириш;
- чет эл кредитларини жалб қилиш ҳисобидан техник қайта жиҳозланишни амалга оширувчи корхоналарга қўшма корхоналар учун амал қиладиган солиқ имтиёзларини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гальперт В.М., Игнатов Т., Моргунов Т.И. Микроэкономика. СПб. 1996.
2. Гребенников П.И., Леусский А.И. Тарасович Л.С. Микроэкономика. СПб. 1998.
3. Емцев Р.Г., Лукин М.Ю. Микроэкономика. -М.1999.
4. Ивашковский С.Н. Микроэкономика. М. 1998.
5. Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. М. Изд.группа Норма-Инфра 1998.
6. Махмадиев У.М. Микроиқтисодиёт / Маърузалар матни. Т. ТДИУ 2000.
7. Максимова В.Ф. Микроэкономика. М. 1996.
8. Пиндак Р., Даниэль Р. Микроэкономика. М. 1992.
9. ЎзР Фуқаролик Кодекси. Т. 1996.
10. Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Микроиқтисодиёт. Т. «Шарқ» 2001.
11. Эдвин Дж.Долан, Дейвид Е.Линдсей.Рўнок: Микроэкономическая модель. СПб. 1992.

Илова

Ўзбекистонда ОАЖ, ЁАЖ, МЧЖ ва ҚМЖ ўртасидаги асосий фарқлар

Очиқ АЖ	Ёпиқ АЖ	Масъулияти чекланган жамият	қўшимча масъулиятли жамият
Акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва ўзларига тегишли акциялар қиймати чегарасида хатарга эга ("АЖ ва акциядолар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун, 4-модда, 2-хатбоши)	Ҳудди шундай	Ҳудди шундай	ҚМЖ иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан ҳамма учун бир хил бўлган улар томонидан киритилган улушларнинг қийматига нисбатан қарра миқдорида субсидиялар жавобгарликка эга
Овозли акцияларга эга бўлган акциядорлар қуйидаги ҳолларда АЖдан акцияларни сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқига эга: - жамиятни қайта таркиблаш ёки йирик битимлар тузилиши чоғида, агар улар қайта таркиблаш ёки йирик битимлар тузилиши ҳақида қарор қабул қилишда қарши овоз берганда ёхуд ушбу масалалар бўйича овоз беришда узурли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса; - АЖ Уставига уларнинг ҳуқуқларини чегараловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ёки янги таҳрирдаги Уставнинг тасдиқланиши ҳолларида, агар улар қарши овоз берган ёхуд узурли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса	Ҳудди шундай	Агар МЧЖ Уставида иштирокчи улушининг учинчи шахсга берилиши тақиқланган, бошқа иштирокчилар уни сотиб олишдан бош тортган ҳолларда, шунингдек, улушни жамият иштирокчисига ёки 3-шахсга ўтказиш учун розилик берилмаган ҳолларда, агар бундай розиликни олиш зарурати Уставда белгиланган бўлса, МЧЖ иштирокчининг талабига кўра унга тегишли улушни сотиб олиши шарт	Ҳудди шундай
АЖ чиқариладиган акцияларга очиқ обуна ўтказиши мумкин. АЖ ўз акцияларига ёпиқ обунани ўтказиш ҳуқуқига эга, ёпиқ	Чиқариладиган акцияларга очиқ		

обуна ўтказиш имконияти АЖ уставида ва қонунчиликда чегараланган ҳоллар бундан мустасно.	обуна ўтказиш ҳуқуқига эга эмас		
АЖ 1 шахс томонидан таъсис этилиши мумкин	ЁАЖ камида 3 та шахс томонидан таъсис этилиши мумкин	АЖ 1 шахс томонидан таъсис этилиши мумкин	АЖ 1 шахс томонидан таъсис этилиши мумкин
Ҳеч кимнинг розилигисиз акциялар пакетини гаровга қўйиш ҳуқуқига эга		МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорига кўра МЧЖнинг бошқа иштирокчисига ёки учинчи шахсга улушни гаровга қўйиш ҳуқуқига эга (гаровга қўйиладиган улуш бўйича овозлар ҳисобга олинмайди)	
АЖ устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин. Бу соф фойда (соф фойданинг бир қисми) ҳисобидан амалга оширилади		МЧЖ устав фонди МЧЖ мол-мулки ҳисобидан ва уштирокчиларнинг ёки 3-шахсларнинг қўшимча ҳиссалари ҳисобидан улушлар номинал қийматини йўли билан оширилиши мумкин	Худди шундай
Қимматли қоғозлар бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз бегоналаштирилади	Қимматли қоғозлар бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан бегоналаштирилади	Улуш бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан бегоналаштирилади (нотариал тасдиқланиши мумкин)	
АЖни умумий йиғилиш, кузатув кенгаши ва ижроия орган бошқаради ("АЖ ва акциядолар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун, 63-модда, 1-хатбоши)	Худди шундай	МЧЖни умумий йиғилиш ва ижроия орган бошқаради ("МЧЖ ва ҚМЖ тўғрисида"ги қонун, 29-модда, 2-хатбоши)	Худди шундай
Устав фонди энг кам иш ҳақи-	Устав	Устав фонди энг кам	Худди шундай

нинг 500 баробари миқдорида белгиланган	фонди энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридан белгиланган	иш ҳақининг 50 баробари миқдорида белгиланган	
Акциядорлар сони чегараланмаган	Акциядорлар сони 50 кишидан ошмаслиги керак	Иштирокчилар сони 50 кишидан ошмаслиги керак	Худди шундай